

Ҳасан БҶРИЕВ



**Ҳаваскор боғбонга
қўлланма**

42.3
Б-99


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳ.Ҳ. БЎРИЕВ

Ҳаваскор боғбонга
қўлланма

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси

2002



Ҳ.Ч.Бўриев

Ҳаваскор боғбонга қўлланма.—Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2002.—208 б.

Ушбу китобда халқимизнинг боғдорчилик анъаналари, муаллифнинг илмий ва ҳаётий тажрибаси асосида мевали ва манзарали дарахтларни парвариш этиш технологияси: ўсимликка жой танлаш, уни кўпайтириш, шакл бериш, касаллик ва зараркундалардан ҳимоя этиш, боғдорчилик асбоб-ускуналари, кимёвий ҳамда маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш усуллари тўғрисида сўз боради.

Қўлланмада К.Брикелнинг “Ўсимликка шакл бериш”, Ф.Мак-Миллан Броузнинг “Ўсимликларни кўпайтириш”, Х.Бейкернинг “Мевали дарахтлар” китобларидан олинган расмлардан фойдаланилди.

Мазкур қўлланма фермер, ҳаваскор боғбон, шунингдек, кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	6
------------	---

БОҒДОРЧИЛИКДА АТРОФ-МУҲИТ ШАРОИТИ

Ўсимликни шамол ва совуқдан ҳимоя этиш.....	8
Дренаж тизими ва унинг боғдорчиликдаги аҳамияти.....	14
Атроф-муҳит шароитини назорат этиш усуллари.....	18
Совуқ парник ва иссиқхона.....	19
Туман ҳосил қилувчи қурилма ва тоннелсимон соябон.....	21

БОҒДОРЧИЛИКДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСБОБ-УСКУНАЛАР

Боғ пичоқлари ва уларни чарҳлаш усуллари.....	22
Гулқайчи ва унинг турлари.....	24
Ўсимлик кўпайтиришда қўлланиладиган идишлар.....	26
Махсус асбоб-ускуналар.....	28

ЎСИМЛИК КАСАЛЛИКЛАРИ ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ

Ўсимлик касалликлари: даволаш амалиёти.....	32
Зараркунанда ва ҳашоратларга қарши курашиш усуллари.....	37
Ўргимчаксимон кана, сциарид чивини, узунтумшук, оққиров (оққанот), шилликкурт.....	38
Бегона ўтга қарши курашиш усуллари.....	40

ИЛДИЗЛАШУВ ЖАРАЁНИНИ КУЧАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ

Қаламчани атайлаб “жароҳатлаш” усули.....	42
Қўчат ўстиришда қўлланиладиган воситалар.....	44

ЎСИМЛИК КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўсимликни уруғ билан кўпайтириш.....	46
Ўсимликни илдиз ёрдамида кўпайтириш.....	54
Илдизқаламча.....	55
Тугунаксимон илдизлар.....	58
Ўсимликни поя ёрдамида кўпайтириш.....	62
Поя қаламчаси.....	65
Болғасимон ва “товон” қаламча.....	66
Яшил қаламча.....	69
Барг қаламчаси.....	73

ПАЙВАНД ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Пайванднинг вазифаси.....	76
Тилчали қаламча пайванд.....	78
Ёрма пайванд.....	79
Ёнлама чақмоқ пайванд.....	82
Т-симон ёки қалқонсимон куртак пайванд.....	85

ЎСИМЛИККА ШАКЛ БЕРИШ УСУЛЛАРИ

Ўсимликка шакл беришнинг асосий тамойиллари.....	88
Атиргулдошлар оиласи	89
Дурагай ва флорибунд атиргули.....	91
Карлик (жажжи) атиргул.....	99
Ўрма атиргул.....	100
Танасимон ва мажнунтолсимон атиргул.....	102
Атиргулни ёшартириш усуллари.....	104

МАНЗАРАЛИ БУТАЛАР

Манзарали буталарга шакл беришнинг умумий қоидалари.....	108
Доим яшил буталар.....	112

Манзарали бутани ёшартириш усуллари.....	113
“Жонли девор”.....	118
Чирмашиб ўсадиган буталар.....	121

РЕЗАВОР МЕВАЛАР

Кулупнай ва унинг навлари.....	126
Малина (хўжагат).....	130
Қора смородина.....	132
Оқ ва қизил смородина.....	138

ТОК ВА УНИ ПАРВАРИШ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Ток парваришининг умумий қоидалари.....	142
Иссиқхона шароитида ўстирилаётган ток	144
Очиқ майдонда экилган ток	148
Ток касалликлари ва уларни даволаш усуллари.....	150

МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР

Мевали дарахт экиш тартиби.....	152
Мевали дарахтни пайванд қилиш усуллари.....	154
Олма ва нок.....	158
Олхўри.....	170
Гилос.....	176
Олча.....	182
Шафтоли.....	184
Ўрик.....	190
Анжир.....	192
Беҳи.....	196
Цитрус ўсимликлари.....	198
Дарахт илдизини қирқиш ва ҳалқалаш усули.....	202

ТЕРМИНЛАР ЛУҒАТИ.....	204
------------------------------	------------

Кейинги йилларда қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг боғдорчилик билан шуғулланишига қизиқиши, турли-туман мевали ҳамда полиз экинларини етиштиришга иштиёқи тобора ортиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бу оилаларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш, кишиларнинг бўш вақтини фойдали меҳнат билан банд бўлишини таъмин этишдан ташқари истеъмол бозорини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдиришнинг муҳим манбаи ҳамдир. Шу боис мамлакатимизда шахсий ёрдамчи хўжалик ҳамда дала ҳовлиларни ривожлантириш, боғдорчилик ва полиз экинлари майдонини кенгайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Эслатиш жоизки, фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ Президент Ислон Каримов ташаббуси билан қишлоқ аҳолисига қўшимча 350 минг га ер ажратиш тўғрисида махсус қарор қабул қилингани қишлоқ иқтисодиётининг юксалиши аҳоли турмуш даражасининг ошиши ҳамда бозорларнинг тўкин-сочин бўлишига хизмат қилмоқда.

Бир қарашда дарахт ёки экин экиш ва уни парвариш этиш осон ишдек туюлади. Аслида унинг замирида машаққатли меҳнат, билим ва амалий тажриба ётишини ҳамма ҳам англаб етадимми?

Аввало, ўсимликлар биологияси, уларни кўпайтириш ва парвариш этиш усуллари тўғрисида тўлақонли илмий-оммабоб адабиётнинг танқислигини таъкидлаб ўтиш зарур. Бундан ташқари, ўсимлик оламига кенгроқ назар билан ёндашадиган, унда рўй берадиган биофизиологик жараёнлар, хусусан, уруғ ёки кўчатни ерга қадашдан бошлаб ҳосил олишга қадар барча жараёнлар лўнда ва шу билан бирга, қизиқарли тарзда баён этилган қўлланмаларни излаб топиш осон эмас.

Ана шуларни эътиборга олган ҳолда ушбу қўлланмани ёзиш ва кенг ўқувчилар оммасига тақдим этишга жазм этдик.

Албатта, мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам боғдорчилик илми ва амалиётининг турли масалаларига оид кўплаб илмий ҳамда илмий-оммабоб қўлланма ва дарсликлар чоп этилган. Аммо, улардан фарқли ўлароқ, ушбу китобда эски услуб ва андозалардан имкон қадар узоқлашишга ҳаракат қилинган. Жумладан, китобни шаклан ва мазмунан бойитиш ҳамда ўқувчи диққат-эътиборини жалб этиш мақсадида боғдорчилик амалиёти билан шуғулланаётган ҳар бир ҳаваскор боғбон дуч келиши мумкин бўлган вазиятларни назарда тутган ҳолда, қўлланма матни савол-жавоб тарзида баён этилган. Қўлланманинг яна бир афзаллиги шундаки, ўсимлик нави, экиш тартиби, парвариш этиш ҳамда зараркунандаларга қарши курашиш услубларига оид барча жараёнлар деярли ҳар бир саҳифада келтирилган расмлар ёрдамида акс эттирилгани боис, ҳаваскор боғбон назарий билим олибгина қолмай, ўсимликни парвариш этиш амалий кўникмаларига ҳам эга бўлади.

Қўлланма ўн бобдан иборат. Унинг биринчи бобида боғдорчилик амалиётида атроф-муҳит ҳолатини назорат этиш шарт-шароитлари ҳамда ўсимлик кўпайтиришда қўлланиладиган махсус қўрилмалар ва улардан фойдаланиш усуллари тўғрисида сўз боради.

Маълумки, боғбон амалий иш бошлашдан олдин боғ асбоб-ускуналари ҳамда ёрдамчи жиҳозларнинг вазифаси ва улардан тўғри фой-

даланиш йўл-йўриқларини яхши билиши даркор. Китобнинг иккинчи бобида боғ ишларида қўлланиладиган турли асбоб-ускуна ва жиҳозлар, жумладан, кўчат кўпайтириш идишларини танлаш, пичоқ ва гулқайчидан фойдаланиш қоидалари хусусида батафсил маълумот берилган.

Боғ барпо этишга бел боғлаган боғбон ўсимлик зараркунандалари келтириб чиқарадиган касаллик белгилари ва уларга қарши курашиш усуллари ҳақидаги муайян билим ҳамда тажрибага эга бўлмай туриб, кўзлаган мақсадига эришиши қийин. Шу боис, китобда ушбу масала хусусида атрофлича фикр юритилади ҳамда тегишли тафсиялар баён этилади.

Қўлланманинг тўртинчи ва бешинчи бобларида ўсимликни уруғ, илдиз қаламча, илдиз поя ҳамда пайванд қилиш йўли билан кўпайтиришнинг ўзига хос технологиясига ҳам катта эътибор қаратилган. Бизнингча, бу технология моҳияти ҳамда асосий тамойилларини яхши эгаллаган боғбон бемалол ҳар қандай дарахт ёки бутани пайванд қилиши ва муваффақият билан ўстириши мумкин.

Ўсимликнинг яхши ривожланиши, қийғос гулаши ва ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан унинг қай йўсинда парвариш этилаётганига, хусусан, қандай қирқиш амаллари қўлланилаётганига бевосита боғлиқ экани сир эмас. Шу боис, китобда манзарали бута ва мевали ўсимлик турлари ҳамда уларга шакл бериш масалалари муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, ҳар бир бута ёки мевали дарахтга бағишланган бўлимда иқлим ва тупроқ шароити, ўсимликни экиш, озиклантириш, йилма-йил парвариш этиш ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш масалаларига кенг ўрин берилган.

Албатта, биргина китобда ўсимликлар оламини, хусусан, мевали дарахтларнинг барча нав ва турларини қамраб олиш амримаҳол. Қолаверса, айрим ўсимлик ҳамда мевали дарахтларга (масалан, тарвуз, қовун, полиз экинлари, ёнғоқ ва ҳ.к.) бағишланган бир қанча махсус китоблар мавжудлигини назарда тутиб, қўлланмада улар ҳақида маълумот берилмаган. Бунинг ўрнига мамлакатимизда у қадар кенг тарқалмаган, аммо инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарур ва шу боис оммалаштирилиши лозим бўлган айрим резавор мевалар (смородина, малина ва ҳ.к.) ҳамда биз учун антиқа ўсимликлар сирасига кирадиган апельсин, мандарин, грейпфрут, лимон сингари цитрус ўсимликларини парвариш этиш усулларига алоҳида аҳамият қаратилган.


Биобарин, қўлланмада асосан ўсимликни кўпайтириш ва парвариш этишнинг умумий тамойиллари хусусидагина сўз боради. Табиийки, унда баён этилган айрим усуллар муайян ҳудуд шарт-шароити, хусусан, иқлим ва тупроқ шароитига қисман мос келмаслиги мумкин. Шундай экан, боғ яратишни орзу қилган ҳар бир ҳаваскор боғбон китобда баён этилган назарий билим, услуб ва технологияларни амалий фаолияти билан уйғунлаштириб, ҳар бир масалага ижодий ёндашиши талаб этилади.

Атроф-муҳит шарт-шароитларини назорат этиш усуллари

Мевали дарахт боғнинг қайси қисми-да экилиши лозим?


Боғ майдони каттароқ бўлса, мевали дарахт ва резавор мевалар қуёшли жойга экилгани маъқул. Зеро, қуёш нури ва иссиқ ҳарорат меваларнинг пишиб етилиши ва гулкуртакнинг шаклланишида муҳим ўрин тутати. Мевали дарахтларнинг аксарияти сояроқ жойда ўсиши мумкин бўлса-да, бу ҳол масалан, ўрик, шафтоли, анжир ва узум сингари иссиқсевар ўсимликларнинг ҳосилдорлигига салбий таъсир этиши мумкин. Бундан ташқари, ҳўллигича истеъмол қилинадиган меваларнинг қайта ишлашга мўлжалланган меваларга қараганда ташқи кўриниши ҳамда мазаси катта аҳамият касб этиши сабабли уларда қуёш ва иссиқликка кўпроқ эҳтиёж сезилади.

Турбулент ҳаво оқими



Боғда ҳаддан ташқари тигис, ҳаво ўтмайди-ган ҳимоя воситаларидан фойдаланмаслик даркор. Чунки бундай воситалар шамол йўлини бутунлай тўсиб қўйиши ҳамда ўсимлик учун хавфли ҳисобланган турбулент ҳаво оқимини келтириб чиқаради.

Шамолга қарши воситалар



Ораси очик ҳимоя воситаси ёки “жонли девор” шамолни ўтказса-да, унинг кучини анча сусайтиради. Бундай ҳимоя воситаси боғнинг ша-

мол қаттиқ эсадиган томонида ўрнатилиши ёки ўстирилиши лозим.

Ўсимликларни шамолдан ҳимоялаш шартми?

Албатта, шарт. Чунки қаттиқ эсаётган шамол чангловчи-ҳашаротлар фаолиятига салбий таъсир этишидан ташқари новдаларнинг ривожига жиддий зарар етказиши ҳамда меванинг бевақт тўкилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис боғ очик майдонда жойлашган бўлса, у шамолга қарши “жонли девор” ёки бошқа сунъий қурилмалар ёрдамида беркитилиши лозим. Боғнинг майдонига қараб унинг бир қанча турларидан фойдаланилади. Майдони нисбатан каттароқ боғ учун тез ўсадиган ва эрта барглайдиган “жонли” ҳимоя воситаси яхши самара беради. Бундай ҳолларда кўпинча қандағоч, тол, терак сингари дарахтлардан “жонли девор” сифатида фойдаланилади. Аммо, “жонли девор” мевали да-

рахтлардан қуёш нури, сув ва озиқа моддаларини сўриб олишини ҳамда бир қанча зараркунанда ва касалликлар манбаи бўлиши мумкинлигини ҳам эътиборга олиш даркор. Шу боис шамолга қарши сунъий қурилмалардан (айниқса майдони кичик боғларда) кенгроқ фойдаланиш катта амалий аҳамият касб этади. Масалан, симтўрдан ясалган ҳимоя воситаси, биринчидан, тез ва осон қурилади; иккинчидан, шамол кучини сезиларли даражада сусайтиради.


Совуққа қарши ҳимоя воситаси

Вегетация даврида мевали дарахт совуққа ўта таъсирчанлигини назарда тутиб, уни боғнинг совуқ ҳаво туриб қолган томонига экмасликка ҳаракат қилиш лозим. Айниқса дарахтнинг гуллаган даврида ҳароратнинг нўлдан

Шамолга қарши ҳимоя воситасини қуриш



баландлиги 2 м., диаметри 8–10 см. келадиган ёғоч устуналар 60 см. чуқурликка ва 2,5–3,5 м. оралиқ масофада ерга қоқилади ва шамолга



қарама-қарши томондан уларга тиргак қўйилиди. Устунаарга 1,5 м. симтўр тортилади.

Атроф-муҳит шарт-шароитларини назорат этиш усуллари

бир-икки градус пасайиб кетиши бўлғуси ҳосилни бутунлай нобуд қилиши мумкин. Шу боис совуқ ҳавонинг боғнинг бирон-бир жойига тўпланиб қолишига имкон бермаслик даркор. Бунинг учун боғда қурилган ҳимоя воситаси, хусусан “жонли девор” совуқ ҳавонинг чиқиб кетишига тўсқинлик қилмаслиги шарт. Зарур бўлса ҳаво туриб қолган жойда ўсаётган “жонли девор”нинг қуйи шоҳларини қирқиб ташлаш ва совуқ ҳавонинг чиқиб кетишига имкон бериш керак. Аммо бунинг иложи бўлмаса, боғнинг бу жойида танаси (штамби) баланд, кеч гуллайдиган ҳамда совуққа чидамли дарахт экилгани маъқул.


Боғдаги вояга етган мевали дарахтларни совуқдан ҳимоя этиш — мушкул вазифа. Аммо кичик, бўйи нисбатан паст дарахтларни ҳимоя этиш усул-

лари мавжуд. Жумладан, совуқ тушиши арафасида дарахтни полиэтилен пленка ёки қоп-қанор билан беркитиш мумкин. Аммо хавф ўтиши билан ҳимоя воситаси дар-ҳол олиб ташланиши лозим. Акс ҳолда ўсимликни қуёш нури ва ҳаводан маҳрум этиш, чангловчи-ҳашаротлар фаолиятига жиддий зарар етказилиши мумкин.


Бундан ташқари, саноат боғдорчилигида совуқдан ҳимоя этиш воситаси сифатида сувдан ҳам кенг фойдаланилади. Чунки музлаш жараёнида сувдан ҳосил бўлган иссиқлик туфайли куртак ва гулкуртакнинг совуқ уришига йўл қўйилмайди.

Айрим резавор ўсимликларни, масалан, қизил ва қора смородина ҳамда хўжағатни совуқдан ҳимоя этиш мақсадида тўп-тўп қилиб боғлаш усули ҳам кенг қўлланилади. Аммо қуёш ну-

Боғнинг совуқ ҳаво туриб қолган қисми



Ўсимлик боғнинг совуқ ҳаво туриб қолган жойига экилмагани маъқул (чапдаги расм). Аммо ўсимликни бошқа жойга экиш имконияти бўлма-




са совуқ ҳавонинг чиқиб кетишига шароит яратиш лозим (ўнгдаги расм).

ридан маҳрум этмаслик учун вегетация даври бошланиши билан тўп-тўп қилиб боғланган ўсимликни ажратиб ташлаш лозим.

Ўсимлик ҳосилдорлигига қандай омиллар таъсир этади?


Экилган дарахт тўғри парвариш этилса, у узоқ йиллар мобайнида гуллаб, ҳосил беради. Масалан, мевали дарахтлар учун у 20—50 йилни, резавор ўсимликлар учун 10—15 йилни ташкил этади. Шу боис ўсимликларни тўғри жойлаштириш учун уларни экишдан олдин боғ майдонининг режасини тузиш ҳамда ҳар бир дарахт ва бутанинг ҳосилдорлигини назарда тутган ҳолда улар ўртасидаги оралиқ масофани белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўсимлик ҳосилдорлиги эса ўз навбатида тупроқнинг унумдорли-

Дарахтни совуқдан ҳимоя этиш



Девор ёнида ўстирилаётган, масалан, анжир дарахтини совуқ урмаслиги учун уни қалин бўз мато билан ёпиш мумкин.

Ёш новдаларни совуқдан ҳимоя этиш



Хўшағат, смородина ва ежевика сингари буталарни тўп-тўп қилиб боғлаш (а), полиэтилен пленкадан ясалган тоннелсимон қурилма

қалин бўз мато (б), ёш новдалар эса қоғоз ёки газета билан беркитилиши мумкин (в).

Атроф-муҳит шарт-шароитларини назорат этиш усуллари

ги, иқлим шароити, ўсимлик нави сингари қатор омиллар билан белгиланади. Ҳосилдорликка таъсир этувчи яна бир муҳим омил — бу ўсимликнинг қандай пайвандтакка уланганига боғлиқ. Масалан, бақувват, тез ўсиш имкониятига эга пайвандтакка уланган дарахтнинг бўйи худди шу нав,

аммо карлик пайвандтакка уланган дарахтга нисбатан баландроқ бўлади, ва энг муҳими, улар боғ ер майдонининг анчагина қисмини эгаллаб олади. Шу боис кейинги вақтда боғда кўпроқ дарахт жойлаштириш учун аксарият боғбонлар карлик пайвандтакка уланган навларни афзал кўради.

Мевали дарахтларнинг ҳосилдорлиги ва уларни жойлаштириш жадвали

Дарахт шакли	Ҳосилдорлик, кг		Жойлаштириш, м.	
	Олма	Нок	Қаторда	Қатор оралиғи
УРУҒСИМОНЛАР				
Танаси баланд	50-200	40-120	5,5-9,0	5,5-9,0
Танаси паст	50-60	20-50	3,5-5,5	3,5-5,5
Танаси паст карлик	15-25	10-20	2,5-4,5	2,5-4,5
Танаси паст пирамида	5-8	4-6	1,5-2,0	2,0
Икки ярусли пальметта	10-12	8-10	3,0-5,5	2,0
Урчуқсимон	6-15	6-15	3,5-5,5	—
Бир елкали кордон	2,5-4	2-3	0,75-1	2,0
ДАНАКСИМОНЛАР				
Танаси баланд (олхўри, шафтоли, ўрик)	15-60		5,5-7,5	5,5-7,5
Танаси паст	—		—	—
Олча	15-20		3,5-5,5	3,5-5,5
Олхўри, шафтоли	15-30		3,5-5,5	3,6-6,0
Бўйи турлича (гилос)	15-60		4,5-12,0	4,5-12,0
Пирамидасимон (олхўри)	15-25		3,0-3,5	3,0-3,5
Урчуқсимон	6-15		3,5-5,5	—
АНЖИР				
Танаси паст	8-10		5,5-6,0	5,5-6,0
Урчуқсимон	8-10		3,5-4,5	—
РЕЗАВОР МЕВАЛАР				
Танасимон мевалар				
Қора смородина	5-6		1,5-2,0	2,0
Қизил ва оқ смородина	4-5		1,5	1,5
Крижовник	3-4		1,2-1,5	1,5
Кордонсимон буга	0,5-1,5		0,3-0,4	1,5
Маймунжон	5-15		2,5-4,5	1,8-2,0
Ҳўжағат	0,75		0,4-0,5	2,0
Ертуг	0,25-0,3		0,3-0,4	0,7-1,0

Девор ёнига экилган дарахтга қандай шакл бериш лозим?

Боғ барпо этаётганда, айниқса унинг майдони нисбатан кичикроқ бўлса деворлардан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Чунки девор дарахт учун табиий тиргак вазифасини ўташи баробарида уни совуқдан ҳимоя этади. Бундан ташқари, қуёш нури таъсирида, масалан, гишт деворда қўшимча иссиқлик ҳосил бўлади. Бу ҳол мева сифатининг яхшиланишига, гулкуртакнинг жадал ривожланишига хизмат қилади ва умуман айтиш мумкин, шундай шартларда деярли ҳар қандай дарахтнинг ўстиришига имкон яратилади.


Одатда девор ёнида жой у қадар кўп бўлмагани сабабли бу ерга бўйи паст навлар дарахт экилади.

Дарахт шаклига келсак, олма ва нокни пальметта, кордон ёки урчуқ шаклида; ўрик, шафтоли, олча сингари данаксимонлар оиласига мансуб дарахтларни фақат урчуқ шаклида ўстириш лозим.

Чирмашиб ўсадиган бир қатор ўсимликларни эса, масалан маймунжон ёки токни девор ёнида турлича шаклда парвариш этиш мумкин.

Дарахтга айнан қандай шакл берилиши девор ёки ишқомнинг баландлигига боғлиқ. Масалан, баландлиги 1,8 м.ча бўлган девор ёнига паст бўйли пальметта шаклидаги дарахт ўстирилгани маъқул. Баландлиги 2—2,5 м. девор ёнига паст бўйли пайвандтакка уланган олма ёки нок дарахтини парвариш этиш мумкин. Гилос сингари тез ўсадиган ва бўйи баланд дарахтлар учун 2,5 м.дан ҳам баландроқ тиргак қўйишга тўғри келади. Қолаверса, боғдорчиликда боғ деворларининг қайси томонда жойлашгани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Боғнинг **жануб** томонидаги девор ёнига одатда анжир, ўрик, узум, нок, олхўри, олча ва олма сингари иссиқсевар дарахтлар экилгани маъқул. Боғнинг **шарқий** деворига фақат куннинг биринчи ярмида қуёш нурлари тушади. Бу ерда нок,


ДАРАХТ ТАНАСИНИНГ ШАКЛИ



Ёнлама кордон



Пальметта



Урчуқ



Танаси
баланд

Танаси
ўртача

Танаси
паст

олма, олхўри, гилос, смородина, хўжағат ва маймунжоннинг эртапишар навлари яхши ривожланади. Боғнинг **шимолий** девори ёнига совуққа чидамли, хусусан урчуқсимон шаклли олча, олманинг қайта ишлашга мўлжалланган эртапишар навларини ўстириш лозим.

Дарахт кўчатини қаердан олиш мумкин?

Дарахт кўчати иложи бўлса фақат маҳсус кўчатхонадан сотиб олингани маъқул. Чунки, кўчатхонада, биринчидан, танлаш имконияти мавжуд бўлса, иккинчидан, бу ерда кўпайтирилган кўчат барча талабларга жавоб беради.

Кўчат харид қилаётганда яна бир му-

Атроф-муҳит шарт-шароитларини назорат этиш усуллари

ҳим талабга риоя қилиш зарур. Гап шундаки, гилос, олма, нок, олхўрининг айрим навлари фақат жуфт ҳолда гуллаши ва ҳосил беришини назарда тутиб, улар иккитадан экилиши ва парвариш этилиши шарт.


Дарахт экишда дренаж тизими қандай аҳамият касб этади?

Агарда боғда дренаж тизими (намни қочириш) мавжуд бўлса, дарахт экиш учун ҳар қандай тупроқ ҳам мос келади. Аммо дарахт қанчалик йирик бўлса, унга

шунчалик қалинроқ, нами қочирилган унумли тупроқ керак бўлади. Масалан, резавор мевалар учун 30—45 см., мевали дарахтлар учун — 60 см. унумли ер қатлами талаб этилади. Шу билан бирга, смородина, олхўри, нок ва олманинг қайта ишлаш учун мўлжалланган навлари етарли дренаж қилинмаган тупроққа бемалол мослашиши мумкин. Хўжагат, шафтоли ва гилос эса яхши дренаж қилинган тупроқдагина жадал ривожланиши, гуллаши ва ҳосил бериши мумкин.

Дренаж тушунчаси тўғрисида муайян

Кичик боғда ўсимликларни жойлаштириш тартиби



Расмда у қадар катта бўлмаган, аммо ўсимликлар оқилона жойлаштирилган боғ режаси келтирилган. Бу режа вазиятга қараб ўзгартирилиши мумкин. Боғда пальметтасимон нок (а ва б), маймунжон ва хўжагат ўстирилган ра-

воқ (в), узум (г), урчуқсимон шафтоли (д), кордонсимон олма (е), крижовник (ж), қизил смородина (з), қора смородина (и), хўжагатнинг эртапишар (к) ҳамда кечпишар (л) навлари жойлаштирилган.


тасаввурга эга бўлиш учун бир неча ми-
 солларга мурожаат этамиз. Ернинг қат-
 тиклиги ва ёмгирдан кейин унда қўлча
 ҳосил бўлиши тупроқда лой қатламининг
 кўпайганидан далолат беради. Табиийки,
 бундай жойда сувнинг тупроққа сўрили-
 ши ёки ундан сизиб кетиши қийин кеча-
 ди. Бундай тупроқ унумдорлигини фақат
 компост, торф, гўнг сингари органик
 ўғит билан озиклантириш ёки дренаж
 тизими ёрдамида яхшилаш мумкин.

Ортиқча намликни ўзида сақлаб ту-
 радиган тупроқдан уни тезроқ чиқариб

юбориш лозим. Акс ҳолда, бу илдишлар-
 нинг, ҳатто ўсимликнинг нобуд бўлишига
 сабаб бўлиши мумкин. Бунга йўл қўймас-
 лик учун кичикроқ боғда дренаж қудуқ,
 каттароқ боғда эса заҳ сувлар оқизилади-
 ган дренаж ариқ бўлиши керак. Заҳ сув-
 ларни қочириш имконияти бўлмаган боғ-
 да дарахт ва буталар баланд пушталарга
 экилиши лозим.

Тупроқнинг сочилувчанлиги ва тезда
 қуриб қолиши унда қум ёки майда тош
 миқдорининг кўплиги ва озиқа моддала-
 рининг камайиб кетганидан далолат бе-

БОҒДА ДРЕНАЖ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



Сув оқаётган томонга қараб, диаметри 30 см.
 қувур сигадиған ариқ (а) қазилади. Ариқ тубига
 2-3 см. қалинликда шағал ётқизилади ва унинг
 устига қувур жойлаштирилади.

Қувурлар (б) бир-бирига жипслаштириб улана-
 ди. Ортиқча заҳ сувлар қувур оралғидаги те-
 шикчалардан оқиб кетиши керак. Қувур учун
 қазилган ариқ шағал ва тош билан беркитиб
 ташланади.

“Арча” шаклидаги (в) дренаж қувурда ёнлама
 қувурлар асосийсига 60° бурчак билан уланмоғи

лозим. Ётқизилган қувурларнинг нишаби ариқ
 ёки дренаж қудуққа тўғирланишига алоҳида
 эътибор қилиш лозим.

Дренаж қудуқ учун (г) диаметри 1-2 м., чуқур-
 лиги 2-3 м. келадиган чуқур қазилади. Заҳ сув
 сизиб кетиши учун қудуқ деворларига пишиқ
 ғишт териб чиқилади. Асосий қувур учун жой
 қолдириш зарур. Ниҳоят қудуқ тубига майда-
 ланган ғишт, майда тош ташлаб, устига бир
 оз тупроқ солинади.

Атроф-муҳит шарт-шароитларини назорат этиш усуллари

ради. Бундай тупроқни керакли миқдорда органик ўғит (костпост, торф ёки гўнг) солиб, бойитиш мумкин.

Тупроқнинг унумдорлигини оширишда ундаги ишқорнинг миқдори ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун мевали дарахт экилган жойда тупроқнинг ишқорланиш даражаси (рН) тахминан 6,5 фоизни ташкил этиши даркор. Ишқорланиш даражаси ошиб кетган ҳолатда (рН 5,8дан пастроқ) тупроққа карбонат ангидриднинг кукуни (1 м^2 майдонга — 60 гр.дан 0,5 кг.гача) солинади.

Кутилмаган кимёвий реакция рўй бермаслиги учун яқиндагина ўғитланган майдонга карбонат ангидрид солинмагани маъқул. Умуман олганда, ўғит тупроққа баҳор фаслида, карбонат ангидрид эса кузда солингани айни муддао.

Боғдорчиликда ҳаддан ташқари ишқорланган ерда ўсаётган мевали дарахтлар темир ёки магнийга эҳтиёж сезиш ҳоллари кўп учрайди. Бу ўз навбатида хлороз касаллигини келтириб чиқаради. Хлороз дарахт барги ва новдаларининг сар-ғайиши, шоҳларнинг аста-секин қуришига сабаб бўлади. Бундай вазиятда тупроққа дарҳол магний ва темирнинг аралашмаси солинмаса, қисқа вақт ичида дарахт бутунлай қуриб қолиши мумкин.

Тупроқнинг ишқорланиш даражасини бир меъёрга сақлаб туриш учун тупроқнинг таркиби ва ҳолатига қараб ҳар йили олтингутурт (сульфат) солиб туриш даркор. Қумоқ тупроқли ерга 1 м^2 майдонга 125 гр., оғирроқ тупроққа 250 гр. олтингутурт сульфати солинса бас.

Мевали дарахт ва резавор буталар узок йилларга мўлжаллаб экилади. Шу боис, тупроқни олдиндан тайёрлаш, унга яхшилаб ишлов бериш катта аҳамият касб этади. Биринчи гада, ер участкаси бегона ўтлардан тозаланмоғи лозим. Агарда бегона ўт унчалик кўп бўлмаса, уларни қазиб олиш ва ёқиб юбориш мумкин. Лекин бегона ўт бутун боғни эгаллаб олган

бўлса, у ҳолда гербицидларни қўллаш ёки ерни икки марта чопиш билангина уларни йўқотиш мумкин.

Ерни чопишдан олдин ўғит солиш шартми?

Мевали дарахт ва буталарнинг яхши ривожланиши ва кўп йиллар ҳосил беришини таъминлаш учун тупроқ чириган гўнг ёки компост сингари органик ўғит билан озиқлантирилиши даркор. Бу тупроқ унумдорлигининг яхшиланишига хизмат қилади.

Органик ўғит миқдори тупроқнинг таркиби, унинг унумдорлиги ҳамда ҳар бир мевали дарахт ёки бутанинг талаб-эҳтиёжлари билан белгиланади.


Минерал ўғитлар эса ўсимликни асосий озиқа моддалари — азот, фосфор ва калий билан таъминлайди. Азот ўсимликининг ривожини, фосфор — умумий ҳолатига таъсир этса, калий моддаси — меванинг ранги, мазаси ва чиниқувчанлигини таъминлайди.

Ҳаваскор боғбонларнинг аксарияти мевали дарахтларни алоҳида моддалар билан эмас, уларнинг аралашмаси билан озиқлантиришни афзал кўришади. Чунки бир ўсимликка мос келадиган минерал ўғит бошқасининг ривожига салбий таъсир этиши азалдан маълум. Масалан, олхўри, шафтоли ва қора смородинага азот моддасини кўп миқдорда қўллаш мумкин бўлса, ортиқча азот олманинг ҳаддан ташқари барглаб кетишига ва аксинча, ҳосилдорлигининг кескин пасайишига олиб келади.

Таркибида хлор моддаси мавжуд бўлган минерал ўғитлардан ҳам жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозим, чунки уларнинг аксарияти ўта заҳарли ҳисобланади. Шу боис резавор ўсимликларни озиқлантиришда хлорли моддалардан (айниқса хлорли кальций) умуман фойдаланмаган, мевали дарахтларга эса тегишли тавсияларга риоя этган ҳолдагина қўллаган маъқул.




Ерни юмшатиш ишлари



Богдорчиликда ерни юмшатиш ишларига азалдан катта аҳамият бериб келинади. Бу табдир, расмда кўрсатилганидек, муайян тартибда

амалга оширилмоғи даркор. Хусусан, ер имкон қадар чуқурроқ чопилиши ва бир жойдан олинган тупроқ яна ўша жойга айлантирилиши лозим.



Атроф-муҳит шарт-шароитларини назорат этиш усуллари

Боғдорчиликда атроф-муҳит шарт-шароитлари қандай ўрин тутади?

Боғдорчиликда уруғ, қаламча ёки пайванддан янги ўсимлик ҳосил бўлгунга қадар ёш ўсимликларни нобуд бўлишига йўл қўймаслик, уларни авайлаб парвариш қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда кўп нарса уруғнинг сифати, “жарроҳлик” усуллари-нинг тўғри қўлланилиши ҳамда атроф-муҳит ҳолатининг доимий назорат этилишига боғлиқ.

Одатда атроф-муҳит шарт-шароитлари деганда муайян намлик, ҳарорат даражаси, газ таркиби, ёруғликка эга об-ҳаво ҳолати ҳамда маълум ҳарорат, намлик, ҳаво алмашинуви, ташқи муҳит таъсирида бўлган озиклантирувчи асос — тупроқ ёки унинг гўнг билан аралашмасани ўз ичига олган омиллар тушунилади. Бинобарин, ўсимликни кўпайтириш жараёнида қўлланилиши мўлжалланаётган ҳар қандай асбоб-анжом ана шу омиллар қай даражада таъсир этиши жиҳатидан баҳоланмоғи лозим. Идеал шароитда ўсимликка сув бераётганда унинг бугланиш даражаси


паст бўлиши, қулай ҳаво ҳарорати сақлаб турилиши, фотосинтез жараёни учун ўсимликка етарли ёруғлик тушиб туриши, тупроқ қатламида мўтадил ҳаво оқими, заҳ сувлар қочирилиши, тупроқ ёки унинг гўнг билан аралашмаси яхши қизитилган бўлиши керак. Демак, боғбон атроф-муҳит шарт-шароитларини назорат этиш имкониётларидан келиб чиққан ҳолда ўсимликни кўпайтириш муайян усулини қўллаши даркор. Айниқса иссиқсевар ва нозик ўсимликларни кўпайтириш жараёнида атроф-муҳит ҳолатини жиддийроқ назорат этиш талаб этилади.

Совуқ парникнинг афзаллиги нимада?

Ўсимликни кўпайтириш жараёнида зарур шарт-шароит яратиш учун кўп ҳолларда усти ойна билан ёпиладиган оддий ёғоч қолипдан фойдаланиш мумкин. Бу энг оддий, совуқ парникнинг қулайлиги шундаки, **биринчидан**, (1-расм) уни ясаш осон, **иккинчидан**, бундай парник тупроқ ҳароратини ошириш баробарида унинг кечаю кундуз давомидаги ўзгариши-

Совуқ парник

1-расм



ни камайтиради, **учинчидан**, унда юқори намлик даражаси сақлаб турилади, **тўртинчидан**, ойна орқали парник ичига етарли даражада ёруғлик тушиб туради. Бундай ускуна ёрдамида кўплаб совуққа чидамли ўсимликлар кўпайтирилиши мумкин. Бироқ у айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Хусусан, иссиқ кунларда парник ичидаги ҳарорат ҳаддан ташқари ошиб кетиши оқибатида ундаги ҳавони алмаштириб туриш ёйинки ойнани бирон нарса билан тўсиш зарурати туғилади. Натижада ундаги ҳарорат кескин пасайиб, намлиги камайиб кетишидан ташқари қуёш нурининг етар-


ли тушмаслиги сабабли фотосинтез жараёнининг секинлашиш ҳоллари кузатилади.

Албатта ойнанинг ўрнига бошқа материаллардан, масалан тиниқ пластикдан ҳам фойдаланиш мумкин. Аммо у иссиқликни ойна сингари сақлаб тура олмаслиги, айниқса баҳор ва куз мавсумида ёруғлик ва иссиқликни яхши ўтказмаслиги сабабли боғдорчиликда камдан-кам қўлланилади.

Боғдорчилик амалиётида 150x80 см. катталиқдаги ёғоч ромга солинган ойнаванд парник қурилмаси кўпроқ қўлланилади. Ромлар ёғоч қолипга ёнма-ён ўрнатилади, олдинги ва орқа

Туман ҳосил қилувчи қурилма

2-расм



Атроф-муҳит шарт-шароитларини назорат этиш усуллари

деворлари ўртасидаги масофа 145 см.ни ташкил этади. Бундай қурилма кўчат ўстиришга мўлжалланаётган бўлса, унинг олдинги деворининг баландлиги 22 см, орқа девориники — 30 см. бўлгани, ромнинг нишаби эса жануб томонга қаратилгани маъқул. Қурилманинг янада мустаҳкамлигини таъминлаш учун барча тешик-туйнуқлар маҳкам беркитилиши, ромларга икки тавақали ойна солиниши мақсадга мувофиқ.


Иссиқхона ёғочдан қурилгани яхшими ёки металдан?

Иссиқхона — атроф-муҳит шароитларини ишончли назорат этишда

кейинги босқич ҳисобланади; унда назоратнинг мураккаброқ усуллари қўлланилади. Боғдорчиликда шакли, ҳажми ва умумий майдони жиҳатидан фарқланадиган турли-туман иссиқхоналардан фойдаланилади. Ёғоч ромлардан қурилган иссиқхоналарнинг қимматлигидан ташқари, уларда намлик миқдори, ҳарорат даражасини назорат этиш қийинроқ кечади. Металдан қурилган иссиқхона арзонроқ бўлса-да, у кучли шамолга дош беролмаслиги мумкин. Шу боис ўсимликни яхши ривожланиши учун иссиқхоналарга баъзан қўшимча анжом ва қурилмалар ўрнатилади. Масалан, иссиқсевар хонаки ўсимликларни кўпайтириш учун ис-

Ўсимлик кўпайтириш камераси

3-расм



сиқхонанинг бирон бир бурчагига усти ойна билан ёпилган ва ўзига хос иссиқлик камераси вазифасини ўтовчи ёқоч қути жойлаштирилади. Қолаверса, керакли иссиқлик даражасига эришиш учун камера тубидаги тупроқ қатламида жойлаштирилган иситиш кабелидан ҳам фойдаланиш мумкин.

“Парник эффекти”га қарши туман ҳосил қилувчи қурилма

Туман ҳосил қилувчи қурилма — ташқи муҳит шароитини изчил назорат этиш усулларида саналади. (2-расм) Бундай қурилмада ҳаво намлигининг белгиланган миқдори автоматик тарзда сақлаб турилади. Бундан ташқари, бу қурилманинг яна бир афзаллиги шундаки, унда бошқа турдаги ускуналарда иссиқлик таъсири (“парник эффекти”) ҳамда иситиш кабелининг ишлаши оқибатида ҳароратнинг ҳаддан ташқари кўтарилиб кетиши ҳоллари рўй бермайди. Аммо бундай қурилмадан самарали фойдаланиш учун иссиқхонага электр ва сув манбаига уланиши лозим.

Кўчат кўпайтиришнинг яна бир воситаси

Кўчат кўпайтиришда у қадар катта бўлмаган махсус камерадан (3-расм) фойдаланиш ҳам анчагина самара бериши мумкин. Нисбатан енгил, ҳажм жиҳатдан кичик бўлган бу қурилма иссиқхонада ҳам, уйдаги ёрдамчи хоналарнинг бирида ҳам жойлаштирилиши мумкин. Фақат унга етарли даражада ёруғлик тушиб

турса бас. Фиберглассли (пишиқ пластик) пойдеворга эга бундай камера иситиш кабелни уланган термостат (ҳароратни бир маромда ушлаб турадиган ускуна) ҳамда ташқи ёпқичдан иборат.


Кўчатга соябон кераклими?

Тез кўпаядиган ўсимликдан кўчат олишда қуйидаги жуда оддий ва арзон усулдан фойдаланиш мумкин. Гултувак ёки кўчат ўстириш мосламасининг икки ёнидан ерга букиб қадалган ёғоч қозикча ёки эгиловчан сим устидан полиэтилен плёнка тортилиб, резинкали тасма ёрдамида маҳкамланади. (4-расм)

Тоннельсимон шаклидаги соябон ясаганда ҳам худди шундай йўл тўтилади: идишнинг қарама-қарши бурчакларига қадалган ёйсимон сим устидан плёнка тортилиб, ҳар икки томони ип ёки тасма ёрдамида маҳкам боғланади.

Соябон қурилмаси

4-расм



Боғдорчилликда қўлланиладиган асбоб-ускуналар

Боғдорчиликда қандай пичоқлар қўлланади?


Ўсимликларни кўпайтириш жараёнида пичоқ асосий воситалардан ҳисобланади. Бажарилиши лозим бўлган иш характерига қараб, пичоқнинг у ёки бу тури танланади.

Боғдаги аксарият ишларда ўртача узунликдаги, тиғи углерод пўлатидан ясалган пичоқ ишлатилади. Пайванд қилишда эса нисбатан оғирроқ пичоқ даркор бўлади. Куртаклаш, тўғрироғи куртак пайванд ишларини бажаришда тиғининг учида тилчаси бор пичоқдан фойдаланган маъқул. Негаки, у ўсимликнинг кесилган жойидаги пўстлоқни икки томонга бемалол ажратиш имконини беради.

Нисбатан нозикроқ ўсимликларни, масалан георгин ёки хризантемаларни кесишда соқол олишда ишлатиладиган пискадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Боғбонларнинг аксарияти тез ўткирланадиган тўғри тиғли пичоқдан фойдаланишади. Баъзилари эса эгик тиғли пичоқни афзал кўришади. Бундай пичоқ кесиш ва айниқса пайвандлаш сингари нозик ишга у қадар ярамайди. Устига-устак, уни чарқлаш ҳам анча қийин кечади.


Боғдорчиликда қўлланиладиган пичоқлар бемалол очилиб ёпилиши, унинг сопи ҳаддан ташқари узун ёки калта бўлмаслиги, яъни ишда қулай бўлиши лозим. Қаттиқроқ шоҳни кесишга мўлжалланган пичоқнинг тиғи унинг сопига яхшилаб маҳкамланган бўлиши керак. Пичоқ тиғи ҳар икки томонидан ёки бир томон-



Қуриб қолган шоҳлар қандай кесилмоғи лозим?

Кесиладиган жойининг пастроғидан чап қўл билан ушлаб турилган шоҳ ўнг қўлнинг бош бармоғи билан пичоқ тиғига томон сиқилади ва ўткир бурчак остида қирқилади. Қирқаётганда ўнг қўл орқага томон ҳаракатланиши лозим. Кўпинча кесиш жараёнида пичоқнинг тиғига елим ва ўсимлик шарбати ёпишиб, уни ифлослантиради. Шунинг учун, мўлжалланган иш якунланганидан сўнг пичоқ тиғи бензин, тўртхлорли углерод суюқлигида намланган

латта ёки юмшоқ наждак қоғоз билан тозаланса, у асл ҳолига қайтади.



Пичоқ ва чархтош турлари

лама (масалан, фақат чапдан ёки фақат ўнг томонидан) чархланиши мумкин. Сифатли пўлатдан ясалган пичоқни ҳадеб чархлайвериш ҳам ярамайди, чунки бир марта чархланганда узоқ вақт ишлатилиши мумкин. Қолаверса, турли мақсадларда ишлатиладиган пичоқлар ўз сифатини йўқотмаслиги учун, масалан, оддий паки ёрдамида кесиш мумкин бўлган нисбатан йўғон шоҳ, ип ёки тасмани нисбатан нозикроқ ишларни бажаришга мўлжалланган пичоқ билан кесишга асло йўл қўймаслик лозим.


Пичоқ чархлаш учун қандай чархтош керак?

Боғдорчилик ишларига эндиgina қўл урган, бу соҳада ҳали етарли тажрибага эга


бўлмаган одам учун пичоқ чархлаш мураккаб иш бўлиб туюлиши мумкин. Аслида бир неча асосий қоидаларга риоя этган ҳар қандай одам, пичоқ чархлаш усулларини тезгина эгаллаб олиши мумкин. Аввало, ҳар бир боғбон чархтошни тўғри танлай олиши лозим. Сотувда учраб турадиган чархтошларнинг ҳаммаси ҳам пичоқ чархлашга тўғри келавермайди. Иложи бўлса, катта ва кичик донали тўртбурчак шаклидаги ясси чархтош сотиб олган маъқул.

Чархлашдан олдин чархтош сирти яхшилаб мойланса, пичоқнинг бемалол ҳаракатланишига имкон яратилади. Хўш, чархлашни нимадан бошлаш лозим? Даставвал пичоқ тиғи чархтошнинг “дағал” (йирик донали) сиртида, расмда кўрсатилганидек, олдинга томон охиста юргизилади, сўнг худди шу ҳаракат чархтош-

Пичоқнинг бурчак остида чархлаш усули




1. Йирик донали карборунд чархтош сирти мойланганидан кейин, пичоқ тиғи бурчак остида олдинга қараб юргизилади.



2. Пичоқ тиғи бир неча бор юргизилади. Худди шу тарзда пичоқ тиғи чархтошнинг кичик донали сиртида юргизилади.

Пичоқни ясси сиртда чархлаш усули



3. Пичоқ тиғини босган ҳолда абразив тош сирти бўйлаб олд томон юргизилади ва бу ҳаракат бир неча бор такрорланади.

нинг “юмшоқ” (кичик донали) сиртида такрорланади. Пичоқ тигининг иккинчи томони ҳам шу тарзда чарҳланади. Пичоқ биртекис чарҳланиши учун унинг тиғи чархтошнинг бутун сирти бўйлаб юргизилмоғи даркор.

Ток қайчи ҳақида нималар биласиз?



Ўсимликларни кўпайтиришда яхши чарҳланган пичоқ боғбоннинг асосий иш қуроли ҳисобланса-да, баъзи ҳолларда, ишда қулайлиги, тез ва соз кесиши билан гулқайчи боғбонга кўпроқ қўл келади. Зеро, ток қайчи пичоқ иш бермайдиган нисбатан юғон ва қаттиқ шоҳларни кесишда қўлланилади. Албатта нозикроқ шоҳларни кесишда ҳам ундан фойдаланиш мумкин, бироқ кесилган жой ўткир пичоқ ёки писка билан тозаланмоғи лозим.

Боғдорчилик ишларида ток қайчининг асосан икки тури: қайчисимон пружинали ва жоди шаклидаги ток қайчи қўлланилади. Жоди шаклидаги ток қайчи тиғининг одатда ҳар икки томони чарҳланган бўлади. Бунда шоҳ ёки новда қаттиқ тиркагичнинг кенг ва текис сиртига босган ҳолда кесилади. Қайчисимон ток қайчининг ташқи томонидан чарҳланган тиғи иккинчи (чарҳланмаган) тиғига қарама-қарши ҳаракатланиб, шоҳ ёки новдани кесади. Боғдорчилик ишларида ток қайчининг ана шу туридан фойдаланган дуруст, чунки унинг ёрдамида кесилган жой теп-текис ва тозароқ чиқади. Қайчисимон пружинали ток қайчининг яна бир афзаллиги шундаки, ҳар галги кесиш ҳаракатидан кейин унинг тиғи пружина ёрдамида янада очиқ ҳолатига келтирилади. Акс ҳолда, ток қайчининг ҳар бир ҳаракатидан кейин унинг тиғини олдинги ҳолатига қайтаравериш, биринчидан, одамни чарчатади, иккинчидан, бармоқни яралаши мумкин. Шунинг учун, ток қайчини ишлатишдан олдин уни ёпиқ

Қайчисимон ток қайчи



Пружинали ток қайчи



Жодисимон ток қайчи

Токқайчи турлари


(ишламаётган) ҳолатида ушлаб турувчи махсус сақлагичнинг борлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Баъзи ток қайчиларда ўсимлик шарбатининг оқиши сабабли тигларнинг бир-бирига ёпишиб қолишидан сақлайдиган махсус тарновчалар ўрнатилган бўлади. Тигларнинг узоқ ишлашини таъмин этиш учун ток қайчи белгиланган мақсадларгагина қўлланилиши лозим. Акс ҳолда у тезда бузилиб, ишга яроқсиз бўлиб қолиши мумкин.

Ток қайчи бошқа асбоб-ускуналарга қараганда кўпроқ парвариш этишни талаб этади. Ҳар гал иш бажарилгандан кейин ток қайчи тигининг ўтмаслашувига сабаб бўлиши мумкин бўладиган ёпишқоқ елим, ўсимлик шарбати ва тўқималарининг қолдиқларидан бензин ёки тўртхлорли углерод аралашмаси ҳамда юмшоқ наж-

дак қоғоз ёрдамида тозаланмоғи даркор. Қайчининг тиғи ва ишқаланадиган бошқа қисмлари занглаб қолмаслиги учун, улар ҳам яхшилаб мойланмоғи лозим.


Сифатли қилиб ясалган ва доимо парвариш этиб турилган ток қайчи тиглари узоқ вақт давомида чарҳланмаслиги мумкин. Мабодо бунга зарурат туғилиб қолгудек бўлса, ток қайчидан фойдаланиш кўрсатмаларига (инструкциясига) амал қилиш лозим. Агарда бундай кўрсатмалар бўлмаса, у ҳолда ток қайчи тиғи тегишли устахонада мутахассис томонидан чарҳлангани маъқул. Умуман чарҳлаш усули жиҳатидан токқайчиларни икки тури мавжуд. Бир хил ток қайчилар олдин қисмларга ажратилиб, сўнг тиғи чарҳланса, бошқа турдаги токқайчиларда эса ўтмаслашиб қолган тиг янгисига алмаштирилади.

Тўғри кесиш усули




Ток қайчининг ўткир тиғи қолдиришга ётган асосий шох томонига ўтказилади ва ортиқча шохча кескин ҳаракат билан қирқилади.

Нотўғри кесиш усули



Ток қайчи билан ишлаётганда, унинг ўтмастиғи асосий шох томонида бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда, новдада тўнкача ҳосил бўлиши мумкин.

Жодисимон ток қайчи ёрдамида кесиш усули



Ток қайчининг ўткир тиғи унинг қаттиқ тиркагичи томон ҳаракатланиб, ўсимлик пояси ёки шохчасини теп-те-кис ва тоза кесади.

Боғдорчиликда қўлланиладиган асбоб-ускуналар

Ток қайчи ёрдамида сифатли қаламча олиш мумкинми?

Жодисимон ток қайчиларнинг қаттиқ тиркагичи қалин бўлгани сабабли, ўсимлик шоҳининг айнан қайси жойи кесилаётгани аниқ кўринмаслиги мумкин. Шу боис, ўша тиркагич сизга қарама-қарши томонда жойлашганига ишонч ҳосил қилиб, шоҳни кессангиз, кесма теп-те-кис ва тоза чиқади.



Лойдан ясалган гултувак яхшими ёки пластикдан ясалгани?


Боғдорчиликда кўчат ўстириш ва уни парвариш этишда турли ҳажм ва шаклдаги туваклардан кенг фойдаланилади. Бу идишлар ўсимликни парвариш этиш ва айниқса, уни суғоришда боғбонга қўл келади.

Одатда тувакнинг диаметри уни бўйи билан тенг бўлади. Аммо унинг бўйидан пастроқ ёки баландроқ идишлардан ҳам фойдаланилади. Тувакларни танлашда биринчи галда намликни улар қай даражада сақлай олишига эътибор бериш лозим. Агарда тувакка сув ўтказувчанлик хоссасига эга тупроқ аралашмаси солинган бўлса, ўсимлик яхши ривожланиши ва ҳароратни бир маромда сақлаб туриш учун тувак тубининг уч-тўрт жойидан тешиб қўйилса бас.

Ўсимликни парвариш этишда капилляр (томчилаб) суғориш усулини қўлланганда ҳам ушбу талабга риоя этиш лозим.

Баъзи боғбонлар тўртбурчак шаклидаги туваклардан фойдаланишни афзал кўришади. Чунки уларни бир-бирига жипслаштириб жойлаштириш ва шу туфайли ердан унумлироқ фойдаланиш мумкин.

Боғдорчиликда қўлланиладиган туваклар ҳам қаттиқ, ҳам юмшоқ материаллардан ясалиши мумкин. Илгарилари туваклар асосан лойдан ясалган. Лойтувакларнинг қимматли, тез ишдан чиқиши ва оғирлиги сабабли кейинги вақтда уларнинг ўрнига пластмассадан ясалган туваклар кенг қўлланилмоқда. Лойтувакларга қараганда анча арзон, енгилроқ бўлсада, бундай идишлар ультрафиолет нурларининг таъсирига дош беролмай, тез орада юмшаб қолиш ҳоллари ҳам куза-



Идиш турлари

тилади. Шу боис, кейинги вақтда полипропилендан ясалган туваклар оммалашиб бормоқда. Анча бақувват ва чидамлилигидан ташқари, уларни ювиш ҳам, сақлаш ҳам осонроқ. Қолаверса, полипропилен тувакларга солинган тупроқ арашламаси намликни узоқ вақт сақлаб туриши сабабли ўсимлик у қадар кўп сув талаб этмайди.

Тувак танлаётганда уларнинг яна бир жиҳатиға эътибор қилиш лозим. Жумладан, боғдорчилик амалиётидан тувакнинг мустаҳкамлиги унинг диаметрига боғлиқ экани маълум. Шу боис имкони борича таги кенгроқ, деворлари тик (вертикал) тувакдан фойдаланган маъқул, чунки бундай тувакка тупроқ аралашмаси кўпроқ сифишидан ташқари, унда ўсимликнинг яхши томир олиши ва бемалол ривожланиши таъминланади.

Пластик идиш қандай афзалликларга эга?

Боғбон кўп миқдорда кўчат ўстирмоқчи бўлса, у ҳолда кўчат ўстиришга

мўлжалланган махсус идишдан фойдалангани маъқул.

Бундай идиш ёғочнинг юмшоқ турларидан ҳажми 35х20 см, чуқурлиги 5-7 см. қилиб ясалади. Аммо бундай идишлар узоқ чидамайди, чунки вақт ўтиши билан ёғоч чирий бошлайди. Шунинг учун боғдорчилик амалиётида узоқ вақт шаклини йўқотмайдиган ва ультратфиолет нурлари таъсирида бузилмайдиган қалин пластикдан ясалган идишлар кўпроқ қўлланилади. Аммо бундай идишлардаги тупроқнинг заҳланиб қолишига йўл бермайдиган дренаж туйнуклар бўлиши зарур.


Баъзи ҳолларда эпчил боғбонлар шароитга қараб махсус кўчат идишлар ўрнига ёғоч қути, полистирол қоп сингари воситалардан ҳам кенг фойдаланишади. Лекин бу идишларнинг ҳам тоза ҳамда дренаж туйнукчаларга эга бўлишини унутмаслик лозим. Акс ҳолда кўчат яхши ривожланмаслиги, чириб, тез орада қуриб қолиши мумкин.

Торфдан гултувак яшаш мумкинми?

Боғдорчиликда прессланган органик моддалардан ясалган бир марта фойдаланиладиган тувакларнинг бир қанча турлари ишлатилади. Айниқса прессланган торфдан ясалган туваклар кўпроқ қўлланилади. Уларнинг афзаллиги шундаки, ўсимлик томирлари идиш де-

ворларини тешиб, бемалол ривожланаверади.

Ўсимлик ана шу идиш билан биргаликда кўчириб экилганда, унинг томирларига зарар етказмайди. Ерга кўмилган торф тувакчаси аста-секин эзилиб, тупроқ билан қоришиб кетади.



Боғдорчиликда қўлланиладиган махсус асбоб-ускуналар

Биз боғдорчилик ишларида қўлланиладиган айрим асбоб-ускуна ва жихозлар хусусида тўхталишга, жумладан, боғ пичоғи ҳамда гулқайчи тўғрисида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилган эдик. Аммо, булардан ташқари боғ ишларида бир қанча махсус асбобларга ҳам зарурат туғилиши мумкин. Шу боис, уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтиш лозим.

Бел сифатли, зангламайдиган пўлатдан ясалган, тиғи қаттиқ ва яхшилаб ўткирланган бўлиши керак. Бундай бел ишлаётганда маълум эҳтиёткорлик талаб этилади. Жумладан, ўсимлик илдизлари қирқилиб кетмаслиги лозим.

Хаскаш боғдаги хас-хашак ҳамда тупроқни юмшатишда қўл келади. У ҳам сифатли пўлатдан ясалган бўлиши керак.

Ўсимлик атрофини ҳамда пушта оралиғини юмшатишда тиғи 10 см. келадиган чопиқ **болтачасидан** (а) фойдаланилади.

Куракча (б) кулупнай сингари реза мева ҳамда сабзавотларни экишда, кичик хаскаш эса томирлаган ўсимлик муртчаларини суғориб олишда жуда қулай.

Ип (г) ер участкасини белгилаш ҳам экин экишда қўлланилади.

Суғориш жиҳозларининг тури бой майдонига боғлиқ. Агар у кичик бўлса, ўсимликларни суғориш учун беш ёки ўн метрлик сув пуркагич бўлса бас. Аммо ер майдони катта бўлса, унда албатта резинали ичак (шланк) бўлиши даркор (д).

Боғ ишларида, масалан, тиканли ўсимликларни қирқиш жараёнида бе-

ҳосдан қўлни яралаб қўйиш мумкин. Шунинг учун бу каби ишлар қалин матодан тикилган қўлқоп (е) билан бажарилса, ҳар қандай жароҳатнинг олди олиниши мумкин.

Ўсимлик шоҳини кесиш мосламаси (и) нарвон бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Мослама 2-3 м.лик туткич ҳамда таянч билан уланган ҳаракатланувчи ясси пластинадан (темир) иборат. Темир пластина пастдан юқорига ҳаракатланиб, ҳаракатланмайдиган пластина томонидан қисиб олинган шоҳни қирқиб ташлайди.

Узун тутқичли боғ қайчиси (к) смородина сингари реза меваларнинг тиғизлашиб кетган поялари ҳамда мевали дарахт шоҳларини сийраклаштиришда қўлланилади. Тутқичининг узунлиги (0,5 м) туфайли диаметри 4 см. келадиган новдаларни бемалол қирқиш мумкин.

Боғ ишларида арранинг уч хилидан: тўғри тиғли (л), эгри тиғли (м), камонсимон (н) аррадан фойдаланилади. Тўғри тиғли арра ўсимликнинг юмшоқ новдаларини қирқиш учун мўлжалланган бўлса, эгри тиғли арра ноқулай жойлашган, камонсимон арра эса энг қаттиқ ва юғон шоҳларни қирқишда қўлланилади. Бундай ташқари оддий арра ёрдамида қирқиш имконияти бўлмаган вазиятларда тутқичи узаядиган арра (о) жуда қўл келади.

Боғ пичоғи. Тиғи 8 см. келадиган ясси, тутқичи қаттиқ ўроқсимон пичоқ ўсимлик шоҳларини қирқиш ҳамда арра билан қирқилган жойни тозалаш учун қўлланилади. Пайвандд пичоғидан (р) асосан пайванд қилаётганда фойдаланилади.

Нарвон (с) ўсимликка шакл бериш ҳамда ҳосилни териб олишда ишлатилади. Бўйи 4,5 м.дан бўлмаган дарахтлар учун алюминий ёки руҳ қўшилган пўлатдан ясалган нарвондан фойдаланиш мумкин. Нарвон ўта мустаҳкам бўлгани ҳамда дарахтга суянмаслига сабабли унга ҳеч қандай зарар етказмайди. Боғбонларнинг аксарияти ёғочдан ясалган оддий нарвондан фойдаланишни афзал кўришади. Аммо ҳар гал одамни кўтара олишига ишонч ҳосил қилгандан кейингина ундан фойдаланиш мумкин.

Мева териш мосламасидан (т) нарвон бўлмаган ҳолларда фойдаланилади. Узун темир тутқичнинг учига мева узадиган мослама ҳамда кичкина қопча маҳкамланади. Мослама узган мева қопчага келиб тушади.

Ўсимликка фунгицид ва инсектицидлар билан ишлов бериш учун икки


хил пуркагичлар қўлланилади. Пневматик **пуркагичда** (у) суюқлик босим ёрдамида пуркалади. Дарахтларга кимёвий ишлов бериш учун учи конус шаклидаги катта босим билан сепадиган пуркагичдан фойдаланган маъқул. Кичик **қўл пуркагич** (ф) эса реза мева ёки гултувакка экилган ўсимликларга ишлов беришда қўл келади.


Баъзи ҳолларда ўсимликни кемирувчи ҳайвонлардан ҳимоя этишга зарурат туғилиши мумкин. Бундай вазиятларда симтўр, рубероид, тўл бўлаклари ёки арча япроқларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Бақувват симдан ясалган **чўткача** (х) дарахт пўстлогини тозалашда қўлланилади.


Битум бўёқ (ч) ва кичик **чўтка** (ш) ўсимликка шакл бериш жараёнида жароҳатланган жойига суртиб қўйиш учун ишлатилади.

Боғдорчиликда қўлланиладиган махсус асбоб-ускуналар





Ўсимлик касалликлари



Ўсимлик касалликлари ҳақида нималар билиш зарур?

Боғдорчилик билан шуғулланаётган одам ўсимликларнинг турли хил касалликларига дуч келади. Белгиланган фитосанитар қонун-қоида ва гигиена талабларига тўлиқ риоя этилса, бундай касалликларни ўз вақтида бартараф этиш мумкин. Албатта бунга эришиш учун боғбон касаллик белгиларини яхши билиши ва касалланган ўсимликни даволаш усули ҳамда йўл-йўриқларини пухта эгаллаб олган бўлиши лозим. Шу мақсадда боғдорчилик амалиётида кўп дуч келадиган айрим замбуруғли ва юқумли (вирусли) касалликлар тўғрисида қисқача маълумот беришни зарур деб ҳисоблаймиз.

Ботритиоз ёки ўсимлик тўқималарининг чириши. Бу жуда кенг тарқалган (у айниқса совуқ ва нам иқлимда тез ривожланади) касалликни *Botrytis cinerea* (кўкимтир чиринди) замбуруғи келтириб чиқаради. Ўсимликнинг бу касалликка чалинганини кўчат ёки қаламча тўқимачаларининг чирий бошлашидан аниқлаш мумкин. Касаллик чуқурроқ илдиз отган ҳолатда ўсимлик тўқималарининг чириган жойлари моғорлаган бўлади.

Бу касалликнинг олдини олиш ёки уни янада кенгроқ тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида кўчат ва қаламчаларни ҳаво яхши айланадиган иссиқхонада барча санитар-гигиеник талабларга риоя этган ҳолда парвариш этиш лозим. Шунга қарамасдан, айрим ўсимликларда бу касаллик белгилари пайдо бўлса, дарҳол уларни қўчириб ташлаш, қолган ўсимликларга эса **каптан** ёки **фундозол** препаратини сепиш тавсия этилади.

Нима учун ўсимлик баъзан ётиб қолади?

Ўсимликнинг бир томонга қийшайиб қолиши ёки бутунлай ётиб қолишига қаттиқ шамол ёки ёмғир ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Лекин аксарият ҳолларда ўсимликларда бу касалликнинг ривожланиши бир талай паразит-замбуруғларнинг “фаолият”и билан боғлиқ. Бу замбуруғлар эндигина ниш отган ниҳол ва ёш кўчатлар учун айниқса хавфлидир. Пахта толасини эслатувчи ипсимон замбуруғ тупроқ ёки гўнгда тез кўпаяди. Замбуруғ ёш ниҳол тўқималарига ўрнашиб олади ва ўсимлик тез орада нобуд бўлади. Ўсимликнинг бу касалликка чалинмаслиги учун тупроқ ва гўнгдан айниқса, кўчат олишда қайта фойдаланмаслик; ниҳол ва кўчатларни тигиз экмаслик, аралашмадаги ҳарорат ва намликни пасайиши ёки кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда ёш кўчатларни совуқ уришидан эҳтиёт қилиш муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, ўсимлик ниш олмасидан олдин тупроқ аралашмасига таркибида мис моддаси бўлган фунгицид сепиш лозим. Униб чиққан кўчат бу касалликка чалинганда ҳам ана шу муолажани бажариш тавсия этилади. Аммо мис баъзи ўсимлик турлари учун ўта заҳарли эканини назарда тутиб, ундан фойдаланганда тегишли кўрсатмаларга амал қилиш лозим. Акс ҳолда, “қош қўяман деб, кўз чиқариш” мумкин.

Қаламча нима сабабдан чириydi?

Дарҳақиқат, катта тажрибага эга бўлмаган боғбон ниш отган қаламчаларининг айримлари тўсатдан чирий бошлашни кўриб, ҳайрон қолиши мумкин. **Ризоктония** деб ном олган бу касалликни тупроқ аралашмасида намлик ва ҳароратнинг ҳаддан ташқари ошиб кетиши оқибатида пайдо бўладиган замбуруғ келтириб чиқаришини ҳар бир боғбон билиши керак. Ризоктония касаллиги туман

ҳосил қилувчи қурилма, ёпиқ камера ёки полиэтилен қалпоқли тувакларда ўстириладиган қаламчаларда кўпроқ учрайди. Унга қарши самарали курашиш учун қаламча ўстириладиган жой, асбоб-анжом озода бўлиши, тупроқ аралашмаси эса стерилизация қилиниши даркор. Касаллик қайталанадиган бўлса, бу ўсимлик бутунлай олиб ташлангани маъқул.

Касаллик бир ўсимликдан иккинчисига юқиши мумкинми?

Боғдорчилик амалиётида ўсимликнинг турли-туман вируслар келтириб чиқарадиган касалликларга чалиниши кўп учрайди. Бундай касалликка чалинган ўсимлик нобуд бўлмаслиги ҳам мумкин, аммо унинг баргларида қорамтир доғ ва чизикчалар пайдо бўлади.

Вирусли (юқумли) касалликнинг таъсири биринчи галда ўсимлик ривожининг сусайишида намоён бўлади. Шу боис касалланган ўсимликдан, масалан, қаламча олинмагани дуруст. Негаки, она ўсимликдаги вирус кўпайтириладиган кўчат ёки ниҳолга юқиш эҳтимоли катта. Вирусли касалликларни бартараф этиш анча мушкул. Ҳар қалай унинг тарқалиб кетмаслиги учун касалланган ўсимликни қазиб олиб, ёқиб юборишдан бошқа илож йўқ.

Баъзи юқумли касалликларнинг тарқалишига ўсимлик бити сабаб бўлади. Бундай вазиятда оддий пестицидларнинг қўлланилиши яхши самара беради.

Айрим ҳолларда касаллик фойдаланиладиган асбоб-анжом, масалан, пайванд пичоғи ёки гулқайчи орқали ҳам кўпайтириладиган ўсимликка юқиши мумкин. Бинобарин, бу ҳол асбоб-анжомнинг озодлигига эътибор беришни, зарур ҳолларда уларни дезинфекция қилишни тақозо этади. Энг муҳими, кўпайтириладиган ўсимлик касалликка чалинмасин десангиз, уруғ, кўчат ёки қаламча соғлом ўсимликдан олинган бўлиши керак.

Ўсимлик касалликларининг давоси борми?

Бактериал куйдирги. Бу касаллик асосан нок, баъзан — олма дарахтида пайдо бўлади. Дарахт шоҳ ва барглари аста-секин қуриб, қорамтир тус олади.

Бактериал рак кўпинча ўрик, гилос, шафтоли, олхўри, тиканолахўри сингари данаксимон ўсимликларда кенг тарқалган бўлиб, дарахт баргларида қорамтир доғларнинг пайдо бўлиши ва охири-оқибат баргларнинг тешилиб қолиши кузатилади. Бу касалликка чалинган дарахт шоҳчаларида узунчоқ жароҳат ҳосил бўлади. Эрта баҳорда бундай дарахт куртак очмайди ёки куртаклаганда ҳам пайдо бўлган кичик нимсариқ барглари бужмайиб, қуриб қолади.

Даволаш усули: касалликка чалинган дарахт шоҳ ва барглари қирқиб ташланади ва жароҳатланган жойига боғ муми суртилади. Ҳосил йиғиб олинганидан кейин дарахтга таркибида бор моддаси бўлган суюқлик пуркалади.

Кластериоз гилос, шафтоли ва олхўрида учрайди. Унинг асосий белгиси: дарахт баргларида қорамтир доғ, кейинчалик эса тешикчалар пайдо бўлади.

Даволаш усули: дарахт қўшимча озиқлантирилади. Агарда бу ҳам касаллик ривожини тўхтата олмаса, у ҳолда куртаклашдан олдин ва гуллашдан кейин дарахтга борсимон суюқлик пуркалади. Зарур ҳолларда бу муолажа икки ҳафтадан кейин яна икки бор такрорланади.

Монилиоз асосан олма, шафтоли, нок, олхўри ва беҳида учрайди. Бунда мева юзасини кўкимтир ҳалқалар босиб кетади.

Даволаш усули: жароҳатланган мева узиб олинади ва ёқиб ташланади.

Унсимон шудринг касаллиги олма, узум, нок, шафтоли ва беҳида учраб туради. Дарахт шоҳ ва барглари оқ рангли замбуруғ билан қопланади. Олма ва нок дарахтларининг туккан меваси ривож-

ланмайди, ўсимлик баргларида қорамтир доғлар пайдо бўлиб, тўкила бошлайди. Узум доналари эса ёрилиб кетади.

Даволаш усули: Биринчи галда касалланган шоҳ ва барглари қирқиб ташланиши лозим. Вегетация даврида эса дарахтга коллоид олтингугурти, узумга — борли суюқлик сепилса, айна муддао. Зарур бўлса, муолажа такрорланади. Бундан ташқари, иссиқхонани вақти-вақти билан шамоллатиб туриш ҳамда ўсимликларнинг бир-бирига яқин жойлашмаслигига эътибор қилиш лозим.

Тўнка замбуруғи барча мевали дарахтларни касаллантириши мумкин. Унинг белгилари: дарахт танаси, томирлари ва пўстлогининг тагида оқ рангли ҳалқасимон замбуруғлар ҳосил бўлади. Ўсимлик томирларида қорамтир ўсимта, кузга бориб эса дарахт тагидан тилларанг замбуруғ ўсиб чиқади.

Даволаш усули: Дарахт таг-томири билан сугуриб олинади ва ёқиб юборилади.

Данак ёрилиши касаллигини асосан шафтоли мевасида кузатиш мумкин. Мева данагининг ёрилиши оқибатида унинг мағзи ириб тушади.

Даволаш усули: Аввало имкон бўлса, ўсимлик гуллари қўлда чанглатилиши лозим. Агарда бу ҳам натижа бермаса, дарахт тагига бир оз оҳак солиш ҳамда тез-тез сугуриб туриш керак.

Ўғит турлари ва улардан фойдаланиш усуллари

Ўсимликнинг яхши ривожланиши учун уч органик модда: азот, фосфор ва калий бўлиши шарт. Бу макроэлементлар углерод, водород, кислород билан биргаликда ўсимлик тўплайдиган органик моддаларнинг ўзига хос “қурилиш материал” сифатида хизмат қилади. Кальций, олтингугурт, магний, темир, марганец, бор, молибден, кобальт сингари моддаларга талаб нисбатан кам.

Ўсимликнинг айна ривожланаётган


Кимёвий ўғитдан фойдаланиш усуллари

пайтида азот моддаси ниҳоятда катта аҳамият касб этади. **Азот** етишмовчилиги ўсимлик ривожини секинлаштиради, унинг барглари ниямшил тус олади. Азот моддаси ўсимликка нитрат ва аммоний ионлари билан бирга сўрилади. Азот оксил таркибидаги муҳим моддалардан бири ҳисоблангани сабабли, у ўсимлик тўқималарининг шаклланишида ҳам бевосита иштирок этади.


Калий моддаси ўсимликда кечаётган барча кимёвий жараёнларни тезлаштирадиган модда — катализатор вазифасини бажаради. Фотосинтез жараёнида органик моддаларнинг ҳосил бўлиши ҳамда ўсимликка ташқи муҳитдан озиқа моддаларининг сўрилиши унинг иштироки айниқса муҳим. Калий етишмовчилиги пайтида ўсимлик барглари ним сариқ, сўнг малларанг тус олиб, аста-секин қурий бошлайди.

Фосфор ўсимлик ривожидида икки вазифани бажаради. Биринчидан, у хромосомаларни шакллантирувчи махсус оксил таркибига кирадиган ўта муҳим моддалардан ҳисобланади, иккинчидан, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши жараёнида кимёвий реакция қувватининг тўпланиши, етказиб берилиши, ҳамда ундан фойдаланишни таъминловчи органик бирикма фаолиятида муҳим ўрин тутади. Ўсимликдаги фосфор етишмовчилигини унинг баргларида қизил ёки бинафшаранг доғларнинг пайдо бўлишидан билса бўлади.


Магнийнинг аҳамияти фотосинтез жараёни учун зарур бўлган яшил пигмент — хлорофилл молекуласининг таркибига кирадиган муҳим элементлардан бири экани билан белгиланади. Магний етишмовчилигида ўсимликнинг йирик эски барглари сарғая бошласа, темир етишмовчи-



1. Барлаган қаламчани касалликдан ҳимоя этиш учун уни фунгицид эритмасига ботириб олинади.



2. Тувакчани тупроқ аралашмаси билан тўлдириб, унга қаламча экилади ва фунгицид эритмаси билан ишлов берилади.



3. Эндигина ниш берган кўчатга каптан ёки таркибида мис бўлган фунгицид пуркалади.

Фитосанитар тадбирлар

лигида аксинча, унинг эндигона пайдо бўлган, ёш барглари сарғайиб кетади.

Кимёвий ўғитлардан қандай фойдаланиш лозим?

Ёш ўсимлик жадал ривожланиши учун унга етарли даражада озика моддалари етказиб берилиши лозим. Бунга тупроқ аралашмаси белгиланган талаблар асосида тайёрланган бўлсагина эришиш мумкин. Лекин, уруғни ниш олишида фақат фосфат моддаси солинган тупроқ аралашмасидан фойдаланилган маъқул. Табиийки, ўсимликнинг тез ўсишини таъминлаш учун биринчи барг пайдо бўлиши билан, аралашмага дарҳол азот ва калий ўғитлари солиниши керак.

Баъзи боғбонлар ўсимликка солинадиган озика бирикмасини ўзлари тайёрлашга уринади. Яхшиси, бундай вазиятда

махсус дўконларда сотиладиган тайёр суяқ ўғитлардан фойдаланган маъқул. Масалан, ўсимлик калий моддасига эҳтиёж сеза бошласа, унга калий миқдори нисбатан юқори бўлган (аммо соф калий моддасидан иборат бўлмаслиги лозим) суяқ ўғит бирикмаси солинса бас.

Тувак ва бошқа шунга ўхшаган идишларда парвариш этилаётган ўсимликларга натрий нитрати, аммоний, темир, калий сульфати ҳамда суперфосфат сингари ноорганик ўғитлардан имкони бори-ча фойдаланмасликка ҳаракат қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, уларнинг миқдори кўп ёки кам бўлиши ўсимлик ривожига салбий таъсир этиши ҳамда бошқа моддалар балансининг бузилишига олиб келиши мумкин.


Агар ўсимликда магний етишмовчилиги доимий равишда билиниб турса, у ҳолда қўлланилаётган тупроқ аралашмаси таркибидаги оҳақ ўрнига доломит минералидан (унда магний карбонати мавжуд) тайёрланган кукундан фойдаланган маъқул.

Шўрланган тупроқда ўстирилаётган ўсимликда кўпинча темир моддасига эҳтиёж сезилгани боис унга одатда, ўсимлик баргларига темир кукуни солингани ёки ўсимлик баргига сепиб чиқилиши лозим. Бундай вазиятлардан (яъни кимёвий ишлов бериш жараёнида) майда тешикли пуркагичдан фойдаланиш тафсия этилади.

Ўсимлик ҳаётида фитосанитар ҳимоя қандай ўрин тутати?

Ўсимликнинг яхши ривожланишида тўсиқ бўладиган асосий омил — турли ҳашарот ва зараркундалар келтириб чиқарадиган касалликлар оқибатида қаламча ёки кўкатларнинг қуриб қолишидир. Бу кўпинча боғбоннинг фитосанитар қоида ва талабларига риоя этмаслигидан далолат беради.

Гап ўсимликларни турли ҳашарот ва зараркундалардан ҳимоя этиш ҳақида-



Фитосанитар тадбирлар

гина бораётгани йўқ. Шубҳасиз, боғбоннинг барча саъи-ҳаракати ана шу ўта муҳим масалани ҳал этишга қаратилиши лозим. Бироқ ўсимликнинг нормал ривожланишида фитосанитария умумий қоидаларининг аҳамияти ҳам беқиёс. Жумладан, боғдорчиликка тааллуқли иш бажарилаётган хона озода бўлиши, фойдаланилаётган гултувак, асбоб-анжом, тупроқ аралашмаси дезинфекция қилиб турилиши лозим. Муҳими, бу талаб-қоидаларга фақат қаламча олаётганда ёки кўчат экилаётгандагина эмас, ўсимлик ривожланишининг барча босқичларида қатъий амал қилиш талаб этилади.

Боғбоннинг иш столи ҳам тоза-озода ва батартиб бўлиши керак. Ўсимликни кўлайтиришдан олдин иссиқхонанинг барча туйнук ва бурчақлари дезинфекция қилиниб, инфекциялардан тозаланмоғи даркор.

Бу тадбир иш нисбатан камайган — кеч куз ёки қиш бошланишида бажарилгани дуруст. Дезинфекция қилинганидан кейин уруғ ёки кўчат экиш, ундириб, уни парвариш этиш жараёнида белгиланган меъёрга фақат фунгицид ва инсектицидлар билан ишлов бериб борилади. Бу даврда ўргимчаксимон кана, оқ қанот, сциарид чивин, унсимон шундринг(оққиров) сингари зараркунанда ва касалликларга қарши фитосанитар тадбирларга айниқса жиддий эътибор қаратиш лозим. Инфекциядан бутунлай халос бўлиш учун аввало, кўчат ўстиришда қўлланилган идиш-анжом ҳамда тупроқ-гўн аралашмаси хонадан чиқарилиб ташланиши керак. Чунки турли замбуруғ ва зараркунандалар худди шундай идиш ва аралашмада кўпаяди. Инфекция одатда қўлланилаётган идишдаги тупроқ қолдиқларида ва ҳатто идишнинг тепа қисмида тўпланиб қолган кимёвий моддаларда сақланиб қолади. Шу боис, ишлатилганидан кейин барча асбоб-анжомлар яхшилаб артилиши, тувак ва шунга ўхшаган идишлар эса совунли сувда ювилиши даркор.

Кўпайтириш учун олинган уруғ, кўчат ва қаламчаларнинг ўстирилишида ҳам фитосанитар тадбирларнинг аҳамияти катта. Аввало, кўпайтириш учун олинган қаламчанинг ўзи касалланмаган бўлиши керак. Қолаверса, барглаган қаламчанинг касалликка чалинмаслиги учун, у фунгицид(каптан ёки фундазол) эритмасига ботириб олишни ҳам унутмаслик лозим. Зарур бўлса, бу жараён бир неча бор такрорланади. Эндигина ниш берган кўчатга ҳам худди шу тарзда каптан эритмаси билан ишлов берилади.

Ўсимликни қандай кимёвий воситалар билан ҳимоя этиш мумкин?

Ўсимликларни ҳимоя этишда асосан фунгицид ва инсектицид кимёвий воситаларидан фойдаланилади.

Инсектицидлар зараркунанда ва ўсимлик касалликларига турлича таъсир этади. Баъзи инсектицидлар бевосита зараркунанданинг ўзига таъсир этса, бошқалари ўсимликнинг илдизи ва барглари орқали унга сўрилади ҳамда кўпинча сўрувчи ҳашаротларга қарши қўлланилади.

Фунгицид воситалари кўпроқ ўсимлик касалликларининг олдини олишда ёки уларни тўхтатиб туришда ишлатилади. Шунга кўра, бундай воситаларни касаллик бошланишидан олдин ёки ҳеч бўлма-са, унинг бошланғич босқичларида қўллаш лозим. Аммо, фунгицидларнинг ҳаддан ташқари кўп қўлланилиши оқибатида баъзи замбуруғларнинг бу воситаларга мослашиб олиши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак.

Кимёвий воситаларни қўллаганда қандай эҳтиёт чораларига амал қилиш лозим?

Маълумки, кимёвий воситалар инсон организмга (айниқса, кўз, бурун ва оғиз бўшлиғига) жиддий зарар етказиши мумкин. Шу боис, улардан фойдаланилаётганда ҳимояловчи ниқоб ва кўзойнак та-

қиб олиш лозим. Иш тамомланиши билан юз-қўл, ишлатилган асбоб-анжом яхшилаб ювиб ташланиши шарт.

Кимёвий воситалардан фойдаланишнинг яна бир жиҳатиға эътибор қаратиш лозим. Ўсимлик ривожланишининг айрим босқичларида кимёвий воситаларнинг қўлланилиши фойда ўрнига катта зарар келтириши мумкин. Масалан, ўсимликнинг гуллаган пайтида пестицидларнинг қўлланилиши асалари ва шунга ўхшаш бошқа фойдали чанглатувчи ҳашаротларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлади.

Ўсимлик зараркунанда ва ҳашоратлари тўғрисида нималар билиш лозим?


Боғдорчилик билан шугулланаётган одам ўз фаолияти давомида ўсимликка катта зарар етказадиган турли зараркунанда ва ҳашаротларга дуч келиши мумкин. Уларга қарши самарали курашиш учун боғбон, биринчи галда, уларни берибидан фарқлай олиши керак.

Шира (ўсимлик бити). Вегетация мавсумида деярли ҳар бир ўсимликка шира тушиш ҳолати кузатилади. Ширанинг ўсимлик ривожига катта зарар етказишидан ташқари, турли юқумли (вирусли) касалликларнинг тарқатувчиси бўлгани учун ҳам унга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Ширага қарши курашишнинг самарали усулларида бири — ўсимлик кўпайти-


рилаётган хонани (парник, иссиқхона ва ҳ.) аэрозоль инсектицидлар билан ишлов беришдир. Ширага қарши қўлланиладиган инсектицидлардан карбофос ва пиретрин эритмаси айниқса, яхши таъсир этади. Аммо ўсимлик қовжираб, қуриб қолмаслиги учун бундай ишлов қуёш нурлари остида эмас, кечки пайт бажарилгани маъқул.

Ўргимчаксимон кана. Ўргимчаксимонлар оиласига мансуб, саккиз оёқли бу зараркунанданинг ниҳоятда кичиклиги боис уни оддий кўз билан кўриш анча қийин. Ўсимлик баргларида пайдо бўлган сарғиш доғлардангина унга кана тушганини билиш мумкин. Яна шуни ҳам эътиборга олиш керакки, кана худди ўргимчак сингари тўр тўқийди. Агар ўсимлик барги ёки шоҳида оқ-кўкимтир тўрга кўзингиз тушса, билингки, ўсимликка кана тушган.




Ўргимчаксимон канага қарши курашишнинг энг оддий ва самарали усули — қишлаётган пайтида карбофос ёки каптан инсектицидлари билан ишлов беришдан иборат. Аммо шундай кейин ҳам кананинг яна пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олсак, ишлов бериш тadbирларини тез-тез такрорлаб туриш лозим. Шундагина ундан тамоман қутулиш мумкин.

Сциарид чивини. Бу ўта майда қоп—қора ҳашарот учаётган пайтидагина кўзга кўринади. У асосан торф, гўнг ва бошқа чиринди аралашмаларига тухум қўяди. Тухумдан чиққан майда оқ қурт ўсимликнинг ёш новдалари ва қаламчанинг юм-



Ўсимлик зараркунандалари



шоқ пўстлогини тўтовсиз ея бошлайди. Бу ҳашарот учун торф ёки гўнг аралашмаси қанча нам бўлса, шунча яхши. Шунинг учун, улар кўпайиб кетмасин десангиз, аралашманинг ҳаддан ташқари намланиб кетишига йўл қўймаслик даркор. Ўсимликка кам миқдорда, лекин тез-тез сув қуйиб туриш лозим.

Сциарид чивиннинг ўта ҳаракатчанлиги сабабли унга қарши кимёвий кураш усуллари кўпинча кўнгилдагидек натижа бермайди. Боя таъкидланганидек, уларга қарши самарали курашишни ягона усули — уларнинг тухумда бўлган ёки эндигина ундан чиққан пайтида йўқ қилишдир. Бундан ташқари, тупроқ аралашмасига гранулали инсектицидлар солиниши ҳам бу зараркунанданинг кўпайишига тўсқинлик қилиши мумкин.


Узунтумшук. “Кулранг филча” деб ном олган бу зараркунанда кўчатхоналарда деярли учрамаслиги боис кўпчилик унга эътибор бермайди. Аслида эса, бу ўта хавфли зараркунанда тувакда ўстирилаётган ёш ўсимликларга қирон келтиради. Агар тувакдаги янги ниҳол тўсатдан қурий бошласа, билангки, бунда “кулранг филча”нинг изи бор.

Йирик ҳашаротлар тупроқ ёки гўнгга тухум қўяди. Тухумдан чиққан малларанг узунчоқ бошли кўрт ён атрофидаги ўсимлик пўстлогини ея бошлайди. Кейинги вақтда бу зараркунанданинг пайдо бўлиши ва кўпайишида мавсумий хусусиятлар яққол намоён бўлмаётгани сабабли унга қарши курашиш тобора қийинлашиб бор-

моқда. Ҳар ҳолда экиш ёки кўчат олиш вақтида тупроқ аралашмасига солинган кукунсимон инсектицид эндигина тухумдан чиққан кўртларнинг кўпайишига тўсқинлик қилиши мумкин. Бу — зараркунандага қарши самарали курашишнинг ягона усулидир.

Оққиров (оққанот). Оққиров — энг хавфли зараркунандалардан бири. Унинг бошқа ҳашарот ва зараркунандаларга хос бўлмаган хусусияти шундан иборатки, у ҳатто кимёвий ишлов берилган тупроқда ҳам бемалол яшайверади. Оқ капалаксимон ҳашарот ва унинг оқ-яшил тангачасимон кўрти одатда ўсимлик баргининг орқа томонида жойлашиб олади. Оққиров кўрти ўсимлик шарбатини сўриб, ўзидан шунрингсимон сўюқлик ажратади. Бу сўюқлик таъсирида ўсимлик барглари сўлиб, заифлашади ҳамда барг юзасини моғор босиши мумкин. Бу зараркунандани бутунлай тугатиш ниҳоятда қийин, чунки инсектицидларнинг аксарияти унинг кўртига деярли таъсир этмайди. Вояга етган ҳашаротларга қарши таркибида пиретрит моддаси бўлган кимёвий дориворларнинг қўлланилиши анчагина самара бериши мумкин.

Шиллиққўрт. Шиллиққўрт турли-туман ўсимликларнинг яшил барглари билан овқатланади. Уларга қарши қўлланиладиган анъанавий усуллар, масалан, тузоқ қўйиш (айниқса, улар ҳаддан ташқари кўпайиб кетганида) кўнгилдагидек натижа бермайди. Бундай вазиятларда метальдегид препаратидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.



Бегона ўтга қарши курашиш усуллари

Бегона ўтлар ўсимликка қандай зарар еткази?

Боғдорчиликка оид деярли ҳар бир дарслик ва қўлланмаларда бегона ўтларга қарши курашиш қонун-қоидалари ва усулларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бегона ўт ўсимликдаги озиқа моддаларини сўриб олишидан ташқари, турли касаллик ва зараркунандалар манбаи ҳамдир.

Бегона ўтга қарши курашишнинг энг оддий усули бу — экин ёки дарахт экишдан олдин ерни чопиш жараёнида барча бегона ўтларни илдири билан суғуриб ташлашдан иборатдир. Аммо бу усул боғ участкаси ҳар йили чопилиб, ишлов бериб турилсагина, кутилган самара бериши мумкин. Агарда боғ узок йиллар давомида қаровсиз қолиб кетган ва бегона ўт ҳамма ёқни босиб олган бўлса, фақат махсус кимёвий воситалар — гербицидларгина фойда бериши мумкин.

Гербицид — асосан бегона ўт ва ёввойи ўсимликларни йўқотиш учун қўлланиладиган кимёвий бирикма. Гербицид бегона ўтларга бевосита таъсир этади ёки ичидан уларнинг илдизини қуритади.

Бу кимёвий бирикма инсон танаси ва уй ҳайвонлари учун ўта хавфли ҳисобланади. Шу боис, уни эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим. Имкони бўлса, гербицид ва инсектицид пуркаш учун мўлжалланган махсус пуркагич ускуналаридан фойдаланган маъқул. Шунда ҳам кимёвий бирикма юз қўлга сачраб кетмаслиги, сув ҳавзаларига тушиб қолмаслиги учун тегишли эҳтиёт чоралари қўриб қўйилиши даркор.

Бегона ўтларга қарши гербицидларнинг қандай турлари қўлланилади?

Диурон. Бу кимёвий бирикма асосан бир йиллик, бир ва икки паллалик бегона ўтларга қарши қўлланилади. Мазкур гербицид ўсимлик униб чиқишидан олдин тупроққа пуркалади. Диурон билан бир йилда фақат бир мартагина ишлов бериш талаб этилади.

Ленацил. Бу гербицид айрим бир йиллик бегона ўтларга қарши қўлланилади. Аммо аксарият кўп йиллик бегона ўтларга таъсир қилмайди. Бундай вазиятларда боғбон агротехника усуллари қўллаш лозим. Ундан ташқари, ленацил бирикмаси тупроқда олти ой мобайнида сақланиб туради. Унинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у кўпинча тупроқ заҳлаган жойда яхши самара беради.

Пропинат. Ажриқ, ғумой сингари кўп йиллик бегона ўтларга қирон келтиради. У ўсимлик илдири ва барглари орқали сўрилиб, бир ҳафтадан кейин таъсир эта бошлайди. Бу гербицид айрим ҳолларда олма ва нок сингари мева дарахтларга ҳам қўлланилади. Ушбу гербицидни қўллаётганда унинг бир хусусиятини назардан қочирмаслик лозим. Имкони бўлса, бу бирикма куз ойида қўлланилгани маъқул. Чунки баҳор фаслида пуркалган бирикманинг таъсири 2—5 ҳафтани ташкил этса, кузда сепилган бирикма келаси йилнинг баҳоригача кучини йўқотмайди.

Пропинат асосан ўсиб ривожланётган бегона ўтларга қарши бир мавсум мобайнида икки мартагача қўлланилиши мумкин. Аммо муҳими, охириги ишлов мева йиғиб териб олинишидан камида 30 кун илгари амалга оширилиши зарур.

Гербицидларни қўллаш жадвали

Қўллаш вақти	Қандай бегона ўтга қарши	Қўлланилаётган гербицид тури
ОЛМА ВА НОК		
Бегона ўт ўсиб чиқишидан олдин	Бир йиллик бошоқли, бир ва икки паллалик ўтга	Диурон
Ривожланаётган бегона ўт	Бир ва кўп йиллик ўтга	Пропинат
Ҳосил йиғиб олинганидан кейин	Бир ва кўп йиллик ўтга	Пропинат
СМОРОДИНА		
Бегона ўт ўсиб чиқишидан олдин	Бир йиллик бошоқли ва икки паллалик ўтга	Диурон
Ривожланаётган бегона ўт	Бир ва кўп йиллик ўтга	Пропинат
Ҳосил йиғиб олинганидан кейин ва янги кўчатни экишга тайёрлаш арафасида	Бир ва кўп йиллик ўтга	Пропинат
МАЛИНА		
Бегона ўт ўсиб чиқишидан олдин	Бир йиллик бошоқли ва икки паллалик ўтга	Диурон
Ривожланаётган бегона ўт	Бир ва кўп йиллик ўтга	Пропинат
Ҳосил йиғиб олинганидан кейин	Бир ва кўп йиллик ўтга	Пропинат
ҚУЛУПНАЙ		
Тупроқни экишга тайёрлашдан олдин (баҳор ёки кузда)	Икки паллалик ва бир йиллик бошоқли ўтга	Ленацил
Ўсимлик мева солган, аммо бегона ўт ҳали ўсиб чиқмаган даврда	Икки паллалик ва бир йиллик бошоқли ўтга	Ленацил

Илдизлашув жараёнини кучайтириш воситалари

Ўсимликнинг илдиз олишини кучайтириш мумкинми?

Маълумки кимёвий моддалардан меъёрида фойдаланиб, ўсимликнинг илдиз отиш жараёнини бошқариш мумкин.

Боғбонлар физиологик актив моддалардан нафақат ўсимликни кўпайтиришда, балки ҳосил туғиш жараёнини тезлаштиришда ҳам кенг фойдаланишади. Ўсиш жараёнини кучайтирувчи бундай моддалар ниҳоятда кам миқдорда ҳамда чекланган доирада қўлланилиши шарт. Акс ҳолда бир ўсимликнинг ҳосил туғиши, иккинчисининг илдиз отишини тезлаштирувчи бир хил модда яна учинчи ўсимликка қўлланганда, унинг ривожини бутунлай тўхтатиб қўйиши мумкин. Шунга кўра, бундай моддалардан фойда-

ланганда белгиланган меъёр ва тегишли кўрсатмаларга қатъиян амал қилиш лозим.

Ўсиш жараёнини кучайтирувчи кимёвий моддадан фойдаланилгани муваффақиятнинг доимий гарови дегани эмас. Ўсимликнинг ўзида ўсишга ирсий мойиллик бўлмаса, ҳеч қандай кимёвий модда, масалан, қаламчанинг илдизлашувга кўмаклаша олмайди. Кимёвий моддалар ўсимликнинг илдиз олиш табиий хусусиятини фақат кучайтириши мумкин, холос. Кўп ҳолларда қаламча соғлом ўсимликдан олинган, экиш ёки пайванд қилиш вақти тўғри белгиланган бўлса кимёвий моддаларга ҳожат ҳам қолмайди. Улардан фақат зарур ҳолларда фойдаланилсагина, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Сотувга чиқарилаётган кимёвий

Гормонларни тўғри қўллаш усули



1. Қаламчанинг пастки учи идишдаги сувга ботирилади.



2. Қаламчанинг пастки учи гормон солинган кукунга ботирилади.



Гормонларнинг нотўғри қўлланилиши

3. Қаламчанинг кесилган жойидан юқорироқ қисмига кукун тегмаслиги лозим.

моддаларнинг аксарияти майдаланган тальк (оқ ёки кўкиш рангли минерал) асосида тайёрланган. Тальк эса фитогормонлар билан аралаштирилган ҳолда қўлланилади. Боғдорчиликда кўпинча В-индолилёғ кислотаси (ИЁК), В-индолилуксус (ИУК) ёки нафтилилуксус кислотасидан (НУК) фойдаланилади.

Қотиб қолган қаламчаларнинг илдиз олишида қўлланиладиган тальк кукунида ИЁКнинг миқдори

0,8 фоизни, қотмаган яшил қаламчалар учун эса — у тахминан тўрт баробар кам бўлиши (яъни, 0,2 фоизни ташкил этиши) лозим. Баъзи ҳолларда, қаламчанинг чиримаслиги ва касалликка чалинмаслиги учун тальк кукунига фунгицид моддаси ҳам аралаштирилиши мумкин.

Боғдорчилик амалиётида гормонал моддаларни суюлтириб (масалан, сув ёки спирт сингари органик эриткичлар ёрдамида) қўллаш тажрибаси ҳам мавжуд.



Қаламчани атайлаб “жароҳатлаш” воситасида илдиз олишини кучайтириш усули

Баъзан фитогормон қўлаганда ҳам қаламча илдиз отмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда қаламчанинг ўзидаги табиий гормонларни кучайтирувчи мана бундай усул қўлланади.

Айрим ўсимликларнинг пўстлоғи билан ўзак ўртасидаги қаттиқ ёғоч қисмида илдиз шаклланишига тўсқинлик қиладиган тўқима қатлами мавжуд. Ана шу қатламни кесиб, жароҳатлаш йўли билан илдиз ривожланишига шароит яратиш

мумкин. Бунинг учун ўткир пичоқ ёрдамида қаламчанинг қуйи қисмида 2-3 см. пўстлоғи қирқилиши ёки худди шундай чуқурлик ва узунликда қаламчанинг 3-4 жойидан тилинади.

Кўпинча бу усул қурий бошлаган ўсимликларда қўлланилади. Аммо у эҳтиёткорлик билан фойдаланишни талаб этади. Чунки ўсимликнинг жароҳатланган жойига инфекция тушиб, унинг чиришига сабаб бўлиши мумкин.



Боғдорчилликда қўлланиладиган тупроқ аралашмаси

Тупроқ аралашмаси қандай талабларга жавоб бериши лозим?

Ўсимликни кўпайтириш ва ўстиришда тупроқ аралашмасининг маълум талабларга жавоб бериши, жумладан, намликни сақлай олиши, ҳаво ва озик моддаларига тўйинган бўлиши, иссиқликни ўткази олиши сингари хоссаларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Тупроқ аралашмаси бу хоссаларга эга бўлибгина қолмай, унинг сифат даражаси фойдаланиладиган давр мобайнида сақланиб қолиши керак. Бундан ташқари, зараркунанда, ҳашорат, турли касалликларнинг олдини олиш, ҳамда кейинчалик ўсимликни ёввойи ўт босиб кетмаслиги учун тупроқ аралашмаси тайёрлашда қўлланиладиган барча материаллар стерилизация (тозаланмоғи) шарт.

Қаламча олишда қандай аралашмадан фойдаланган маъқул?


Қаламча яхши илдиз отиши учун тупроқ аралашмаси икки талабга жавоб бериши лозим: **биринчидан**, етарли даражада намни сақлаб туриши; **иккинчидан**, қаламча илдизлари ҳавога тўйинган (димикмаган) бўлиши керак.

Торф тупроқ аралашмасида намликни сақлаб турувчи асосий компонент ҳисобланади. Тупроқ билан аралаштиришдан олдин 6-7 мм ғалвирда у яхшилаб эланади. Ҳаво айланишини яхшилаш учун аралашмага ишқорланмаган тоза тупроқ қўшилиши мақсадга мувофиқдир. Аралашманинг бундай таркибий қисми дренаж вазифасини ҳам ўтайди, чунки торфда тез намиқиб қолиш хусусияти мавжуд.

Баъзи ҳолларда, физикавий, кимёвий ҳамда биологик хоссаларига кўра бу икки моддага яқин турган ёғоч қиптиғи, перлит, вермикулит, кўмир майдаси (хокаси) каби моддалардан ҳам фойдаланиш яхши самара бериши мумкин.

Кўчат кўкартиришда қандай аралашма талаб этилади?

Бу аралашма юқорида тилга олинган аралашмадан деярли фарқланмайди. Фақат унинг кимёвий таркиби ва озик моддаларининг таркибига кўпроқ эътибор қаратилади. Унинг таркиби торф ва қумдан иборат; шунинг ўзи уруғнинг кўкариб чиқиши учун етарли. Аммо ниш олган кўчат шу аралашмада ўстириладиган бўлса, аралашмада етарли озик моддаларининг



Ўсимлик кўпайтиришда қўлланиладиган аралашмада, хусусан, торфда ҳар хил хас-хашак ва майда тош аралашган бўлади. Шу боис, торфга аралашманинг бошқа таркибий қисмларини қўйишдан олдин ортиқча хас-хашак 6-7 мм. тешикчали ғалвирда элаб ташланади.

бўлиши ҳамда керакли миқдорда на-
мликни сақлаб туриш учун унга би-
роз тупроқ солиниши лозим. Бироқ
унинг миқдори ҳаддан ташқари кўп
бўлмаслиги, яъни 2 қисм торф ва қум-
га атиги 1 қисм тупроқ аралаштири-
лади. Уруғдан кўчат олишнинг яна бир
жиҳати боғбондан алоҳида диққат-
эътибор талаб этади. Маълумки, уруғ
кислотали муҳитга ниҳоятда таъсир-
чан бўлади. Шу боис, аралашма тайёр-
лашдан олдин қумга суперфосфат мод-
даси (10 л. қумга — 5-6 гр. суперфоса-
фат) аралаштириш керак. Бу аралаш-
мадаги кислотали муҳитнинг мўътадил-
лашувига хизмат қилади.

Тувакда ўстириладиган ўсимлик учун қўлланиладиган аралашманинг тарки- би қандай бўлиши даркор?

Идишда ўстириладиган ўсимлик
учун қўлланиладиган аралашма тар-
киби юқорида тилга олинган аралаш-
мадан деярли фарқ қилмайди. Муҳи-
ми, унда ўсимлик илдиэларининг яхши
ривожланиши учун етарли миқдорда
озиқа моддалари билан таъмин этили-
ши, намлик ва ишқорланиш даражаси
меъёрида бўлиши талаб этилади. Би-
нобарин, ёш ўсимликнинг озиқа мод-
даларига эҳтиёжи юқори бўлишини
назарда тутиб, ҳар 10 л. аралашмага
тахминан 30 гр. суюлтирилган мине-
рал ўғит солиш даркор.

Маълумки, аралашма кўпинча торф
асосида тайёрланади. Аммо бундай ара-
лашманинг тез қуриб қолишини эъти-
борга олиб, баъзи тупроқшунос олим-
лар унга тупроқ қўшишни тафсия этади.
Агарда торф асосида тайёрланган ара-
лашмага тупроқ қўшишни хоҳламасан-

гиз, у ҳолда аралашманинг қуриб қол-
маслиги учун унга бир оз суюлтирил-
ган совун қўшиб юбориш мумкин.
Аммо бундай вазиятларда синтетик
кимёвий воситалардан умуман фойда-
ланмаган маъқул.

ТУПРОҚ АРАЛАШМАСИ ТАРКИБИ БЎЙИЧА ТАФСИАЛАР

Қаламча олиш учун

*Тенг миқдорда торф (эланган) ва
қум
(2-4 мм зарралардан иборат)*

Кўчат кўкартириш учун

*2 қисм эланган торф
2 қисм қум
1 қисм тупроқ
шунингдек, 10 л аралашмага 10-12 гр.
оҳак ва 5-6 гр. суперфосфат*

Гултуваклардаги ўсимликлар учун

*“Жон Иннес” N 1 аралашмаси
7 қисм тозаланган тупроқ
3 қисм эланган торф
2 қисм 2-4 мм. заррачали қум
Шунингдек, 5-6 гр. оҳак ҳамда 30 гр.
“Жон Иннес” ўғити*

Тупроқсиз аралашма

*3 қисм эланган торф
1 қисм 2-4 мм. заррачали қум
Шунингдек, 10 л. аралашмага 30 гр.
асосий ўғит ҳамда 30 гр. оҳак.*

Тупроқ солинган торф аралашмаси

*7 қисм эланган торф
2 қисм 2-4 мм. заррачали қум
1 қисм тозаланган тупроқ
Шунингдек, 10 л. аралашмага 30 гр.
асосий ўғит ҳамда 30 гр. оҳак.*

Ўсимлик кўпайтириш технологияси

Уруғ воситасида кўпайтиришнинг афзалликлари нимада?

Уруғ воситасида кўпайтириш усули мевали ва манзарали дарахтларни экиш, турли полиз ҳамда сабзавот экинларини ўстиришда кенг ва самарали қўлланилади. Бу бежиз эмас, албатта. Аввало, бу усулнинг афзаллиги шундаки, ҳар бир боғдан ўсимликни кўпайтириш учун истаганча уруғлик олиш мумкин. Бундан ташқари, дейлик, қаламча олаётганда ўсимлик танаси ёки тўқималарини жараҳатлаш эҳтимоли мавжуд бўлса, пишиб етилган уруғни йиғиб олиш жараёнида ўсимликка деярли ҳеч қандай зарар етказилмайди.


Турли ўсимлик уруғи қатор хусусиятлари, жумладан, катта-кичиклиги, шакли, озиқа моддаларининг ҳосил бўлиши билан бир-биридан фарқланади. Қолаверса, уруғ — бўлиниш жараёнининг ҳосиласи экани боис, ундан кўпайтирилаётган ўсимлик белгилари турлича бўлиши

мумкин. Ўсимлик белгиларининг бирхиллигига (гомогенлигига) эришишда уруғни танлаш, саралаш, яъни селекция-уруғчилик ишлари муҳим аҳамият касб этади. Вегетация даври нисбатан қисқа бўлган (масалан, гулсимон, полиз экинлари) ўсимликлардан уруғ олишда селекция усулларининг қўлланилиши кундалик амалиётга айланиб кетган.


Уруғнинг таркиби нимадан иборат?

Уруғнинг таркиби анчайин мураккаб. У бўлғуси ўсимлик нишонаси — куртақдан, уруғнинг ўсиб чиқишига хизмат этувчи озиқа моддалари ҳамда ташқи ҳимоя воситаси ҳисобланган пўстлоқдан ташкил топган. Куртақ ўз навбатида илдизча (у бўлғуси ўсимлик илдиз тизимини ташкил этади) ҳамда уруғпалладан (ундан кейинчалик ўсимлик пояси шаклланади) иборат.


Турли ўсимликлардаги уруғ куртаги



Нам уруғдонлар патнисга солинади ва қуёшли жойда яхшилаб қуритилади.



Бир қанча уруғдон боғланиб, уруғ пишгунга қадар осиб қўйилади. Уруғдон қоғоз қопга солиб қўйилгани маъқул.



Унинг оғзи боғланади ва қуруқ жойда сақланади. Уруғ тукилиши учун қопни силкитиб туриш лозим.

Уруғ билан кўпайтириш усули

озиқа моддасининг жойлашуви билан фарқланади. Бир хил ўсимликларда бу модда уруғпаллада бўлса, бошқаларида у махсус тўқима — эндоспермада жойлашганини кузатиш мумкин.

Уруғ заҳирасида тўпланадиган озиқа моддалар таркиби ҳам турлича бўлиши мумкин. Асосан углерод (карбонсув) тўплайдиган ўсимлик уруғлари нисбатан чидамли ҳамда яхши униб чиқиш хусусиятига эга. Кўпроқ ёғ тўплайдиган ўсимликлар уруғида эса бунинг тескараси: улар қуритишга чидамсиз бўлгани сабабли экишга яроқсиз бўлиб қолади. Шу боис бундай уруғ тўлиқ пишиб етилганидан кейин, ерга тушай деб турганида йиғиб олингани маъқул.


Уруғнинг яхши униб чиқиш хусусияти уруғ пўстлоғи ва унинг ҳимоя этиш қобилятига ҳам боғлиқ. Пўстлоғи яхши ривожланмаган, нимжон уруғдан бақувват, соғлом ниҳол ўсиб чиқишига умид боғлаш қийин. Ва аксинча, пўстлоғи қат-

тиқ уруғ ҳар қандай шароитда униб чиқиш хусусиятини кўпинча сақлаб қолади. Шу ўринда Жанубий-Шарқий Осиёда, айниқса, Ҳиндистонда ўсадиган нилуфар гулини мисол тариқасида келтириш мумкин. Олимларнинг аниқлашича, унинг уруғлари минг йилдан зиёд вақт мобайнида торф ботқоқликларида қолиб кетган бўлса-да, униб чиқиш хусусиятини йўқотмаган экан.

Уруғ шаклини ўзгартириш мумкинми?

Уруғчилик амалиётининг неча минг йиллик тараққиёти давомида уруғ шакли деярли ўзгармаган. Зеро, табиатнинг бу мўъжизаси (яъни, уруғ) азалдан униб чиқиш хусусиятига эга бўлган. Шу боис, уруғ шаклини ўзгартириш — унга хос бўлган ана шу хусусиятни йўқ қилиш билан баробардир.

Уруғ қадаётганда унинг тескари экил-маётганига ҳам аҳамият бериш лозим. Чун-



Майда уруғдонлар қуриши билан териб олинади ва оғзи очик қоғоз қонда сақланади.

Қуриб қолган уруғдонлар майдаланади ва уруғи териб олинади.

Қуриган уруғ қоғоз ёки латта қонда сақланади ва тегишли ёрлиқ билан белгиланади.

Ўсимлик кўпайтириш технологияси

ки нотўғри экилган уруғдан униб чиққан ўсимлик пояси ер юзасига эмас, унинг ичкарисига қараб ривожланиши мумкин.

Уруғни йиғиш ва сақлашда нималарга эътибор қаратиш даркор?

Аввало, уруғ саралаш жараёнида ҳар бир нав алоҳида қоғоз халталарга солиниб, тегишли ёрлиқ ёпиштирилмоғи лозим. Бу тadbир турли ўсимлик уруғларининг аралашиб кетиши ва навнинг бузилиб қолишига йўл қўймайди.


Аксарият ўсимлик уруғлари пишиб етилган, лекин ҳали ерга туша бошла-

маган пайтида йиғиб олинади. Агар уруғ меванинг ичида бўлса, уни териб олиш янада осонлашади. Чунки уруғ мевадан илгарироқ пишиб етилади. Уруғни ажратиб олишдан олдин мева қуёш нури остида ёки қуруқ хонада обдон қуритилади. Бунинг учун мева майдаланиб кичик қути тагига тўшалган филтёрқоғоз устига жойлаб чиқилади. Бир неча гулбанд боғланиб, баландроқ жойга осиб қўйилади. Уруғнинг тўкилиб кетишига йўл қўймаслик учун гулбандга қоғозпакет кийгизилади. Гулқоғоз вақти-вақти билан силкитиб турилганда, уруғ қоғоз тагига туша бошлайди.

Қуригандан кейин уруғ мевадан аж-




1. Экишдан олдин уруғ 12-24 соат мобайнида сувда ивителиди.



2. Экиш учун мўлжалланган идиш тупроқ аралашмаси билан тўлдирилади.




3. Идишнинг бурчаклари ва девори ёнидаги тупроқ оҳиста босиб қўйилади.



4. Тупроқ аралашмаси идиш сирти билан текисланади.



5. Махсус ёғоч тахтача ёрдамида тупроқ 0,5-1 см.гача босилади.



6. Экишга мўлжалланган уруғнинг ярми идиш эни бўйича экиб чиқилади.

Уруғ билан кўпайтириш усули

ратиб олинади ва пўст-пўчоғидан тозаланadi. Сўнг уруғнинг катта-кичиглигига қараб у қўлда ёки галвир ёрдамида саралаланиши мумкин.


Қуритилган уруғ кичик халтача, қоғоз ёки полиэтилен қопга солиниб, қуруқ жойда сақланади.

Экишдан олдин уруғни ивитиш шартми?

Уруғ экилишидан олдин 12-24 соат давомида сувда ивитилса, унинг тез униб чиқишига ёрдам беради. Албатта бунда тупроқ аралашмасининг ҳам аҳамияти

катта. Зеро, уруғ яхши униб чиқиши учун тупроқ аралашмаси маълум талабларга жавоб бериши даркор. Жумладан, унда ҳаво яхши алмашилиши, муайян намлик ва ҳарорат сақланиши ҳамда етарли миқдорда фосфор ўғити бўлиши лозим.


Экишга мўлжалланган идиш уруғ миқдорига қараб танланади, яъни уруғ ҳаддан ташқари тигиз ёки сийрак бўлиб қолмаслиги керак. Танлаб олинган идишга тупроқ аралашмаси солинади ва идиш бурчакларида бўшлиқ ҳосил бўлмаслиги учун тупроқ билан тўлдирилади. Сўнг текис ёғоч тахтача ёрдамида текисланиб,



7. Идишни 90 градусга буриб, уруғнинг қолгани экилади.



8. Уруғнинг устига галвирдан ўтказилган тупроқ солинади.




9. Экилган сана ва нав номи ёзилган ёрлиқ ўрнатилади.



10. Идишга майда тешиклардан иборат пуркагич ёрдамида сув сепилади.



11. Намлик ҳамда керакли ҳароратни сақлаш учун идиш ойна бўлаги билан ёпилади.




12. Мўътадил ҳароратни сақлаш учун ойна қоғоз билан қопланади.

Ўсимлик кўпайтириш технологияси

уруғ бир текис сепиб чиқилади. Экилган уруғ устидан 0,3 см. тешикчали ғалвирдан ўтказилган тупроқ аралашмаси солинади. Ҳар бир идишга тегишли ёрлик ёпиштириб, пуркагич ёрдамида бир текис сув сепилади. Ниҳоят, идишни ойна бўлаги билан ёпиб, қуруқ, қоронғироқ хонада сақланади.


Униб чиққан кўчат қандай парвариш этилиши керак?

Уруғнинг униб чиқиши учун уруғ сепилган идишга вақти-вақти билан сув солиб турилади. Уруғ бўртиши билан унинг куртаги ривожлана бошлайди; унда шакллана бошлаган илдиз ва поя уруғ пўстлогини ёриб чиқади. Куртак ўсиш жараёнида уруғ заҳирасидаги озиқа моддаларидан фойдаланади. Заҳиралаги карбонсуннинг оксидланиши туфайли ўсимлик ривожини учун зарур энергия қуввати ҳосил бўлади. Шу боис ҳам, эндигина




Уруғдан ниҳол ҳосил бўлиши жараёнида унинг илдизчаси ҳамда уруғталла барглари ҳосил бўлади.

Кўчатнинг ривожланиши



1. Уруғ ниш отиши билан ойна ва қоғоз олиб ташланади ҳамда идиш ёруғ жойга кўчирилади.



2. Идишга вақти-вақти билан сув солиб турилади. Аммо тупроқнинг намланиб кетишига йўл қўймаслик керак.



3. Касалликларнинг олдини олиш учун ўсимликка фунгицид эритмаси сепилади.

Уруғ билан кўпайтириш усули


униб чиқаётган ўсимликда кислородга катта эҳтиёж сезилади. Ёш ниҳолга уни етарли даражада етказиб бериш учун эса тупроқ аралашмасида ҳавонинг яхши айланиши таъминланган бўлиши лозим. Ниҳол ўсиб чиқиши билан идиш устига қўйилган ойна бўлаги олиб ташланади ва кўчат ёруғ жойга (аммо қуёш нурлари тўғри тушмаслиги лозим) ўтказилади. Кўчатнинг ризоктония касаллигига чалинмаслиги учун унга таркибида мис бўлган фунгицид моддасини сепиш тавсия этилади. Агарда кўчатнинг идишда узоқроқ муддат сақланиши мўлжалланаётган бўлса, у ҳолда аралашмага суюқ ўғит солиниши ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Ундрилган кўчатни қандай қилиб чиниқтиктириш мумкин?


Кўчат бир оз ўсганидан кейин ўсимлик бемалол ривожланиши учун уни бош-

қа идишга сийрақроқ қилиб экилади. Бу тadbир кўчатнинг паст ҳарорат, ўзгарувчан намлик шароитларига мослаштириш, чиниқтириш учун амалга оширилади. Бунда совуқ парник айниқса яхши самара беради. Даставвал, кўчат ўтказилган парник туйнуги маҳкам ёпиб қўйилади. Маълум вақтдан кейин туйнук роми аста-секин очиб борилади ва чиниқтириш даврининг охирига келиб, у ҳатто кечаси ҳам очиб қўйилиши мумкин. Ҳаво исиб кетиши билан туйнук роми бутунлай олиб қўйилади.

Парникда доимо мўътадил ҳарорат ва намлик сақланиб турган бўлиши лозим. Айниқса, намлик даражасининг ошиб кетиши ўсимлик учун катта хавф туғдиради. Чунки бундай вазиятда турли замбуруғ ва касалликларнинг ривожланиши учун имкон яратилади. Парникдаги ўсимликларнинг бир-бирига яқин жойлашгани эса ўсимлик баргларида замбуруғли



4. Тупроқни юмшатиш учун идишни вақти-вақти билан силкитиб туриш лозим.



5. Кўчат ёғоч таёқча ёрдамида бир оз кўтариб қўйилади



6. ва баргидан тутган ҳолда оҳиста тупроқдан чиқариб олинади.

Ўсимлик кўпайтириш технологияси

касаликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шу боис, ўсимликка вақти-вақтида каптан ёки фундозол фунгицидлари билан ишлов берилиши мақсадга мувофиқдир.

Очиқ ерга кўчат экишда нималарга эътибор бериш керак?

Ернинг парник ёки кўчат ўстириладиган бошқа жойдан афзаллиги шундаки, унда истаганча кўчат экилиши ва ўстирилиши мумкин. Бундан ташқари, баъзи дарахт ва бута илдизлари тупроқ аралашмаси таркибидаги замбуруғлар билан мослашиб ривожланиш хусусиятига эга. Бундай замбуруғларнинг манбаи ҳисобланган чириган барг ўсимлик илдизларининг ривожланишида муҳим ўрин тутadi. Шу


боис аксарият боғбонлар хазонрез даврида барглари тўплаб, ерга кўмиб қўйиши бежиз эмас.

Одатда экин майдони кеч куз ёки қишнинг бошланишида тайёрланади: чопилган ер қиш бўйи дам олиб ётиши керак. Ер участкасини чопаетганда иложи бўлса гўнг ёки чириган барг қўшиб юборилса, айти муддао. Баҳор келиши билан ер текисланиб, юмшатилиши лозим. Ниш урган ёввойи (бегона) ўтлар эса томири билан суғуриб ташланиши шарт. Кўчат экишдан олдин 1м2 ерга 120 гр. фосфорли ўғит солиб, тортилган пушта яхшилаб текисланиши зарур. Бу биринчидан, кўчат экишда қулайлик туғдирса, иккинчидан, ўсимликнинг суғорилишини енгиллаштиради.


Кўчатнинг ривожланиш босқичлари



7. Махсус тайёрлаб қўйилган идишда ёғоч таёқча ёрдамида бир қанча чуқурчалар қилинади.



8. Кўчат илдизлари ана шу чуқурчаларга жойлаштирилади ва атрофидаги тупроқ бир оз босиб қўйилади.



9. Экиб бўлгандан кейин кўчатга сув сепилади. Идиш сақланаётган хонада ҳарорат 21 °С атрофида бўлиши лозим.

Уруғ билан кўпайтириш усули

Ерга кўчириб ўтказилган кўчатнинг яхши ривожланиши учун қандай шароит яратилмоғи лозим?


Ерга кўчириб ўтказилган кўчатни биринчи галда ноқулай атроф-муҳит таъсиридан ҳимоя этиш зарур. масалан, шамол ўсимлик ривожини секинлаштирадиган, ҳатто уни нобуд этиши мумкин бўлган ана шундай омиллардан ҳисобланади. Шамолнинг салбий таъсири шундан иборатки, у сувнинг парланишини ҳаддан ташқари кучайтириб юборади. Ўсимликка кўпроқ сув қўйиш йўли билан ҳам вазиятни муътадил ҳолатга келтириш қийин. Чунки қисқа вақт ичида ўсимлик сарф этилган сув миқдорини қоплай олмайди. Бундай ҳолатда кўчат

экилган пуштани майда тешикли симтўр билан тўсиш мумкин.


Кўчатнинг биринчи барглари пайдо бўлиши билан фосфордан ташқари қўшимча равишда азот ва калий ўғити (имкони бўлса, суюқ ҳолда) солинса, ўсимлик яхши ривожланади. Шунингдек, кўчат атрофида турли зараркунанда ҳамда вируслар пайдо бўлиши мумкинлигини назарда тутиб, вақти-вақти билан ўсимликка инсектицид ва фунгицид эритмаларини сепиб туриш тавсия этилади.

Агарда пушта барча талабларга риоя этган ҳолда тайёрланган бўлса, унда бегона ўт кўп бўлмаслиги лозим. Мабодо битта-иккита бегона ўт пайдо бўлганда ҳам, ўтоқ пайтида у томири билан юлиб ташаланади.


Кўчатнинг ривожланиш босқичлари



10. Ўсимликни совуқдан ҳимоя этиш учун совуқ парник, мато ёки ойнаванд ром билан ёпилиши шарт.




11. Ўсимликни чиниқтириш мақсадида парник ромлари кундуз куни очиб қўйилиши мумкин.



12. Ўсимликка вақти-вақти билан сув солинади, фунгицид эритмаси билан ишлов берилади ҳамда у суюқ ўғит воситасида озиқлантириб турилади.

Илдиз ёрдамида ўсимликни кўпайтириш мумкинми?



Ўсимликни илдиз ёрдамида кўпайтириш амалиёти узоқ тарихга эга бўлса-да, нимагадир ҳозирги вақтда у қадар оммалашмаган. Ваҳоланки, бу ўсимлик кўпайтиришнинг энг оддий ва самарали усулларида ҳисобланади. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу усул ёрдамида илдизда қуртак ҳосил бўладиган ўсимликларнигина кўпайтириш мумкин. Баъзи ўсимликларда, масалан, гилос ва бинафшагул илдизларида бундай қуртаклар табиий равишда ҳосил бўлади, бошқаларида эса муайян таъсир этиш йўли билан илдиз қуртакларининг шаклланишига шароит яратиш мумкин.

Кузда ўсимлик қазиб олинаётганда илдизларининг бир қисми ерда қолиб кетади. Кейинги йилнинг баҳор ойларигача бу илдизларда даставвал қуртак, сўнг кичик шоҳчалар ҳосил бўлади. Уч-тўрт ой мобайнида улар авайлаб парвариш этилса, кузга бориб анчагина ривожланган ўсимликни бошқа, қўлайроқ жойга кўчириб ўтказиш мумкин бўлади. Масалан, малина (хўжағат) ёки сумак (тотим) ўсимлиги худди шу тарзда кўпайтирилади.

Аммо боғдорчиликда илдиз қаламчаси ёрдамида кўпайтириш усули кенгроқ қўлланилади.

Илдиздан қандай қилиб қаламча олинади?

Аввало илдиздан қаламча олишни мўлжаллаётган боғбон ўсимлик илдизларида қуртак ҳосил бўлишида маълум мавсумийлик хусусияти мавжудлигини билиши даркор. Бошқача айтганда, бир хил ўсимлик илдизлари эрта баҳорда, бошқалари эса — кеч кузда қуртак очиши мумкин. Яна бир тур ўсимликлар, масалан, ерқалампир (хрен) илдизлари йил даво-

Илдиз билан кўпайтириш усули

мида куртаклаши маълум. Шундай экан, илдиз қаламчасидан ўсимлик кўпайтиришда ижобий натижага эришиш учун ҳар бир ўсимлик илдизининг куртак очиш вақтини (мавсумини) аниқ билиш керак.

Қаламча олинаётган илдиз кўплаб куртак очиш хусусиятига эга, бақувват ҳамда яхши ривожланган бўлиши шарт.

Қаламча илдизнинг қайси қисмидан олиниши керак?

Қаламча олиш учун бош (она) илдиз ердан қазиб олинади ва унинг тепа қисми кесиб ташланади. Қолгани тупроқдан яхшилаб тозаланади ва унинг қуйи қисмидаги ёш илдизчалар қаламча учун кесиб олинади. Бош илдиз эса илгариги жой-

ига қўмиб қўйилади. Қаламчаларнинг учи ҳамда ёнбошидаги ипсимон илдизчалар ўткир бурчак остида қирқиб ташланади. Ерга қайта қўмилган ҳамда илдизлари сийраклаштирилган бош илдиздан келаси йили қаламча олишда яна фойдаланиш мумкин.


Илдиз қаламчаси қандай катталиқда қирқиб олиниши лозим?

Қаламча ҳар бир бош илдиздан биттадан олинаётган бўлса, катта-кичиклигининг аҳамияти йўқ. Агарда бир бош илдиздан бир қанча қаламча олинаётган бўлса, у ҳолда қаламчанинг катта-кичиклигига албатта аҳамият бериш лозим. Зеро, қаламча куртакла-

Ерда қолиб кетган илдизлардан кўчат олиш усули



1. Кузда ўсимлик атрофи яхшилаб юмшатилади ва илдизлари чопиб ташланади.



2. Ўсимлик қазиб олинганда унинг илдизлари кўпинча ерда қолиб кетади. Ана шу илдизларда янги ўсимлик ҳосил бўлади.



3. Вегетация мавсумининг охирида илдизлардан ҳосил бўлган навниҳол бошқа жойга олиб экилади.

Ўсимлик кўпайтириш технологияси

нишидан тортиб барглашигача аввало, етарли миқдорда озиқа моддалари билан таъминланган бўлиши керак. Қаламчанинг катта-кичиклиги эса ундаги озиқа моддаларининг миқдори билан белгиланади.

Илдиз қаламча олишдан бир йил илгари кесилишини инobatга олсак, янгидан ҳосил бўлган бир йиллик илдизларнинг қалинлиги ҳам, бўйи ҳам тахминан бир хил бўлади. Очиқ жойга экилаётган қаламча тахминан 16 ҳафта мобайнида ерда ётишини назарда тутсак, унинг бўйи 10 см.дан кам бўлмаслиги даркор. Совуқ парникда ҳарорат очиқ ердагига қараганда юқорироқ экани ва шу боис регенерация жараёни 8 ҳафтадан кейин бошланиши сабабли қаламчанинг узунлиги 5 см. бўлса

етарли ҳисобланади. Иссиқхона ёки махсус камерада (ҳарорат 18-24°C) регенерация жараёни яна 4 ҳафтага қисқариши туфайли қаламчанинг узунлиги 2-3 см. бўлиши мумкин.

Ерга ёки идишга экилган қаламча қуриб қолмаслиги ва касалликка чалинмаслиги учун нималарга эътибор бериш лозим?

Ерга экилган қаламча айрим ҳолларда намиқиб қолиши сабабли у кўпинча турли замбуруғли касалликларга чалиниб қолади. Шу боис боғбон қаламчани ҳимоя этиш чораларини амалга ошириши лозим. Қаламчани касалликдан ҳимоя этиш энг ишончли ва самарали усулларида бири —


Она ўсимликни тайёрлаш жараёни



1. Соғлом, ҳали уйғонмаган ўсимлик ердан қазиб олинади.



2. Унинг ер устидаги илдизлари қирқилиб, қолган илдизларидаги тупроқ қоқиб ташланади.



3. Тупроқ қолдиқларини тўлиқ олиб ташлаш учун илдиз сув солинган идишда чайқалади.

Илдиз билан кўпайтириш усули

уни фунгицид (масалан, каптан ёки фундазол) кукуни билан ишлов бериш ҳисобланади. Бунинг учун қаламчалар полиэтилен халтачага жойлаштирилади ва унга бир оз фунгицид кукуни солинади (узунлиги 2-3 см.лик 100 дона қаламчага 1 чой қошиқ каптан кукуни қўшилади). Халтанинг оғзи ёпилиб, яхшилаб силкитилади. Энди фунгицид кукуни билан қопланган қаламчаларни бемалол экавериш мумкин.


Экилган қаламчалар ўртасидаги оралик масофа қанча бўлиши керак?

Аввало, илдиз қаламчалари экилатган тупроқ аралашмаси бир қатор талабларга жавоб бериши лозим. Унда мўтадил намлик, ҳарорат, яхши хаво


алмашинуви таъмин этилиши ҳамда қаламча ўса бошлаган даврда озиқа моддаларининг етарли бўлиши даркор. Бундай шарт-шароит очиқ тупроқ ёки совуқ парникда мавжуд. Бироқ аксариyat қаламчаларни аввал тувакда парвариш этиб, кейин очиқ ерга ёки парникка кўчириб ўтказилгани маъқул.

Қаламчаларни ўтказиш учун керакли ҳажмдаги тувак танлаб олинади. Бунда қаламчалар орасидаги масофа 4 см.дан ошмаслиги лозим. Масалан, диаметри 9 см. бўлган тувак идишга 6-7 та қаламча жойлаштирилиши мумкин.

Тувакка торф ҳамда аралашманинг куриб қолмаслиги ва озиқа моддалари билан бойитиш учун бир оз қумлоқ тупроқ солинади. Ёғоч қозиқча ёрдамида қилинган тешикчаларга тайёрлаб қўйилган қаламчалар ўтказилади. Қа-



4. Ўткир пичоқ ёрдамида у илдизбуйнидан қирқиб ташланади.



5. Она ўсимлик эса қазиб олинган жойга қайта кўмилади.



6. Жадал ривожланиши натижасида она ўсимлик бир вегетация мавсуми давомида қайта тикланади.

Ўсимлик кўпайтириш технологияси

ламчанинг учи аралашма юзаси билан баробар бўлиши лозим. Қаламчанинг устидан йирик донали тупроқ тўлдириб солинади. Бу тадбир куртак очаётган қаламча атрофида ҳаво алмашинуви яхшилайдиган. Тувакка сув қуйилмайди. Унга тегишли ёрлиқ қўйиб, қулай бир жойга (совуқ парник ёки махсус камера) жойлаштирилади.

Баъзан экилган қаламчада илдиз ҳали шаклланмаган бўлса, ривожланётган куртак яшил баргли поя ҳосил қилиши мумкин. Илдиз пайдо бўлгунга қадар қаламчанинг чириб қолмаслиги учун унга сув қуймай турган маъқул. Қаламча поя ва илдизининг шаклланиши жадаллаши билан тувакни ёруғроқ жойга ўтказиб қўйилиши керак.

Ниҳолни бошқа каттароқ идишга ёки тупроққа кўчириб ўтказишдан олдин, юқорида таъкидланганидек, у обдон чиниқтирилиши лозим. Шу даврда ўсимликка суюқ ўғит солиниши ҳам фойдалидир.

Тугунаксимон илдизлар


Тугунаксимон илдизларнинг икки тури мавжуд: бири — георгинлардаги сингари ҳар йили янгиланадиган бир йиллик илдиз; иккинчиси — йилдан йилга кўпайиб борадиган кўп йиллик илдиз (масалан, бегония ўсимлигида).

Бир йиллик илдиз бўйин ёнбошидаги илдизчалардан ҳосил бўлади. Вегетация даврида бу илдизлар озиқа

Илдиздан қаламча олиш усули



7. Ўсимлиkning уйқудаги даврининг ўрталарида қазиб олинади ва илдизларининг юзадаги қисми қирқиб ташланади.



8. Илдиз сувда яхшилаб ювилганидан кейин илдизбўйин қисмидан қирқиб олинади.



9. Она ўсимлик эса қазиб олинган жойига яна қайта кўмиб қўйилади.

Илдиз билан кўпайтириш усули

моддаларининг манбаи сифатида хизмат қилади. Ҳар йили ана шу озиқа моддалари ҳисобига илдизнинг ер устидаги қисми янгидан ривожланади, қуйи қисмидаги илдизлар эса қуриб қолади.

Кўп йиллик тугунаксимон илдизлар ривожланиши бир оз бошқачароқ кечади. Шаклланган ёш илдиз бошиданок озиқа моддаларининг кўпайиб боргани сари ўзига хос “озиқа омбори” вазифасини ўтаб, йилдан йилга ривожланиб, катталашиб бораверади.


Хўш, ўсимлик кўпайтиришда улардан қандай фойдаланилади?

Вегетация даврининг охирида тугунак илдизлар ердан қазиб олинади.


Тупроқдан яхшилаб тозаланган илдизга фунгицид кукуни билан ишлов берилади. Сўнг қоғозга ўраб, ҳарорат 5°C пастроқ бўлган, аммо музламайдиган жойда сақланади.

Экишдан олдин тугунаксимон илдиз икки қисмга бўлинади. (уларнинг ҳар бирида ҳеч бўлмаганда, биттадан куртак бўлиши шарт). Илдизнинг бўлинган жойига фунгицид билан ишлов берилади ва ҳаво яхши айланидиган, иссиқ жойга (21°C) икки кун давомида сақланади. Шундан сўнг, илдиз “Жон Иннес N 1” аралашмасига экилади ва тувак совуқ урмайдиган нимқоронғироқ жойга киритиб қўйилади.


Қаламчаларни қирқиб олиш



10. Ўсимликнинг жароҳатланмаган ёш илдизи танлаб олинади ва унинг барча ёнлама илдизчалари қирқиб ташланади.




11. Илдизнинг она ўсимлик билан уланган жойидан 0,5 см юқориқоқдан тўғри бурчак остида қирқиб олинади.



12. Қаламчанинг мўлжалдаги узунлигига қараб, тегишли жойидан қиялатиб қирқилади.

Ўсимлик кўпайтириш технологияси

Илдиз қаламчаларига ишлов бериш



1. Илдиз қаламчалари фунгицид кукуни солинган полиэтилен қопга солинади.



2. Қоп оғзи боғланади ва фунгицид кукуни барча қаламчаларни қоплаб олгунга қадар яхшилаб силкитилади.


Илдиз қаламчаларини экиш



3. Тупроқ аралашмаси солинган идишда ёғоч таёқча ёрдамида чуқурчалар қилинади ва қаламчалар экилади.



1. Вегетация мавсумининг охирида ўсимлик ердан қазиб олинади ва илдизларидаги тупроқ яхшилаб қоқиб ташланади.



2. Илдизга идишга солинган фунгицид моддаси билан ишлов берилади.



3. Илдиз газетга ўралади ва қуртак уйғонгунга қадар совуқдан ҳимояланган жойда сақланади.

Илдиз билан кўпайтириш усули

Илдиз қаламчаларини экиш




4. Қаламчалар орасидаги масофа 2,5-4 см. бўлиши даркор. Идиш юзасига йирик донали тупроқ солинади.



5. Ортиқча тупроқни идиш четига суриб, унга тегишли ёрлиқ ўрнатади.



6. Ўсимлик ривожлана бошлаши билан унга тез-тез сув сеиб, суюқ ўғит билан озиклантириб турилади.



4. Юғон илдиз ўткир пичоқ ёрдамида иккига бўлинганида, уларнинг ҳар бирида биттадан куртак бўлиши шарт.




5. Илдизнинг тиғ теккан жойларига фунгицид моддаси билан ишлов берилади ҳамда маълум муддат давомида қуруқ ва иссиқ жойда сақланади.



6. Қирқилган жойида ҳимоя қатлами ҳосил бўлиши билан илдизни бемаълал экиш мумкин.

Шакли ўзгарган поя ҳақиқий поядан нимаси билан фарқланади?


Шакли ўзгарган поя одатдаги поя сингари тузилиш, кетма-кет ёки қарама-қарши жойлашган ҳамда қўйнида куртаги бўлган барглardan иборат. Уларнинг фарқи шундаки, шакли ўзгарган поянинг айрим турлари ер сатҳида ўсмаслиги, масалан, ёнламасига (горизонтал) йўналишда ривожланиши мумкин.



Шакли ўзгарган поянинг асосан олти тури мавжуд: туганак, илдизпоя, туганакпиёз, илдизпиёз, қилпоя ва илдиз бачки.


Таганакнинг, масалан, картошканинг тўрт-беш жойида куртаклардан ташкил топган “кўз”лари бўлади.

Илдизпоя — ер сатҳида ёки ер остида ўсадиган ихтисослашган шоҳ бўлиб, у бир қанча тугунча, қатма-қат барг ва куртаклардан ташкил топган.



Таганакпиёз — қатма-қат барг билан қопланган поянинг югонлашган қуйи қисми.


Илдизпиёз — тангасимон, серсув барглари билан қопланган ва учида ўсиш нуқтаси бўлган югон поядан иборат. Тангасимон баргларида янги куртак шаклланади. Илдизпиёзнинг қоқ ўртасидан фотосинтез жараёнида иштирок этувчи яшил




Поя билан кўпайтириш усули

барг ҳамда гулкуртак ўсиб чиқади.

Илдизпоя — ўсимликнинг бўйин илдизидан жойлашган барг қўйнидан ўсиб чиқадиган ёнлама поя. Унда ҳосил бўла-





Қилпоя ҳам бўйин илдизидан ўсиб чиқади. Ёнлама (горизонтал) томон ўсадиган қилпоянинг ёнбош куртакларидаги тугунларда ёш ўсимлик ривожланади.



диган фақат биргина куртакдан ўсиш нуқтаси ҳамда илдизига эга ёш ўсимлик ривожланади.

Илдиз отиши билан улардан гулкуртак ва янги қилпоя шоҳчалар ҳосил бўлади.



Ўсимликни поя ёрдамида кўпайтиришнинг қандай усуллари мавжуд?

Ўсимликни поя ёрдамида кўпайтирилиши — боғдорчиликда кўп қўлланиладиган усуллардан бири.


Бу усул қўлланганда боғбоннинг асосий (она ўсимлик) ўсимликдан ажратиб олинган ёки ажратилмаган поянинг ўзида илдиз ҳосил бўлиши ҳамда ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратилишига қаратилган бўлади. Унга икки йўл билан: асосий ўсимликдан олинган поя қаламчаси ва палғари (пархиш) олиш билан эришиш мумкин. Ҳар икки усулнинг ўзига яраша афзаллик ва мураккаб жиҳатлари бор.

Ўсимликни палғари (пархиш) усулида ёрдамида кўпайтиришда шунга эътибор бериш керакки, ҳали асосий ўсим-

ликдан ажратилмаган пояда илдиз яхши шаклланган бўлиши лозим.

Ўсимликни поя қаламчаси ёрдамида кўпайтириш бундан ҳам қийинроқ. Масаланинг мураккаблиги шундаки, қаламчада илдиз шаклланиш жараёни унинг асосий ўсимликдан ажратиб олинганидан кейингина рўй беради. Демак, қаламчада илдиз ҳосил бўлгунга қадар унинг яшовчанлигини таъмин этиш керак бўлади.

Бинобарин, ҳар икки усулни қўллаганда ҳам имкони борича илдиз олиш хусусиятига эга, соғлом поя ёки шоҳ танлашга интилиш керак. Поянинг илдиз олиш хусусияти эса асосан ўсимликнинг ёшига боғлиқ. У қанчалик қари бўлса ундан олинган палғари ёки қаламчанинг илдиз олиши ва ривожланиб кетиши шунчалик қийинлашади. Ўсимликни уруғидан етиштираётганда ва унинг ёшини билган



Поя билан кўпайтириш усули

боғбон ундан, масалан, қаламча олиш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқ белгилаши мумкин.

Агарда она ўсимлик яқиндагина вегетация йўли билан кўпайтирилган бўлса, ундан олинган поя ҳам тез орада илдиз отади. Ўсимликни вегетация йўли билан кўпайтиришда йил фасли албатта эътиборга олинаши шарт. Негаки, баъзи ўсимлик пояларининг илдиз олиши йил фаслига қараб ўзгариб турса, бошқаларида бу ҳолат кузатилмайди. Шунга кўра, китобнинг иловасидан фойдаланиб, турли ўсимликларнинг кўпайтириш даври, жойи ҳамда усуллари тўғрисида зарур маълумотга эга бўлиши мумкин.

Қаламча қандай ўсимликдан олинади?

Аввало, қаламча олишга мўлжалланган она (асосий) ўсимлик аниқлаб олинади ва унда ёш новдаларининг шаклланиши учун шохлари имкони борица калтароқ қилиб қирқилади. Қаламча ана шу шохларнинг ўрнига ўсиб чиққан ёш новдалардан олинади. Яшил қаламчалар ёзининг бошида, қотганлари эса — дарахт уйқуга кетганда (яъни кеч кузда) олингани маъқул. Бундай қаламчалар тез орада илдиз отиб, ривожлана бошлайди. Кўпинча уларда қўшимча озиқа моддаларига эҳтиёж туғилмайди.

Қаламча тез илдиз олиши учун тупроқда қандай ҳарорат сақланиши лозим?


Қаламчанинг илдиз олиш ёки олмаслиги атроф-муҳит шарт-шароитлари, аynиқса тупроқ ҳароратига бевосита боғлиқдир. Зеро, илдиз ҳосил бўлиши асосан кимёвий жараёнлар билан белгила-ниши сабабли ҳароратнинг ошиши кимёвий реакцияларнинг тезлашувига олиб келади. Бу ўз навбатида қаламчанинг илдиз олиш жараёнини жадаллаштиради. Лекин, қаламчанинг тупроқдаги ва ер юзи қисмидаги ҳарорати бир хил бўлмаслиги

керак. Акс ҳолда қаламчадаги озиқа моддалар унинг юзадаги қисмига сарф бўлиши, илдиз ривожланишига эса етмай қолиши мумкин. Шу боис, қаламчанинг тупроқдаги қуйи қисмида ҳарорат анча юқори (масалан, яшил қаламчалар учун 21°C), юзадаги қисми учун бир оз пастроқ бўлиши шарт.

Яшил қаламча ривожини учун зарур ҳароратни очиқ ерда ташкил этиш мушкул. Бинобарин, бундан вазиятларда туман ҳосил қилувчи қурилмадан фойдаланиш мумкин. Нисбатан қаттиқроқ, ёғочсимон қаламчаларни эса очиқ ерда бемалол ундириб олса бўлади.

Бу усулларга хос асосий камчилик шундан иборатки, намлик даражасининг ҳаддан ташқари ошиб кетиши қаламчаларнинг чиришига сабаб бўлиши ва турли замбуруғли касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга йўл қўймасли-нинг ягона йўли — қаламчанинг илдиз олиши ва ривожланиши учун мўътадил шароит яратилиши мумкин бўлган совуқ парник, ёпиқ камера, туман ҳосил қилувчи ва тоннелсимон қурилмаладан самарали фойдаланишдир.

Ёғочсимон ўсимлик поясининг ёнлама кесмаси



Баргкуртак қаламча деганда нимани англаш керак?

Баргкуртак қаламча ҳар қандай шоҳдан ҳам (у яшил, яримқотган, бутунлай қотган бўлиши мумкин), доимияшил ва барг тўкадиган ўсимликлардан ҳам кесиб олиниши мумкин.

Қаламча олиш учун, аввало, яхши илдиз отиш хусусиятига эга шоҳ танланади. Бунинг учун, илгари таъкидланганидек, асосий ўсимлик шоҳлари калта қилиб қирқилади ва қаламча ўсиб чиққан ёш новдалардан олинади. Бу новдаларнинг барглари тўлиқ шаклланган ва ҳеч бир жойи жароҳатланмаган бўлиши шарт. Бу барг қўйнидаги куртакка ҳам тааллуқли.

Қаламча поясининг қаттиқ-юмшоқ-

лигига қараб, у олмос писка ёки гул қайчи (токқайчи) ёрдамида кесиб олинади. Кесма, имкони борича, куртакка яқинроқ олиниши ҳамда пояда тўнкача ҳосил бўлиб қолмаслиги лозим.

“Товон” қаламча олиш усулининг моҳияти нимадан иборат?

Боғдорчиликда бу азалдан қўлланиб келаётган анъанавий усуллардан бири. Унинг “товон” қаламча деб аталишининг боиси шундаки, она ўсимлик поясидан ёнбош шоҳча олинаётганда унинг пастки қисмида товонни эслатувчи ўсимлик пўстлоғи ва танасининг бўлакчаларини кўриш мумкин. Бундай товонсимон қаламчанинг афзаллиги шундаки, товон-


Баргкуртак қаламча олиш усули



1. Яхши томирлаш хусусиятига эга чоҳчаларнинг ўсиб чиқиши учун асосий ўсимлик шоҳлари калта қилиб қирқилади.




2. Жароҳатланмаган ҳамда қўйнида яхши сақланган баргкуртакка эга ёш новда танлаб олинади.



3. Куртакнинг шундоққина ёнгинасидан ётиқ кесма олинади.

Қаламча олиш усуллари


Баргкуртак қаламча олиш усули




1. Қарама-қарши жойлашган баргдан иборат поя тугун устидан ва 2,5-4 см. пастроқдан қирқилади.



2. Уткир пичоқ билан поя қоқ ўртасидан иккига бўлинади. Натижада иккита қаламча ҳосил бўлади. Барглардан бири қирқиб ташланиши ҳам



мумкин. Қаламчага ўсишни кучайтирувчи модда билан ишлов берилгандан кейин экилади ва ёрлиқ ёпиштирилади.



4. Қуйи кесма юқоридагисидан 2,5-4 см. пастроқдан олинади



5. Шоҳнинг ярмидан юқориси қирқиб ташланади. Қаламчага илдиз отишни кучайтирувчи модда билан ишлов берилади.




6. Қуртак аралашма сатҳи билан баробар ёки бир оз юқорироқда бўлиши керак. Аралашмага сувда эритилган фунгицид солинади.


нинг югонлиги ҳамда озиқа моддаларнинг етарли бўлгани сабабли у ҳатто ноқулай шароитда ҳам томирлаб, ривожланади. Шунинг учун, бу усул кўп ҳолларда томир отиш жараёни учун узоқроқ вақт талаб этиладиган вазиятларда қўлланилади.

Шу билан бирга, поясининг қаттиқ-юмшоқлигига қараб улар турли шароитга мослаштирилади. Масалан, ёғочи қаттиқ қотиб қолган қаламча тўғридан-тўғри очик ердаги тупроққа экилади; ярим қотган ва бутасимон ўсимлик қаламчаларини ундириб олиш учун совуқ парникдан фойдаланилади; ёш, нозикроқ қаламчалар эса ёпиқ иссиқхона ёки махсус камерада ўстирилгани маъқул.


“Товон” қаламча олиш усули



1. Қаламча учун мўлжалланган шоҳча тубидан кўрсаткич ва бош бармоқ ёрдамида настга қараб қаттиқ тортилади.



2. “Товон”нинг учи ва настдаги барелар кесиб ташланади. Қаламчанинг таг қисми ўсишни кучайтирадиган модда билан ишлов берилади.



3. Ерда қозиқча ёрдамида қилинган чуқурчага қаламчани экиб, сувда эритилган фунгицид моддаси солинади ва у ёрлиқ билан белгиланади.

Болғасимон қаламча қачон тайёрланиши лозим?

Бундай қаламча ўсимликнинг кичик-кичик шоҳча ҳосил қилган ёнбош паяларидан олинади. Пастки ва тепа кесма орасидаги масофа тахминан 2 см.ни ташкил этиши лозим. Шу тарзда кесиб олинган ёнбош қаламча болғачани эслатади.

Қаламча тайёрлашдан анча илгари ўсимлик ҳали уйғонмаган вақтда, айти кеч куз ёки қишнинг бошларида унинг шоҳлари кесилади. Баҳор ва ёз ойларида янги шоҳлар ўсиб чиқади. Айти шу шоҳлардан болғасимон қаламча кесиб олинади. Экишдан олдин унга илдиз олиш жа-

Қаламча олиш усуллари

раёини кучайтирувчи модда билан ишлов берилади. Ёғоч қозикча ёрдамида “болғача”нинг бемалол сиғадиган чуқурча қилинади. Иложи бўлса, яримқотган қаламчаларни совуқ париникка, тўлиқ қотган қаламчаларни эса очиқ ерга экиб, фунгицид моддаси эритилган сув сепилгани маъқул.

Яшил қаламча йилнинг қайси фаслида олингани маъқул?

Бундай қаламча ўсимликнинг ёш, навқирон шоҳларидан тайёрланади. Бошқа қаламчаларга нисбатан тез илдиз отиши сабабли уларни ундириб олиш осонроқ


кечади. Яшил қаламча одатда ўсимликнинг тепа қисмидан тез ривожланиб бораётган новдаларидан кесиб олинади. Лекин у йилнинг бошқа фасллари, хусусан, ёзнинг охири, кузнинг бошларида ҳам тайёрланиши мумкин. Бунинг учун ўсимлик шоҳлари қиш фаслида яхшилаб қирқилади. Баҳор ойига келиб ўсимлик сақланаётган жойдаги ҳароратнинг сунъий равишда ошириш йўли билан қаламча олиш учун ярайдиган шоҳларнинг жадал ўсишига имконият яратиш мумкин.

Аммо яшил қаламчанинг нозик бир жиҳатига жиддий эътибор қаратиш лозим. Гап шундаки, у сув етишмовчилигига ниҳоятда таъсирчан бўлади. Чунки бу давр-

Болғасимон қаламча олиш усули



1. Асосий ўсимлик поясидаги ёнбош шоҳ устидан горизонтал кесма олинади.



2. Пастки кесма тепадагисидан тахминан 2 см. пастроқ олинади. Қаламчанинг пастки барглари олиб ташланади.



3. Қаламча экилиб, унга сувда эритилган фунгицид моддаси сепилади.

Ўсимлик кўпайтириш технологияси

да унинг барглари тўлиқ шаклланиб улгурмаган ҳамда сув етишмовчилигидан ҳимоя этиш восита ҳали “ишга” тушмаган бўлади. Шу боис, озгина сув етишмовчилиги оқибатида қаламчанинг илдиз олиши секинлашиши ва ҳатто бутунлай қуриб қолиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик мақсадида баъзи тажрибали боғбонлар кесиб олинган қаламчаларни боғлаб, намроқ жойда сақлаб туришади. Қолаверса, қаламча эрта саҳарда, яъни сувнинг буғланиши нисбатан паст бўлганида тайёрлангани дуруст.


Қаламча тез илдиз отиб, ривожланиб кетсин десангиз, уни пастки қисмини югон шохдан “товон” усули ёрдамида кесиб олинг.

Қаламча кесиб олинганидан кейин тўйридан-тўғри экилаверадими?

Қаламча кесиб тайёрлангани заҳоти экилгани маъқул. Агар бунинг иложи бўлмаса, уларни сув солинган идишга ёки полиэтилен халтага жойлаб, сояроқ жойда сақлаб туриш мумкин. Полиэтилен халта музлатгичга жойлаб қўйилса ундан ҳам яхши. Бу сув сарфиётини янада камайтириш имконини яратади.

Қаламчанинг чириб қолмаслиги учун нима қилиш керак?

Агар қаламчанинг узунлиги 10 см.дан зиёд бўлса, у ҳолда уни ойна сиртига қўйиб, барг ёки куртак жойлашган ту-



1. Яхши илдиз отиш хусусиятига эга шохларнинг ўсиб чиқиши учун ўсимлик қиш фаслида калта қилиб қирқилади



2. Гултувакка қаламча учун мўлжалланган аралашма солинади. Унинг юзаси идиш чеккасидан 1 см. пастроқ бўлиши керак.



3. Баҳорда тез ўсаётган шохнинг юқори қисми (учи) қирқиб ташланади.

Қаламча олиш усуллари

гуннинг тагидан (тахминан 3мм. пастроқдан) кесиб ташланади. Қаламчадаги барглarning учдан икки қисми олиб ташланиши лозим. Қолган барглardaги озиқа моддалари қаламчанинг илдиз олиши учун етиб ортади. Ва ниҳоят, қаламчанинг таг қисмига кукунсимон фунгицид билан ишлов берилиши ҳам унинг чириб қолишига йўл қўймайди. Бу муолажа ҳар ҳафта узлуксиз амалга оширилиши лозим.

Айрим боғбонлар қаламчани ундириб олиш учун туман ҳосил қиладиган қурилмадан фойдаланишади. Унинг афзаллиги нимада?

Ҳап шундаки, очиқ майдонда қаламчанинг тез илдиз олиб, ривожланиб ке-

тиши учун ҳарорат, намлик даражасини зарур меъёрга сақлаб туриш имконияти йўқ. Шу боис, баъзи боғбонлар ҳеч бўлмаганда, полиэтилен билан қопланган “қўлбола” ускуналардан фойдаланишади. Бироқ қаламчаларни ҳатто иссиқхонада экиш билан ҳам ижобий натижага эришмаслик мумкин. Зеро, қаламчанинг яхши ривожланиши учун унинг юқори қисмидаги ҳарорат пастроқ бўлиши керак. Иссиқхонада эса ҳарорат анча баланд бўлгани сабабли қаламчанинг илдиз олишига сарф этилиши лозим бўлган озиқа моддалар унинг тепа қисмининг ўсишига сарфланади. Бу вазиятдан чиқиш учун баъзи боғбонлар иссиқхона устини ёпи-



4. Қаламчани полиэтилен халта ёки сувли идишга солиб, сояроқ жойда сақланади.



5. Қаламча 10 см.дан узунроқ бўлса, туғуннинг пастроғидан (3 см) кесилади. Агарда қалам-



ча “товон” усули билан олинган бўлса, товоннинг бир қисми олиб ташланади.

Ўсимлик кўпайтириш технологияси

шади. Фотосинтез жараёнининг секинлашуви озиқа моддалари миқдорининг кескин камайиши ва илдиз шаклланишининг сусайишига олиб келади. Туман ҳосил қиладиган қурилманинг афзаллиги ҳам шундаки, у қаламчанинг илдиз олиши ва тез ривожланиши учун зарур шарт-шароит, хусусан ҳарорат ҳамда намликнинг меъёрий даражасини сақлаш имкониятини яратади.

Маълумки, илдизлашув жараёнининг жадаллиги аралашмадаги ҳароратга бевосита боғлиқдир. Айни шу қурилмада қаламча илдиз олиши ва ривожланиши учун зарур 21-24°C ҳароратни сақлаб туриш имконияти мавжуд.

Унинг асосий афзаллиги ана шунда.

Қаламча томирлаб, ривожлана бошлаганидан кейин албатта чиниқтирилиши лозим. Бунинг учун қаламча вақти-вақти билан очиқ ҳавога олиб чиқилади ва чиниқтириш вақти аста-секин узайтириб борилади. Ташқи муҳитга мослашган, чиниққан қаламчаларни энди алоҳида-алоҳида тарзда экиш ва парвариш этиш мумкин.



Яшил қаламча олиш усули билан турли-туман ўсимликларни, жумладан, мевали ва манзарали ўсимликлар, узум навларини, атиргул, хризантема сингари гулларни бемалол ўстириш мумкин. Шунингдек, юқорида баён этилган усулларни



6. Қаламчанинг пастки барглари олиб ташланади, кесилган жойига эса кукунсимон фунгицид билан ишлов берилади.



7. Идишдаги аралашмада қозиқча ёрдамида қилинган чуқурчага қаламча баргига қадар экилади.



8. Ўсимлик тегишли ёрлиқ билан белгиланади. Аралашмага сув қўйиб, идиш ёруғ хонада сақланади.

Қаламча олиш усуллари

яримқотган ва бутунлай қотган қаламчалардан ўсимлик кўпайтиришда ҳам қўллansa бўлади.

Боғдорчилик амалиётида “барг қаламчаси” иборасига дуч келиш мумкин. Оддий баргдан бутун бир ўсимликни кўпайтириш мумкинми?

Ҳа, айрим хонаки ўсимликларда (бегония, толстянка, геснерий ва ҳ.к.) ана шундай ғаройиб хусусият мавжуд. Бу ҳол ўсимлик баргларида кечадиган мураккаб биофизиологик ҳамда кимёвий жараёнлар билан боғлиқ экани аниқланган. Вегетация жараёнида ўсимлик баргининг

айрим жойларидаги тўқиманинг бирикиши туфайли унда янги ўсимлик шаклланишига шароит яратилади. Бундай ўзига хос “барг қаламчаси”ни тўлиқ шаклланиб бўлган барглардангина олиш мумкин. Бундай хусусиятга эга ўсимликлар асосан иссиқхона ёки уй шароитида ўстирилгани боис, қишин-ёзин улардан “барг қаламча” олиш мумкин. Аммо бу усулдан фойдаланаётган боғбон қўллаётган асбоб-анжом, тупроқ аралашмаси ҳамда баргнинг озодалигига (касалланмаганига) ишонч ҳосил қилиш керак.

Идиш ҳажми барг қаламчасининг миқдорига қараб танланади. Унга тенг миқдорда торф ва йирик донали қум солиб



9. Ҳар ҳафта қаламчаларга фунгицид эритмаси секиб турилади.



10. Илдиз отган қаламчалар секин-аста чиниқтириб борилади.



11. Энди ҳар бир қаламчани махсус тайёрланган аралашмага алоҳида алоҳида экиш мумкин.

Ўсимлик кўпайтириш технологияси

тўлдирилади. Аралашманинг юзаси идиш четидан 1 см. пастрокда бўлиши лозим. Барг ўткир пичоқ ёки олмос пакки ёрдамида қаламчаси билан авайлаб қирқиб олинади. Қаламчанинг узунлиги 5 см.дан зиёд бўлса, ортиқчаси кесиб ташланади. Барг қаламчалари идишдаги чуқурчаларга расмда кўрсатилган тартибда экилади. Шундан сўнг уларга пуркагич ёрдамида фунгицид эритмасини сепиб, тегишли ёрлик билан белгилаб қўйилади.


Қаламчалар қуриб қолмаслиги учун идишдаги намлик юқори даражада сақлаб турилиш лозим. Ёруғлик миқдорининг меъёрида бўлишининг ҳам аҳамияти катта. Зеро, ёруғликнинг кўпайиб кетиши барг-

нинг қовжираб кетишига сабаб бўлса, унинг камайиши — ўсимлик ривожини учун зарур озиқа моддаларининг ҳосил бўлиш жараёнини сусайтириши мумкин.

Беш-олти ҳафтадан кейин ҳосил бўлган ёш ўсимликни барг қаламчасидан ажратиб, алоҳида идишга кўчириш мумкин. Ўсимликни кўчириб ўтказишдан олдин унга бир оз суюқ ўғит солиниши ҳам фойдадан холи эмас.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўсимлик кўпайтиришда барг қаламчасидан ташқари баргнинг ёнбош ёки ўрта пайчалари, квадрат-қаламча усулидан ҳам самарали фойдаланиш мумкин.


Баргқаламча



1. Идишга тенг миқдорда эланган торф ҳамда йирик донали қум солинади.




2. Тулиқ шаклланиб бўлган, касалланмаган барг кесиб олинади.




3. Ўткир пичоқ ёрдамида баргдан 5 см. қуйироқдаги қаламчаси қирқиб ташланади.


Баргқаламча олиш усуллари




4. Қаламча идишидаги чуқурчага экилади.




5. Қаламча атрофидаги ара-лашма зичланади. Қолган қаламчалар ҳам шу тарзда экиб чиқилади.



6. Идишга тегишли ёрлиқ ўрнатиб, ўсимликка майда тешикли пуркагич ёрдамида сув-да эритилган фунгицид се-пилади.



7. Қаламча экилган идишни та-гидан иситиладиган камера ус-тига қўйиб, сояроқ жойга ўр-на-тилади.



8. Қаламчалардан янги ниҳол ривожлана бошлаши билан ара-лашмага суюқ ўғит солинади.



9. Янги ниҳол яхши ривожланиб кетганидан кейин, уни алоҳида идишга олиб ўтказилади ва ўсим-лик чиниқтирилади.

Ўсимлик кўпайтириш технологияси

Нима учун бир ўсимлик иккинчисига пайванд қилинади?

Пайванд қилиш деганда, махсус усуллар ёрдамида бир ўсимликнинг новдаси ёки куртагини бошқа ўсимликка улаш йўли билан янги бир ўсимлик ўстириш тушунилади. Кўпайтирилиши лозим бўлган ўсимлик пояси (шоҳ, қаламча, куртак) **пайвандуст**, пайванднинг асоси эса **пайвандтаг** деб юритилади. Уларнинг бир-бирига нисбатан жойлашувига қараб, пайванд ўсимликнинг тепа қисмида ёки ёнбошида амалга оширилиши мумкин.


Хўш, бир ўсимлик иккинчисига пайванд қилинганда қандай мақсад кўзланаяди? Пайванднинг асосий афзаллиги шундан иборатки, ўсимлик кўпайтиришнинг бу усули икки ўсимликка хос бўлган ижо-

бий хусусиятларни янгидан ҳосил бўладиган ўсимликда мужассамлаштириш имконини беради. Қолаверса, пайванд йўли билан зараркунанда ва касалликларга чидамли, турли иқлим шароитларига, масалан, ҳаддан ташқари нам, шўрланган, ишқорли ерларга мослашувчан турлитуман мевали ҳамда манзарали дарахт навларини ўстириш мумкин.


Пайванднинг яна бир муҳим афзаллиги шундаки, у пайвандтагга бир неча пайвандустни қўшпайванд қилиш имконини яратади. Пайвандга хос бу хусусиятнинг қатор ўсимликларга, хусусан меваги дарахтларга қўлланилиши айниқса яхши самара беради.

Пайванднинг айрим камчиликлари ҳам йўқ эмас. Улардан энг муҳими — пайванд қилинаётган ҳар икки ўсимликнинг


Тилчали қаламчапайванд



1. Пайванд учун мўлжалланган дарахт ёрлиқ билан белгиланади ва бир мавсум мобайнида парвариш этилади.



2. Яхши ривожланган қаттиқроқ шоҳлардан пайвандуст қаламча тайёрланади.



3. Пайвандуст қаламчаси бир туп қилиб боғланади ва ҳаво яхши айланадиган совуқроқ ерга кўмиб қўйилади.

Пайванд қилиш усуллари

бир-бирига мос ёки мос эмаслиги билан боғлиқ масаладир. Уни тўғри ҳал этиш учун пайвандтагга қандай ўсимлик навини пайванд қилиш мумкинлигини яхши билиш лозим.


Пайванд қилишда кўп ҳолларда бир хил ўсимликнинг турли навларидан фойдаланилади.

Пайванднинг сифати пайвандтаг ва пайвандуст тўқималарининг тўғри уланишига ҳам боғлиқ. Бунда ўсимлик пўстлоғи тагидаги тез ўсиш хусусиятига эга камбий қатламининг аҳамияти беқийёсдир. Пайванд сифатли чиқиши учун пайвандтаг билан пайвандуст камбий қатламларининг бир-бирига мос уланишига эришиш талаб этилади. Бундан ташқари пайвандтаг билан пайвандуст бир-бирига имкони борича тезроқ уланиши лозим.


Акс ҳолда, ўсимликнинг кесилган жойи ва тўқималарининг қуриб қолиши оқибатида пайвантаг билан пайвандустнинг уланиши қийинлашади.

Пайванднинг сифатли чиқишида тўқималарнинг ривожланиши ҳамда уланган жойнинг битиб кетиши учун зарур шартшароит яратилиши зарур. Биринчи галда сув сарфиётини камайтириш ва пайванд қилинган жойда зарур ҳароратни сақлаб туриш чора-тадбирлари қўрилиши лозим. Бунинг учун пайванд жойи эни 1—1,5 см.лик полиэтилен тасма билан ўраб ташланади.


Пайванднинг яхши тутиб кетишига пайвандтагга ўсиб чиқадиган шоҳчалар ҳам тўсқинлик қилиши мумкинлигини назарда тутиб, улар пайдо бўлиши билан кесиб ташланиши керак.



4. Куртак пайдо бўлмасидан пайвандтаг қуйи қисмидаги (30-40 см. узунликдаги) ёнбош шоҳларнинг барчаси ўткир пичоқ ёрдами қирқиб ташланади.



5. Пайвандтаг уландиган жойидан тўғри бурчак шаклида қирқилади. Сўнг унинг тепа қисми тахминан 4 см. узунликда қиялама тарзда кесилади.



6. Пайвандуст қаламчалар ердан қазиб олинади. Унинг тахминан тўртинчи куртагининг устидан қиялатиб кесилади.

Пайванд йилнинг қайси фаслида қилингани маъқул?

Назарий жиҳатдан қараганда, пайванд йил давомида қилиниши мумкин. Аммо, боғдорчилик амалиётида пайванд учун энг қулай вақт — баҳор фасли ҳисобланади. Лекин, куртаклайванд ёзнинг ўрталарида, пайвандтаг пўстлоғи яхши ажраладиган вақтда бажарилгани маъқул.

“Тилча”ли пайванд усули билан қандай ўсимликларни пайванд қилиш мумкин?


Бу усул ёрдамида турли ўсимликларни пайванд қилиш мумкин бўлса-да, у мевали дарахтларга қўлланилганда айниқса яхши самара беради.

Пайванд қилишдан олдин керакли пайвандтаг танланиб, бир йил мобайни-


да парвариш этилади. Қишнинг ўрталарида ўтган йилги ўсимлик шоҳларидан пайвандуст-қаламча тайёрланади. Улар даста-даста қилиб боғланади ва яхши ҳаво айланадиган ерга 15 см. чуқурликда кўмилади. Эрта баҳорда, дарахтлар ширага тўлаётган, куртак очаётган паллада пайвандтаг тайёрлашга киришилади; унинг барча ёнбош шоҳлари кесилиб, битта яхши ривожланган, соғлом новдаси қолдирилади. Энди унга қаламчани пайванд қилиш мумкин.

Пайванд дарахтнинг қайси қисмида, аниқроғи қандай баландликда бўлиши лозим?


Мевали ўсимликларда (айниқса, олма дарахтига) пайванд ердан 20–25 см. баландликда қилингани маъқул. Бу билан пай-



7. Кесиш бурчаги пайвандтагники билан бир хил бўлиши керак.



8. Пайвандтаг кесмасининг ўртасидан 1–1,5 см. узунликда настга қараб кесилади.



9. Пайвандустда ҳам худди шундай кесма олинади.

Пайванд қилиш усуллари


вандни илдиз зараркунандаларидан ҳимоя этиш мумкин. Манзарали ўсимликларда эса, аксинча, пайванд ерга имкони борица яқинроқ бўлиши лозим.

Шундай қилиб ишга киришишдан олдин, гулқайчи ёрдамида пайвандтаг керакли баландликда қирқилади. Сўнг унинг тепа қисми ўткир пичоқ билан 4 см.лик узунликда қиялатиб қирқилади. Ердан қазиб олинган пайвандустдан пайвандтаг диаметрига мос қаламча танланади. Унинг тепаси 4-5 куртакдан кейин қирқиб ташланади, сўнг худди пайвандтаг сингари қиялатиб қирқилади. Боя таъкидланганидек, кесиш бурчаги ҳар иккисида бир хил бўлиши шарт. Бундан ташқари, уларнинг мустаҳкам жипслашиб кетиши учун пайвандтагда ҳам, пайвандустда ҳам ўзига хос “тилча”лар ясалади. Бунинг учун қиялама кесманинг ўртасидан


1-1,5 см.лик бўйлама кесма олинади. Пайванд қилаётганда “тилча”лар бир-бирига киришиб кетиши керак. Уланган жой полиэтилен плёнка ёрдамида яхшилаб зичланмоғи, пайвандустнинг учига эса боғ муми суртиб қўйилмоғи даркор. Кўпчилик ўсимликлар, масалан, олма билан нокка шунинг ўзи етарли бўлса, айтайлик, гилос пайвандига яна қўшимча ҳимоя воситалари зарур. Жумладан, бундай вазиятда пайвантаг ҳам, пайванднинг ўзи ҳам полиэтилен қоқ билан ўралади. Пайванд жойи битиб кетганига ишонч ҳосил қилгач, қоқни олиб ташлаш мумкин.

Ёрма пайванд усули ёрдамида қандай ўсимликларни кўпайтириш мумкин?


Ёрма пайванд — оддийлиги боис боғдорчиликда кенг қўлланиладиган усуллар



10. Пайвандтаг билан пайвандуст шундай тарзда уланиши лозимки, бирининг “тилча”си иккинчисига киришиб кетсин.



11. Пайванд қилинган жой юқа плёнка билан ўралади. Пайвандустнинг учига боғ муми суртиб, тегишли ёрлиқ ўрнатади.




12. Уланган жой битиши билан плёнка олиб ташланади. Пайвандтагда ўсиб чиқадиған шоҳчалар қирқиб олинади.


Ўсимлик кўпайтириш технологияси

қаторидан ўрин олган. Ёрма пайванднинг дастлабки босқичлари, хусусан, пайвандтаг ва пайвандуст тайёрлаш жараёни бошқа усуллар билан деярли бир хил. Фарқи шундаки, ёрма пайванд қилганда йил давомида парвариш этилган пайвандтаг ердан қазиб олинади. Ўткир пичоқ ёрдамида аввало ётигига, кейин эса тахминан 3 см. бўйига (илдиз томон) қирқилади. Қиш ўртасида ерга кўмилган қаламчалардан пайвандтаг диаметрига мос пайвандуст танлаб олинади. Унинг тепа қисмидаги куртакнинг устидан — қиялама, 15 см. пастроқдан эса — ёнлама (горизонтал) кесма олинади. Қаламчанинг қуйи қисмида 4


см. узунликда пона ясалади ва пайвандтаг ёригига киритилади. Шундан кейин пайванд жойи полиэтилен плёнка билан ўраб қўйилиши, қаламчанинг учига эса боғ муми суртилиши лозим. Ниҳоят, пайванд қилинган ўсимлик тупроқ аралашмаси билан тўлдирилган қутига кўмилади ва (кўмилаётганда пайванд жой аралашманинг устида бўлиши шарт) совуқ парник, ёпиқ камера ёки иссиқхонадаги токчага жойлаштирилади. Пайванд олиши билан ўсимликнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, у гултувакка ёки очиқ ерга экилиши мумкин. Пайвандтагда ўсиб чиққан шоҳчалар кесиб ташланиши лозим.



1. Кузнинг охири, қишнинг бошида ўтган йилги ўсимликдан қаламча кесиб олинади ва ерга кўмиб қўйилади.




2. Эрта баҳорда пайвандтаг ердан қазиб олинади ва илдидаги тупроқ қоқиб ташланади. Пайвандтаг ёнламасига кесилади.




3. Кесманинг қоқ ўртасидан 3 см. чуқурликда ёрма ҳосил қилинади.


Пайванд қилиш усуллари





4. Қаламчанинг юқори қисмидаги куртак устидан қиялама, 15 см. пастроқдан ёнлама кесма олинади.



5. Қаламчанинг қуйи қисмида икки томони кесилган пона ҳосил қилинади.



6. Қаламчанинг понали учи пайвандтаг ёриқига киритилади. Қаламчанинг бир қисми ёриқдан чиқиб туриши ҳам мумкин.



8. Пайванд қилинган қаламчалар тупроқ аралашмаси билан тўлдирилган қутига солинади ва усти ёпиқ жойда сақланади.



7. Пайванд жойи полиэтилен плёнка билан ўралади, қаламчанинг учига эса боғ муми суртиб қўйилади.

9. Пайванд жойи битиб кетганидан кейин, плёнкани олиб ташлаш ва ўсимликни гултувак ёки очиқ ерга кўчириш мумкин.

Ўсимлик кўпайтириш технологияси

Ёнлама чақмоқпайванд қачон қилингани маъқул?

Чақмоқ пайванд кўп йиллардан буён асосан барг тўкадиган ва доимияшил ўсимликларни кўпайтиришда самарали қўлланиб келинмоқда.

Ёнлама чақмоқпайванд одатда қишнинг охири — баҳорнинг бошларида, яъни ўсимлик ҳали куртагламаган пайтда бажарилади. Аммо, шарбатга тўладиган ўсимликларда (уларни баъзан “йиғлаётган дарахт” деб ҳам аташади) бу тadbир бир оз эртароқ, вегетация даврининг бошланиши биланоқ амалга оширилгани маъқул. Бундан ташқари, пайвандтагининг қуритилиши ҳам пайванднинг сифатли чиқишига ёрдам беради.

Пайванд қилиш учун пайвандтаг ва пайвандуст қандай танланади?

Пайвандтаг учун бир йиллик ўсимлик танлаб олинади ва яна бир йил мобай-

нида гултувакда парвариш этилади. Аммо, ундан олдинроқ пайвандтаг вазифасини ўташи лозим бўлган ўсимлик пайвандуст билан ирсий жиҳатдан мос ёки мос эмаслигига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Пайванд қилишдан уч ҳафтача олдин пайвандтаг ўсишини жадаллаштириш мақсадида идиш иссиқроқ хонага ўтказилади. Бу даврда ўсимликка сув кам қуйилади ёки умуман қуйилмайди. Ўсимликнинг пастги барглари (тахминан 7-10 см.) олиб ташланади.


Энди пайвандуст учун мўлжалланган ўсимликнинг шу йилги ва куртаклари жароҳатланмаган шоҳчалари қирқиб олинади. Уларнинг орасидан пайвандтаг диаметрига мос шоҳча танланиб, унинг қуйи қисми бир-бирига қарама-қарши тарзда пастга қараб 4 см. узунликда қирқилади. Пайвантаг танасининг ердан 5 см. юқорироғидан бояғидай қилиб қирқилади (яъни, кесманинг бўйи 4 см.дан ошмаслиги лозим). Пайвандтагнинг тепа қис-



1. Бир йиллик новда гултувакка экилиб, яна бир йил парвариш этилади.



2. Куртаклашидан олдин пайвандтаг иссиқроқ хонада қуриштилади ва қуйи қисмидаги барглари (7-10см.) олиб ташланади.




3. Пайвандуст учун мос ўсимликни танлаб, шу йили ўсиб чиққан шоҳ-қаламчалар гулқайчи билан қирқиб олинади.

Пайванд қилиш усуллари



4. Қаламчанинг қуйи қисмида 4 см. узунликда бир-бирига қарама-қарши тарзда настга қараб қирқилади.




5. Пайвандтагнинг ёнбошидан ердан 5 см. баландликда 4 см. узунликда қирқилади




6. Пайвандтаг шоҳини бир оз эгиб, ёриққа қаламча киритиб қуйилади. Сўнг пайвандтаг асл ҳолига қайтарилади.



7. Уланган жойга полиэтилен плёнка ўраб, ўсимлик иссиқ-хонага жойлаб қўйилади.



8. Уланган жой битиб кетиши билан плёнкани олиб ташлаб, пайвандтагнинг тепа қисми қирқилади.




9. Яна икки ҳафтадан кейин пайванд устидаги шоҳнинг қолган қисмини ҳам қирқиб, унга боғ муми суртиб қўйилади.


Ўсимлик кўпайтириш технологияси

мини бир оз эккан ҳолда ҳосил бўлган ёриққа пайвандуст киритилади; сўнг пайвандтаг асл ҳолига қайтарилади. Уланган жой полиэтилен плёнка билан ўралганидан кейин, ўсимлик тегишли ёрлиқ билан белгиланади ва иссиқхонага киритиб


қўйилади. Уланган жой битиб кетиши билан плёнкани олиб ташлаш, ўсимликнинг пайванддан юқори қисмини қирқиб ташлаш мумкин. Яна икки ҳафтадан кейин пайванд устидаги шоҳнинг қолган қисми қирқилиб, унга боғ муми суртиб қўйилади.



1. Кеч куз ёки қишнинг бошларида пайвандтагнинг очиқ ерга экилади ва парвариш этилади.




2. Ёзда пайвандтагнинг қуйи қисмидаги ёнбош шоҳ ва барглари ердан бошлаб 30 см. uzunликда олиб ташланади.




3. Пайвандтаг танасида Т-симон қалқонча кесиб олинади. Кесилган жойдаги пўстлоқ бир оз ажратилади.



4. Энди қуртак қаламча тайёрлашга киришиш мумкин. Бунинг учун танлаб олинган ўсимликнинг яхши ривожланган новдалари танланади.



5. Қаламча барглари шундай тарзда кесилиши лозимки, унинг қуйи қисмидаги қуртак ва қаламча бежирим сақланиб қолсин.



6. Қуртак қаламчасини 6-7 мм. пастроғидан кесиб, у шоҳдан авайлаб ажратиб олинади.




Пайванд қилиш усуллари

**“Т-симон ёки қалқонсимон пайванд”
усули қандай ўсимликларни кўпайти-
ришда қўлланилади?**

Т-симон пайванд (у баъзан қалқонча-
ли куртакпайванд деб ҳам аталади) асо-
сан атиргулдошлар оиласига мансуб ўсим-
ликларни кўпайтиришда қўлланилади.

Аммо бу усул ёрдамида беҳи, гилос,
нок, бодом, шафтоли, олхўри, олма,
дўлана, мушмула, рябина сингари мева-
ли дарахтларни ҳам бемалол кўпайти-
риш мумкин.




Кузда ёки қишнинг бошларида пай-
вандга мос бир йиллик ўсимлик танла-
ниб, очиқ ерга экилади. Келаси йилнинг



7. Қалқонча кесиб олинаётган-
да пайванд қилинаётган куртак
жойи чуқурроқ кесилиши керак.
Акс ҳолда куртакни жароҳат-
лаб қўйиш мумкин.

8. Қалқончанинг ўзи эса ило-
жи борича юқароқ олингани
маъқул. Қалқончанинг тагида-
ги ортиқча ёғоч қатлами олиб
ташланиши лозим.

9. Куртак қалқонча пайванд-
тагнинг Т-симон қилиб кесил-
ган жойига киритилади. Қал-
қончанинг тепа қисми кесиб
ташланади.



10. Пайванд жойи полиэтилен
тасма билан ўраб қўйилади.
Аммо куртакнинг ўзи очиқ қол-
дирилиши керак.

11. Уланган жой битганидан
кейин, тасма олиб ташланади.

12. Қишнинг охири—эрта ба-
ҳорда пайвандтагнинг куртак
устигади новдаси қирқиб таш-
ланади.

Ўсимлик кўпайтириш технологияси


ёзида, дарахт пўстлогининг ажрала бошлаши пайванд вақти етиб келганидан дарах беради.

Пайвандтагнинг қуйи қисмида 30 см. баландликдаги барча шоҳ ва барглари олиб ташланади. Дарах танасида Т-симон қалқонча кесиб олинади (кесманинг бўйи куртакни жойлаштириш учун етарли бўлиши керак). Ундан кейин куртак тайёрлашга ўтиш мумкин. Бунинг учун шу йилги ўсимликдан яхши ривожланган, соғлом куртакли қаламчалар кесиб олинади. Қаламча поясидаги барглarning қуйи қисмида куртак билан кичкина қаламча қолдирилади; баргнинг қолган (юқори) қисми қирқиб ташланади. Дарвоқе, куртак қаламчалар ўсимлик шохининг ўртароқ қисмидан олингани дуруст. Чунки унинг тепа қисмидаги кур-

таклар унчалик етилмаган, қуйи қисмидаги эса — ҳали умуман уйғонмаган бўлиши мумкин.

Т-симон қалқонча куртакнинг тахминан 6-7 мм. пастроғидан юқорига қараб кесилади. Қаламча куртакдан кейин ўсимлик пўстлогининг думчаси билан кесиб олиниши лозим. Қалқонча кесиб олинганда куртак жароҳатланмалиги керак.

Сўнг қалқонча пайванднинг Т-симон кесилган жойига авайлаб жойлаштирилади. Куртак очиқ қолдирилгани ҳолда уланган жой полиэтилен тасма билан ўраб қўйилади. Пайванд жойи битиб кетиши билан (3-4 ҳафта мобайнида) тасма олиб ташланади. Қишнинг охири — эрта баҳорда куртак устидаги пайвандтаг новдаси қирқиб ташланади. Бу куртакнинг жадал ривожланишига ёрдам беради.



1. Кеч кузда поясининг қалинлиги 5-8 см.лик пайвандтаг кўчати очик ерга экилади. Кўчат таги бир оз юмшатилади ва тегишли ёрлик ўрнатади.



2. Ёзнинг иккинчи ярмида илдиэбўйин тупроқдан тозаланади. Сўнг унда Т-симон кесма олинади ва пўстлоқ икки томонга бир оз ажратилади.



3. Куртак олишга мос ўсимлик танланади ва унинг яқиндагина гуллаб бўлган новдаси қирқиб олинади ҳамда ундаги барглари олиб ташланади.


Пайванд қилиш усуллари

Атиргулни қандай пайвандтакка улаш мумкин?


Аксарият ҳаваскор боғбонлар атиргулни нимагадир наъматакка пайванд қилишни маъқул кўришади. Аслида бу ўсимлик пайвандга унчалик мос эмас. Чунки наъматак, биринчидан, тез ривожланиб, шоҳ-

чалаб кетади; иккинчидан, унинг шоҳларида игна ҳаддан ташқари кўп бўлади. Бу омиллар пайванд қилинган куртакнинг ўсишига тўсқинлик қилади.

Шу боис, атиргул пайванд қилганда пайвандтаг сифатида атиргулдошлар оиласига мансуб танаси юмшоқ атиргул навидан фойдаланилган маъқул.




4. Новда куртакнинг тагидан пастдан юқорига қараб кесилади ва ҳосил бўлган пайвандуст ажратиб олинади.




5. Пайвандуст пайвандтагдagi T-симон ёриққа думчасини тепага қаратиб киритилади.



6. Пайвандтагнинг ёриқдан чиқиб турган учи кесиб ташланади.



7. Пайванд қилинган жой изо-лента билан ўраб қўйилади ва тегишли ёрлиқ ўрнатилади.



8. Қишнинг охирида пайвандтагнинг юқори қисми шундоққина куртак устидан қирқилади.



9. Келаси йили ҳосил бўлган янги гул тупи қазиб олинади ва бошқа жойга экилади.

Ўсимликка шакл бериш усуллари

Ўсимликни кесиш ва унга шакл беришга қадимдан катта эътибор бериб келинади. Чунки у ўсимликнинг ўсиши ва мева солишини таъмин этувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Унинг аҳамияти шу қадар каттаки, тўғри шакл бериш билан ўсимликнинг яхши ривожланиши ва эрта мева солишига ҳам эришиш мумкин, ўсимлик табиатига зид бўлган аралашув билан уни узоқ йиллар гулламайдиган, мева тугмайдиган дарахтга айлантириш ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шундай экан, дарахтни қирқиш ҳамда унга шакл бериш қонун-қоидалари, бу тадбирни амалга ошириш вақти ва муддатлари хусусида алоҳида тўхталиш лозим.

Ўсимликка шакл беришнинг асосий вазифа ва тамойиллари нималардан иборат?

Ўсимликнинг турига қараб унга шакл беришнинг асосий мақсади ҳар хил бўлиши мумкин. Манзарали ўсимликда асосий эътибор унинг ташқи кўриниши, чиройига қаратилса, мевали дарахтнинг маҳсулдорлиги ҳаммасидан муҳимроқ. Аммо бу мевали дарахтнинг ташқи кўриниши, шаклининг аҳамияти йўқ дегани эмас. Бинобарин, деҳқон унинг гуллаш жараёнига ҳам, маҳсулдорлигига ҳам, ташқи кўринишига ҳам жиддий эътибор қаратиши даркор.

Ўсимликка ҳар йили шакл бериш шартми?

Айрим дарахт ва буталарни дастлабки шакл берилганидан кейин ҳар йили кесиш шарт эмас; вақти-вақти билан уларнинг сўлиган гуллари, яхши ривожланмаган ҳамда бир-бирига тутшиб кетган шоҳлари кесиб ташланади, холос. Жонли девор сифатида хизмат қиладиган ўсимликларга келсак, улар дастлабки шакл берилишидан ташқари йил мобайнида парвариш этишни талаб этади.

Ҳар қандай ўсимликка шакл беришдан олдин унинг ўсиши ва гуллашига таълуқли хусусиятларини яхши билиш лозим. Аксарият ёғочсимон дарахтлардаги ҳар бир шоҳ учидега тепа куртаги, поянинг қуйироғида эса ёнбош ёки қўйин куртаклари бўлади. Улар турлича жойлашган (кетма-кет, спиральсимон, бир-бирига қарама-қарши ёки ҳалқасимон) бўлиши мумкин. Шуниси муҳимки, ана шу куртакларнинг жойлашуви бўлғуси шоҳларнинг шаклланиш ўрнини белгилайди. Демак, янги шоҳнинг керакли йўналишда ўсишини таъмин этиш учун ўсимлик шоҳининг қайси куртагигача кесиш мумкин эканини аниқ билиш керак. Масалан, дарахтнинг тепа қисмида жойлашган куртаклар ёнбош шоҳларнинг ўсишини секинлаштирувчи кимёвий модда ишлаб чиқариш хусусиятига эга. Шу боис, тепа куртакларнинг олиб ташланиши дарахтнинг қуйи қисми ва ён бошидаги шоҳларнинг тез ўсишига имкон беради.

Маълумки, атиргулдошлар оиласига мансуб ўсимликларда шакл бериш жараёни табиий равишда рўй беради. Уларга тағин сунъий шакл беришнинг ҳолати борми?

Дарҳақиқат, бундай ўсимликнинг тағ қисмидан ҳар йили янги кучли нодалар ўсиб чиқиши сабабли илгариги эски шоҳ-шаббалари аста-секин қурий бошлайди, яъни табиий шакл бериш жараёни рўй беради. Аммо, бу жараён узоқ вақтга чўзилиб кетиши мумкин. Атиргулдошлар оиласига мансуб ўсимликларга шакл беришдан мақсад — ана шу табиий жараённи тезлаштиришдан иборатдир. Зеро, эски, қуриб қолган шоҳларнинг кесилиши янги, соғлом новдаларнинг ўсиб чиқишига ҳамда ўсимликнинг яхши гуллашига имкон яратилади.

Аслида, дарахт кесиш жараёни у қадар мураккаб бўлмаса-да, аммо атиргулдошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг


Атиргулдошлар

бўйи ҳар хил бўлиши (улар 0,3 метрдан 10-12 метргача бўлиши мумкин) сабаб-ли, уларнинг яхши ривожланиши ва гул-лаши учун турли-туман кесиш усуллари-дан фойдаланишни тақозо этади.


Атиргулга шакл беришда қандай қоида-ларга амал қилиш керак?

Боғдорчиликда атиргулларнинг кўплаб тур ва навларининг ўстирилишига қара-май, уларга шакл беришда бир қатор умумий қоидаларга амал қилиш даркор.

Биринчидан, қўлланилаётган асбоб-ускуна, жумладан, гулқайчи ва пичоқ ўткирланган бўлиши лозим. Акс ҳолда ўтмас асбоб ёрдамида кесилган жой ғадир-будир бўлиши оқибатида шоҳ қуриб қолиши мумкин (а). Кесма куртақдан 0,5 см. баландроқ ва бир оз қиялатиб олини-ши шарт. Чунки кесманинг юқорироқ олиниши (в), тўнкачанинг қуриб қоли-



шига, пастроқ олиниши эса (г) куртақ-нинг жароҳатланишига ёки инфекция кириб қолишига сабаб бўлади. Бунда ҳатто кесма нишабини тўғри олиш ҳам қатта аҳамият касб этади. Зеро, унинг нотўғри олиниши куртақдаги намлик миқдорининг



ошиб кетиши ва чиришига олиб келади.

Иккинчидан, ўсимликка шакл бера-ётганда ҳар гал шоҳ ёки новданинг со-ғлом тўқимасигача кесишни унутмаслик лозим. Агарда кесилган жойда новданинг ўзаги қорамтир бўлса, у оқимтир ўзаги-гача кесилади.

Учинчидан, ўсимлик танасининг мар-казий қисмига ёруғликнинг етарли дара-жада тушиб туриши учун новданинг та-шқи, қарама-қарши томонидан жойлаш-ган куртақдан кесилади.

Тўртинчидан, бақувват ўсимлик кесил-ганидан кейин, унинг биргина куртаги-дан икки-учта шоҳ ўса бошлаши мумкин.



Бунга йўл қўймаслик учун ўша заҳоти битта новда қолдириб, қолганларини ке-сиб ташлаш лозим.

Бешинчидан, ўсимликнинг барча қури-ган, касалланган ва нимжон новдалари тагидан кесиб ташланиши шарт (а). Икки новда чирмашиб кетган бўлса, чирмаш-ган нуқтасининг тагидан (б) қирқилади.

Олтинчидан, ўсимлик танасининг ҳаво олиши ва баргларига етарли ёруғлик ту-шиши учун новдалар ўртасида маълум масофа сақланиши лозим. Бу ҳавонинг

Ўсимликка шакл бериш усуллари

туриб қолиши оқибатида пайдо бўлади-
ган қорамтир доғ, оққиров, занг синга-
ри касалликларнинг пайдо бўлишига йўл
қўймайди.

Етгинчидан, касаллик тарқалиб кетмас-
лиги учун, ўсимликнинг кесиб ташланган
шоҳ-шаббаси ёқиб юборилиши керак.

Атиргулдошлар йилнинг қайси фаслида кесилгани маъқул?

Атиргулдошлар оиласига мансуб
ўсимликларни парвариш этишнинг талай
ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Жумладан,
аксарият ўсимликлар йил давомида фа-
қат бир марта кесилса, атиргулдошларга
йилнинг ҳар бир фаслида шакл бериб
борилади.

Қиш фаслида кесиш усули. Бу даврда
ўсимлик февралнинг ўрталаридан март
ойининг ўртасигача кесилади. Бу ишни
ҳаддан ташқари эрта бажариш (масалан,
декабрдан январгача) эндигона ўсиб чиқ-
қан шоҳларнинг совуқ урушига олиб ке-
лиши мумкин. Уни кечроқ кесишнинг
(апрель) ҳам фойдаси йўқ. Яхшиси, бу-
тадбирни энг бақувват шоҳ оралиғидаги
куртакларнинг бўрта бошлаши билана-
малга оширган маъқул.

Ўсимликни кесгандан кейин, янги
новдаларнинг шаклланишига шароит яра-
тиш мақсадида, унинг тагига чириган гўнг
ёки компост солишни унутмаслик лозим.

Агар ёш новдаларни совуқ урган
бўлса, ўсимликнинг асосий шоҳлари ҳам
бўртмаган куртакларгача қирқиб ташла-
ниши керак.


**Ўсимликни ёз фаслида кесишнинг ху-
сусиятлари.** Ёз фаслида асосан гул ва туп
гулларни олиб ташлаш билан чегарала-
нади ва жараён ўсимликнинг гуллаш дав-
рининг охиригача давом этади.

Аксарият атиргул уруғларининг кера-
гидан ортиқча кўпайиши ҳамда гулбарги-
нинг чириши оқибатида пайдо бўлиши
мумкин бўлган касалликни олдини олиш

Дурагай атиргул



*Тўғри кесиш: ўсимлик тупгули ундан настрок
куртакдан кесиб ташланади.*



*Нотўғри кесиш: тупгул настрокдан кесилгани
сабабли ўсимлик ривожланиши секинлашади.*

Атиргулдошлар

Флорибунд гуруҳига мансуб атиргул



Тўғри кесиш: ўсимлик биринчи новда ёки ташқарига томон ривожланаётган куртакдан кесилган.



Нотўғри кесиш: нимжон шоҳлар қолдирилгани ҳолда тупғулнинг айрим гулларигина қирқилган.

мақсадида ўсимликнинг сўлиган гуллари дарҳол олиб ташланиши лозим.

Куз фаслида (ноябрь ойида) кучли шамол эсиши натижасида атиргул пояси-га жиддий зарар етиши мумкинлигини эътиборга олиб, унинг энг узун шоҳлари 15-30 см.га қисқартирилгани маъқул.

Дурагай ва ремонтант атиргуллари қачон кесилгани маъқул?

Атиргулнинг бу турлари февралнинг ўрталаридан март ойининг ўрталаригача кесилади. Яхши ривожланган, бақувват (пояси 1,2 — 1,8 м.га етадиган) атиргулнинг учларигина қирқилиши керак. Чунки узунроқ қилиб кесилганида ундан югон ва кўпинча гулламайдиган новдалар ҳосил бўлади. Атиргулнинг ерга қадаб ёнлама ўстириладиган турлари бошқача усулда кесилади (бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтамиз).

Одатда атиргулнинг бу навларининг кузда кўчатхонадан келтирилганида уч-тўртта бақувват шоҳлари бўлади. Ўсимликнинг узун, югон ва жароҳатланган илдизлари ҳамда учигаги шоҳлари калта қилиб кесилади. Февраль ойининг охири — мартнинг ўрталарида ҳар бир шоҳда 3-4 та куртак қолдириб, қолган қисми олиб ташланади. Бу тadbир илдиз ости пояларининг ривожланишига имкон беради.

Иккинчи йилдан бошлаб ўсимлик бир метрда қирқиб борилади. Бу даврда унинг энг бақувват, югон шоҳларининг ердан 20 см., нисбатан кичикроқ шоҳларининг эса 15 см. юқориқ қисми кесилади. Атиргул қаригани сари, унинг 2-3 шоҳлари тўлиқ олиб ташланади.

Нима учун баъзи боғбонлар атиргулларнинг айрим турларини ёнламасига ўстиришни афзал кўришади?

Дарҳақиқат, атиргулларнинг айрим турлари, масалан Чайнатаун ёки Анкл


Ўсимликка шакл бериш усуллари

Уортер навларининг тепа қисмида 1,5 — 1,8 м.гача ўсадиган бақувват шоҳларини ёнламасига ўстириш амалиёти мавжуд. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ўсимликнинг ривожланиши билан бирга унинг ташқи кўриниши ҳам одамга эстетик завқ бағишлайди. Ўсимликнинг парваришига келсак, биринчи йили у бошқа атиргуллар сингари парвариш этилади. Кейинги йилларда бу атиргулларни парвариш этишда бир қанча хусусиятлар кўзга ташланади. Хусусан, атиргулнинг илк гуллаш мавсумининг охирида унинг яхши ривожланган илдиз ости шоҳлари ярим айлана темир тутқич ёрдамида ерга қадаб қўйилади. Сўнг эски, касалланган ёки қуриб қолган шоҳлари олиб ташланмоғи лозим. Қолган ёнлама ўсаётган шоҳларнинг 2-3 тагача куртаклари кесиб ташланса, бу ерга қадаб қўйилган новдаларнинг жадал ривожланиши ва яхши гуллашига имкон беради.

Учинчи ва ундан кейинги йилларда ўсимлик касалланмаган ва заифлашиб кетмаган бўлса, унинг ерга қадаб қўйилган барча эски шоҳлари олиб ташланмоғи даркор.


Флорибунд атиргулининг бошқа нав атиргулларида фарқи нимада?

Флорибунд атиргуллари бошқа навлардан шоҳларининг бақувватлиги, кичик гулларида йирик гултуплар ҳосил этиши ва ҳатто парвариш усуллари билан ҳам фарқланади. Бу атиргул навининг яхши гуллашига эришиш ҳам осон эмас. Шу боис уни қирқиш, хусусан, шакл беришга алоҳида эътибор талаб этилади. Атиргулни ҳаддан ташқари қийратиб ташланиши бир неча йилга заифлашиб кетишига олиб келса, учларининг қирқилиши заиф, ингичка пояли йирик тулпарни шакллантиради. Бинобарин, уларга шакл беришда маълум меъёрга амал қилиш лозим.



1. Кўзда кўчатхонадан келтирилган атиргулнинг асосий шоҳлари ҳамда узун, югон ёки жасроҳатланган илдизлари кесиб ташланади.


Иккинчи ва ундан кейинги йиллар




4. Февралнинг ўртаси—март ойининг охирида касалланган, нимжон ҳамда бир-бирига чирмашиб кетган шоҳлар кесиб ташланади.

Атиргулдошлар. Дурагай атиргул


Биринчи йил




2. Февралнинг ўрталаридан март ойининг охиригача ҳар бир шоҳда 2-3 куртак қолдириб кесилади. Июнь-июль ойларида улардан янги новдалар ўсиб чиқади.



3. Вегетация даврининг бошларида (сентябрь-октябрь) гуллаган шоҳларнинг учи, гулламаганлари эса тагидан кесиб ташланади.



5. Айни шу даврда бақувват шоҳларда 4-6 та, ёнбош шоҳларда 2-4 тадан куртак қолдириб (ердан 20 см. баландликда) қолгани кесиб ташланади.




6. Вегетация даврининг охирида гуллайдиган шоҳларнинг тепа қисми, гулламайдиган шоҳлар эса тагидан қирқилади.

Ўсимликка шакл бериш усуллари

Бу атиргул нави узунроқ кесилиши керакми ёки калтароқ?


Кўпгина қўлланмаларда флорибунд атиргулларини, айниқса, шамол эсади-ган жойларда 6-8 куртагигача қисқартириш тафсия этилади. Аммо бу билан унинг бутун ёз мобайнида гуллашини таъминлаш мушкул. Бизнингча, ҳар икки шакл бериш усулидан ўз ўрнида фойдаланиш (масалан, эрта гуллаши учун айрим шоҳларни калтароқ қилиб кесиш, илдиз ости пояларининг шаклланиши ҳамда кечроқ гуллаши учун — бошқа шоҳларни узунроқ қилиб кесиш) кўпроқ самара бериши мумкин. Бошқача қилиб айтсак, ҳар икки усул уйғун ҳолда қўлланилса, атиргулнинг бутун мавсум давомида гуллашига эришиш мумкин.

Биринчи йил




1. Ўсимликнинг илк вегетация мавсумининг охирида (октябрь) барча гуллаётган шоҳлари олиб ташланади ва шу йилги илдиз ости новдалари қолдирилади.

Иккинчи йили




4. Июль ойида ўсимликнинг ерга қадалган шоҳлари гулга киради ва тупнинг ўртасидан бақувват, гулламайдиган шоҳлар ривожлана бошлайди.




5. Сентябрь-октябрь ойларида ўсимлик гулдан қайтганидан кейин ерга қадалган эски шоҳларининг ярми олиб ташланади ва тупнинг ўртасидан ўсиб

Атиргулдошлар. Флорибунд атиргули




2. Айни шу даврда ўсимликнинг бақувват шоҳлари бир оз қисқартирилиб, унинг гуллари ва заифроқ ёнлама шоҳлари олиб ташланади.



3. Энди ўсимликнинг яхши ривожланган шоҳларини ерга эгиб, тутқич ёрдамида қадаб қўйилади ва ёнлама шоҳлари 2-3 куртакгача қисқартирилади..



чиққан янги шоҳлар ерга қадаб қўйилади. Заиф,ноқулай жойлашган шоҳлар олиб ташланади, ёнлама шоҳлар эса 2-3 куртагигача қисқартирилади.



6. Сентябрь-октябрь ойларида ўсимлик гуллаб бўлганидан кейин ерга қадалган поялар кесиб ташланиши ва новданинг ўрнига ўсимлик тупининг ўртасидан

ўсиб чиққан янги, бақувват шоҳлар ерга қадаб қўйилиши лозим. Бундан ташқари, барча заиф ва ёнлама шоҳчалар 2-3 куртагигача қисқартирилиши керак.

Ўсимликка шакл бериш усуллари

Флорибунд атиргулларига йилнинг қайси фаслида шакл бериш лозим?

Одатда атиргулнинг бу нави ҳар йили февралнинг ўрталаридан март ойининг ўрталаригача шакл берилади. Албатта, муайян ҳудуддаги иқлим ва об-ҳаво шароитига қараб кесиш муддати у ёки бу томонга ўзгартирилиши ҳам мумкин.

Флорибунд атиргулларини биринчи йили ва ундан кейин қандай парвариш этш лозим?

Эндигина иссиқхонадан келтирилган ўсимликнинг 3-5 та бақувват поялари ҳамда бир нечта нисбатан заиф ингичка ёнлама ўсган шоҳлари бўлади. **Биринчи**

йили февраль-март ойларининг ўрталарида унинг бақувват, яхши ривожланган поялари 3-5 куртагигача қисқартирилиши (ўсимликнинг ердан 15-22 см. баландликдаги шоҳлари қолдирилса бас), заиф ўсган шоҳлари эса тўлиқ қирқиб ташланиши лозим.

Иккинчи йили февраль-март ойлари оралиғида ўсимликнинг бир йиллик илдизоти новдалари тахминан учдан бирига, қолган ёнлама ўсган шоҳлари 2-3 куртагигача қисқартирилиши шарт. Бундан ташқари, туп марказини бир оз кенгайтириш учун эски поялардаги ўсимта шоҳлар бутунлай ёки ҳеч бўлмаганда 3-5 куртагигача қисқартирилиши керак.

Учинчи ва ундан кейинги йилларда ҳам ўсимликка шакл бериш тадбири февраль-



1. Ўтган йилги туп асосий шоҳларининг учи бир оз қисқартирилади. Ерга экишдан олдин унинг юғон, узун ва жароҳатланган илдизлари қирқиб ташланади.

2. Февраль-март ойларининг оралиғида ўсимлик шоҳлари 3-5 куртагигача қисқартирилиб, заиф шоҳчалари олиб ташланади. Апрель-май ойида ундан янги новдалар ҳосил бўлади.

3. Октябрь ойида ўсимликнинг ўсиб кетган шоҳларининг учи ҳамда қотиб қолмаган, гулла-майдиған новдалари қирқиб ташланади.

Атиргулдошлар. Флорибунд атиргули


март ойлари оралиғида ўтказилади. Бунда бир йиллик бақувват шоҳлар — учдан бирига, икки йиллик шоҳлар эса 3-5 курта-

гигача қисқартирилади. Агарда туп оралиғи тигиз бўлса, эски шоҳларнинг бир қисми бутунлай қирқиб ташланиши маъқул.




4. Февраль-март ойларида заиф, касалланган ҳамда бир-бирига чирмашиб кетган шоҳлари қирқилади. Бир йиллик илдизости поялар учдан бирига, эски шоҳлари—3-5 куртагигача, ёнлама новдалар—2-3 куртагигача қисқартирилади.

5. Октябрь ойида, яъни иккинчи вегетация мавсумининг охирида асосий шоҳларнинг уч қисми, қотмаган, гулламайдиган шоҳлар эса қирқиб ташланиши лозим.



6. Февраль-март ойлари оралиғида касалланган, қуриб қолган ҳамда бир-бирига чирмашиб, ўсимлик ичкарасига ўсиб кетган шоҳлар қирқиб ташланади.



7. Ўсимликнинг бир йиллик илдизости поялари учдан бирига, ёнлама ўсган шоҳлари — 2-3 куртагигача, қариган новдалари эса калтароқ қирқилади.

Ўсимликка шакл бериш усуллари

Атиргулдошлар оиласига мансуб бу ўсимлик қандай хусусиятларга эга?

Атиргулдошлар оиласига мансуб бу нав, аввало, бўйининг пастлиги (0,3-0,6 м.) билан ажралиб туради. Гулининг шакли ва гуллаш жараёни билан дурагай флорибунд атиргулларида деярли фарқ қилмайди. Унинг парвариши ҳам боя тилга олинган атиргул навлари сингари амалга оширилади. Фақат эндигина ерга экилган жажжи атиргулни ҳаддан ташқари калта қилиб қирқилишига йўл қўймаслик лозим. Акс ҳолда ўсимлик заифлашиб, охиروқибат қуриб қолиши мумкин. Баъзан жажжи атиргулларда бир нечта

Биринчи йили



1. Февраль-март ойлари оралиғида ўсимлик илдизлари бир оз қисқартирилади. Югон, бақувват шоҳлар 3-5 куртагигача қирқилади. Заиф шоҳ-шаббалар эса бутунлай олиб ташланади.

Иккинчи ва ундан кейинги йиллар



2. Июнь-июль ойларида ўсимлик тубидан бақувват новдалар шаклланиб, ингичка шоҳларида гул ҳосил бўлади. Бу даврда ўсимликнинг сўлиб қолган гул шоҳларини қирқиб, бир оз шакл берилса бас.




3. Иккинчи йилнинг февраль-март ойларида ўсимликнинг барча заиф новдалари қирқиб ташланмоғи, бақувват шоҳлари эса 3-4 куртаккача қисқартирилиши лозим.

Атиргулдошлар. Жажжи атиргул.


юғон, бақувват шоҳлар ҳосил бўлиши мумкин. Бу ҳам ўсимликнинг нормал ривожланиши, тупнинг бир меъёрада шаклланишига тўсқинлик

қилади. Шу боис, эрта баҳорда ўсимликка шакл бериш жараёнида ана шундай шоҳлар таги билан қирқиб ташлангани маъқул.

Биринчи йили




1. Февраль-март ойларида экишдан олдин ўсимлик илдизлари қирқилади. Асосий новдалар учдан бирига, заиф шоҳлар эса ҳалқа шаклида қирқилади.




2. Июнь-сентябрь ойларида шаклланган янги новдаларда гул ҳосил бўлади. Ўсимликнинг доимий гуллашини таъмин этиш учун унинг сўлиб қолган гуллари олиб ташланади.

Иккинчи йили



3. Февраль-март ойларида асосий новдалар учдан бирига, заиф, касалланган ва қуриб қолган шоҳлар эса тагидан қирқиб ташланади.



4. Февраль-март ойларида асосий новдалар учдан бирига, заиф, касалланган ва қуриб қолган шоҳлар эса тагидан қирқиб ташланади.

Ўсимликка шакл бериш усуллари

Ўрма атиргулларнинг қандай турлари мавжуд?

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ўрма атиргул яхши гуллаши, гулининг гўзаллиги ҳамда тупгулининг тигизлиги билан ажралиб туради. Боғдорчилик амалиётида ўрма атиргулнинг Дороти Паркинз, Экселза, Альбертин, Чаплинз Пинк, пирамидасимон ҳамда ҳиёбон атиргуллари ўстирилади. Биз уларни парвариш этиш, хусусан шакл беришнинг муҳим жиҳатлари хусусида тўхталамиз.

Биринчи йили ўрма атиргулнинг асосий шоҳлари 25-35 см. баландликгача қисқартирилади, заиф новдалари эса ҳалқа шаклида қилиб қирқилади. Ўсимлик аслида кейинги йили гуллай бошласа-да, бундай шакл бериш билан унинг жадал, бир текис ривожланишига шароит яратилади.

Иккинчи ва ундан кейинги йиллар. Август-сентябрь ойларида ўсимлик гулдан тўхтаган шоҳларини қирқиб, ёш илдизоти новдалари ёнламасига тортилган


симга боғлаб қўйилади. Кейинги йили айна шу новдалар гулга киради. Иложи бўлса, аксарият ёш новдаларнинг ёнламасига ривожланишига шароит туғдириш лозим. Бу билан кўплаб ёнламасига ўсган гуллайдиган шоҳларнинг шаклланишига зарур шароит туғилади. Аммо, баъзи ҳолларда атиргул тупида фақат бир неча новдаларгина пайдо бўлиши мумкин. Бундай вазиятда эски новдаларнинг энг бақувватларини қолдириб, унинг ёнлама шоҳларини (ўсимлик гуллаб бўлганидан кейин) 2-3 куртагигача қисқартирилади.

Нима учун атиргулнинг бу турининг номида “пирамида” ибораси қўшиб ишлатилади?

Атиргулнинг бошқа турларидан у тик ўсиши, шоҳларининг дағаллиги ҳамда нисбатан тор жойда ўсишга мослашувчанлиги билан фарқланади. Унга “пирамида” иборасининг қўлланилишининг боиси шунда.






3. Июнь-июль ойларида ўсимликнинг ёш новдалари ёнламасига шакллантирилиб, ишқом симга боғлаб қўйилади.





4. Август-сентябрь ойларида гуллашдан тўхтаган шоҳлардан бир-иккитасини қолдириб, қолганлари ҳалқа шаклида қирқиб ташланади. Ён-

Атиргулдошлар. Ўрма атиргул.



1. Кузда атиргулни экиш пайтида унинг шоҳлари 25-35 см.гача қисқартирилиши туфайли баҳор фаслида унинг жадал ривожланишига замин яратилади.

2. Июнь-сентябрь ойлари оралиғида ўсимлик туби ҳамда кесилган шоҳларидан ўсиб чиққан янги новдаларнинг ёнламасига ривожланишига имкон берилади.



лама шоҳлар 2-3 та куртагигача қисқартирилади. Янги новдалар боғлаб қўйилади



5. Октябрь ойида иккинчи вегетация мавсумининг охирида ўсимлик шоҳлари тўлиқ шакланган ҳолга келади.




Ўсимликка шакл бериш усуллари

Биринчи йили ўсимликни ерга экишдан олдин унинг илдизларини бир оз қисқартириб, жароҳатланган ва заиф шоҳ-шаббаларини қирқиб ташлаш лозим.

Иккинчи ва ундан кейинги йилларда пирамидасимон атигулга шакл бериш жараёни унинг сўлиб қолган тупгулларини олиб ташлаш билан чекланади. Кеч куз ёки қишнинг бошларида ўсимликнинг

бир меъёردа ривожланиши учун унинг заиф, касалланган ҳамда қуриб қолган шоҳларини қирқиб ташлаш лозим. Бундан ташқари, илдизости новдаларнинг жадал ривожланиши учун уларнинг учдан икки қисмининг қирқиб ташланиши мақсадга мувофиқдир. Шоҳлари тиғизлашиб кетган ўсимликнинг бир неча эски новдалари бутунлай қирқиб ташлангани маъқул.

Биринчи йили



1. Кузда ёки эрта баҳорда ўсимлик шоҳлари унинг ўртасидан ўсиб чиққан бақувват шоҳга боғлаб қўйилади.

2. Июнь-август ойларида ўсимликнинг ёнламасига ўсган эски шоҳлари гуллайди, унинг тубидан ва ўтган йилги новдаларидан янги шоҳлар ўсиб чиқади. Бу даврда ўсимлик шоҳларининг учи қирқилиб, енгилгина шакл берилса бас.

3. Ноябрь ойида ўсимликнинг бир текис ривожланишини таъминлаш учун унинг гулдан тўхтаган ва бир неча бақувват шоҳларини қирқиб ташлаш керак.

Атиргулдошлар. Ўрма пирамидасимон атиргул.

Кейинги вақтда атиргулнинг бу навига қизиқиш биз оз сусайишининг боиси нимада?

Баъзи атиргул навларининг (масалан, аксарият дурагай ва флорибунд атиргулларининг) танаси юғон ва узун бўлгани сабабли, улар бошқа гуллардан фарқли ўлароқ савлатли ва кўркем кўринади. Одатда бу гул нави танаси бурушган атиргул

ёки наъматакка куртак пайванд усули ёрдамида кўпайтирилади.

Дарҳақиқат, чиндан ҳам кейинги вақтда унга қизиқиш сусайиб бормоқда. Бунинг боиси шундаки, ўсимликнинг ниҳоятда тигиз ўсиши, шоҳ-шаббасининг кўплиги сабабли у доимий парваришни тақозо этади.

Бу гулга туп бўлиб ўсадиган атиргул-

Иккинчи ва ундан кейинги йиллар



4. Қишнинг бошларида атиргулнинг заиф, ксалланган ҳамда қуриб қолган шоҳлари қирқиб ташланади. Ҳосил бўлган янги новдалар боғлаб қўйилади.

5. Июнь-август ойларида ёнламасига ўсган шоҳлари гулга киради, ўсимлик тубидан эса янги новдалар ривожлана бошлайди. Бу даврда ўсимликнинг учини қирқиб, енгилгина шакл берилади.

6. Ўсимликнинг бир текис ривожланиши учун ноябрь ойида унинг гулдан тўхтаган ёнлама шоҳлари ҳамда бақувват шоҳларининг айримлари тагидан қирқиб ташланади.

Ўсимликка шакл бериш усуллари

лар сингари шакл берилади. Аммо бу жараёнда у ҳаддан ташқари калта ёки узун қилиб қирқилмаслиги лозим. Дурагай (гибрид) навларининг шоҳлари 3-5 куртагигача, флорибунд атиргулларининг бир йиллик новдаларини -6, -8, икки йиллик новдаларини эса 3-6 куртагигача кесиш тавсия этилади.


Кўп йиллик гулни ёшартириш мумкинми?

Кўп йиллик ўсимлик узоқ давр мобайнида гуллаб туриши мумкин. Аммо диққат билан кузатилса, гул шоҳларининг


қуриб қолиши ёки касалланиши оқибатида йилдан-йилга гулларининг кичрайиб кетаётгани ҳамда шаклининг бузилиб бораётганини пайқаш мумкин. Албатта, ҳар қандай қоидадан истисно бўлгани сингари, атиргулнинг умуман ҳеч қандай парваришсиз ўсиб гуллайдиган турлари ҳам мавжуд (масалан, *Rozajili pes* нави 20 йилдан зиёдроқ давр мобайнида гуллаб туриши мумкин). Лекин атиргулларнинг аксарияти яхши ўсиши ва чиройли гуллаши учун ёшартириш усулларини қўллаш талаб этилади.

Боғда безтибор ўсиб кетган ва парвариш этилмаган гул тупини кўрган боғ-

Биринчи йили



1. Февраль-март ойларида ўсимлик шоҳлари 3-6 куртагигача қисқартирилади.



2. Октябрь-ноябрь ойларида, (яъни вегетация мавсумининг охирида) асосий шоҳлар, қотмаган ва гуламайдиган шоҳ-шаббалар қирқиб ташланади.


Атиргулдошлар. Танасимон атиргул

Мажнунтолсимон атиргул


Бундай шаклдаги гул навини кўпайтириш учун танаси бужмайган атиргул ёки наъматакка ўрма атиргул пайванд қилинса, унинг чўзинчоқ ерга эгилган шоҳлари мажнунтол сингари гўзал бир шаклга эга бўлади.

Мажнунтолсимон атиргулни кўпайтиришда пайвандуст сифатида Дороти Перкинс ва Экселза навларининг қўлланилиши айниқса яхши самара беради. Август-сентябрь ойлари оралиғида икки йиллик гулдан тўхтаган бир неча бақувват шоҳларини қолдириб, қолганини ҳалқа шаклида қирқиб ташланади.


Пайвандуст сифатида Альбертин ёки Чарльз Пинк навлари олинган бўлса, у ҳолда ўсимликка шакл бериш усули юқоридагидан бир оз фарқланади. Бунда ўсимликнинг қариб қолган новдаларини қирқиб ташлаш ҳамда ёнлама ўсган шоҳларининг гуллаб бўлганидан кейин 2-3 куртагигача қисқартириш билан чекланилади. Ҳосил бўлган янги новдалар боғлаб қўйилади.



Иккинчи ва ундан кейинги йиллар



3. Февраль-март ойларида атиргулнинг совуқ урган, касалланган, заиф ҳамда бир-бирига чирмашиб кетган шоҳлари қирқиб ташланади.



4. Худди шу даврда ёш новдалар 3-5 куртагигача, қолган ёнлама шоҳлар—2-4 куртагигача қисқартирилиши лозим.


Ўсимликка шакл бериш усуллари

бон уни шу ҳолича қолдириши ёки томири билан суғуриб, ўрнига ёш ўсимликни экиши мумкин. Биз эса ўша қариб қолган гул тупини ёшартиришнинг баъзи усуллари тавсия этмоқчимиз. Гап шундаки, ер билан баробар қирқиб ташланган ўсимликнинг яшовчанлик хусусияти сақланиб қолади. Унга зарур миқдорда ўғит солиб, суғориб турилса, тез орада ўсиб, ривожланиб кетади. Бироқ бундай кесиш усулини атиргулларнинг ҳамма на-

вига қўллаб бўлмайди. Чунки ҳаддан ташқари қариб қолган ўсимликка шакл берганда ҳам ҳеч бўлмаганда унинг бир-икита асосий шоҳларини қолдириш керак.

Биринчи йили ўсимликнинг соғлом новдаларининг бемалол ривожланиши учун унинг қуриган, ингичка, касалланган ва бир-бирига чирмашиб кетган шоҳ-шаббаси қирқиб ташланади. Деярли ҳар бир пайванд қилинган ўсимлик тубидан ўсиб чиқадиған илдизости нов-

Ёшартиришнинг биринчи йили



1. Февраль-март ойларида ўсимликнинг қуриган, заиф шоҳлари ҳамда асосий новдаларининг ярми, ёнлама шоҳлари 2-3 куртагигача қисқартирилади.

2. Асосий новдаларнинг кесилган жойларини пичоқ ёрдамида тозалаб, боғ муми суртиб қўйилади. Ўсимлик тагига гўнғ солинади.

3. Июнь-июль ойларида эски новдаларнинг ёнлама шоҳларида гул ҳосил бўлади ҳамда илдизости новдалар шаклланади.


Ёшартириш усуллари

далари ҳам кесиб ташлангани маъқул. Бундан ташқари, асосий шоҳларнинг тахминан ярмини ҳалқа шаклида қирқиб, ёнламасига ўсган новдаларни 2-3 куртагигача қисқартирилиши лозим. Баҳор фаслида ўсимлик тубига чириган гўнг ёки бошқа органик ўғит солиниши, вегетация мавсуми давомида ҳар уч ҳафтадан кейин озиклантириб туриши унинг ривожига ижобий таъсир этади эски, қариб қолган новдалар ўрни-


га янгисининг ўсиб чиқишига имкон яратади.

Иккинчи йилнинг бошларида эски шоҳлар ҳалқа шаклида қирқилиб, ёнлама ўсган шоҳларнинг 2-3 дача куртаги олиб ташланиши керак. Ўсимлик жадал ривожланиши учун зарур миқдорда ўғит солиниши керак. Иккинчи йилнинг ёзигача ўсимлик тўлиқ шаклланиб бўлганидан кейин ушбу навга мос шакл бериш (кесиш) усули танланиб олинади.

Иккинчи йили



4. Февраль-март ойларида эски новдалар ҳалқа шаклида қирқиб ташланади, ёнлама ўсган шоҳлар эса 2-3 куртагигача қисқартирилади. Бундан ташқари, кесилган жойга боғ муми суртилиб, ўсимлик тубига ўғит солинади.



5. Июнь-июль ойларида келиб атиргул асосан бир йиллик новда ва бақувват шоҳлардан иборат бўлади, яъни ўсимлик тўлиқ ёшартирилади.

Ўсимликка шакл бериш усуллари

Манзарали буталарга ҳар йили шакл бериш шартми?

Манзарали ўсимликлар ҳақида сўз кетганда аксарият боғбонлар уларга ҳар йили шакл бериш шарт деб ҳисоблайди. Кўпинча бунда ўсимликка енгилгина шакл бериб, унинг ривожини бир оз чеклаш назарда тутилади. Натижада гули кам ёки умуман гулсиз, хунук бир ўсимлик ҳосил бўлади. Бошқа томондан, доимий равишда шакл беришни талаб этмайдиган бир қанча хазонрез ҳамда доимияшил ўсимликларни табиатда учратиш мумкин.

Аммо, бир неча манзарали буталар ҳам борки, уларнинг нафақат жадал ривожланиши, балки яхши гуллаши учун ҳам доимий равишда парвариш этиш талаб этилади. Албатта, шакл берилмаган ҳолларда ҳам улар гуллаши мумкин, лекин борган сари бутанинг ўсиши секинлашиб, гулларининг сифати ёмонлашиб боради.

Маълумки, ҳар хил буталарнинг ўсиш суръатлари турлича. Шундай экан, уларга шакл беришнинг бир хил усулларини қўллаш тўғрими?

Ўсимликка қай йўсинда шакл берилиши қатор омилларга, масалан, унинг боғдаги жойлашувига боғлиқ. Дейлик, кучли табиий ўсиш қувватига эга ҳамда нисбатан торроқ жойга экилган ўсимликни доимий равишда кесиб туриш зарур бўлади. Натижада, йилда бир неча марта қирқилган бута ҳаддан ташқари ўсиб кетган ва гулламайдиган ўсимликка айланади.

Ўсимликка шакл бериш жараёнида унинг тагига ўғит солиш ҳамда вақт-вақти билан сугориб туриш ҳам со-




ғлом ва бақувват новдаларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Ўсимликка шакл бериш усуллари унинг нима мақсадда ўстириляётганига ҳам (гули, меваси, шоҳ-шаббаси ва ҳ.к.) боғлиқ.

Аксарият буталар табиий симметрик шаклга эга бўлгани боис уларни ҳадеб қирқиш шарт эмас. Ўсимликнинг табиий симметриясини бузиб турган айрим ноқулай жойлашган шоҳ-шаб-

Манзарали буталар



баси кесилса бас. Аммо бундан фарқли ўлароқ, нотекис ривожланадиган носимметрик буталар ҳам табиатда кўплаб учрайди. Бундай ўсимликлар шакли фақат кесиш йўли билангина тўғриланиши мумкин. Хўш, бута қандай кесилиши лозим? Расмда кўрсатилганидек, бутанинг юғон шоҳлари бир меъёрда (мўътадил) ўсиши учун қисқароқ (а), заиф шоҳлари эса узун-

роқ (б) кесилгани маъқул. Бу тадбир бута шоҳларининг бир текис ривожланишига имкон беради ва ўсимлиكنинг симметрик шаклини тиклайди. Бута шоҳларини бир хил узунликда (в) кесилишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу ўсимлик симметриясининг янада кўпроқ бузилишига (е), шоҳларининг нотекис ривожланишига олиб келади.

Айрим буталарнинг қуйи қисмидан

Ўсимликка шакл бериш усуллари

бақувват, соғлом новдаларнинг ўсиб чиқиши ҳамда заиф, қариб қолган шоҳларининг ўрнига янгиси ўсиб чиқишида ҳам шакл беришнинг аҳамияти беқийёсдир. Зеро, айнан шу йўл билан ўсимлик шоҳларида гулларнинг бир текис жойлашуви ҳамда бута қўйи қисмининг нозикланиб кетишига чек қўйиш мумкин.


Албатта, бутага шакл бериш усуллари ҳам алоҳида эътибор талаб этилади. Кесма, расмда кўрсатилганидек, тўғри олиниши керак. Акс ҳолда нотўғри кесилган шоҳ касалланиши ва ҳатто қуриб қолиши мумкин. Демак, кесма шоҳдаги куртакнинг ёки бир-бирига қарама-қарши жойлашган икки куртакнинг устидан шундоқ олиниши керакки, улардан ўсиб чиққан новдалар ўсимликнинг бошқа шоҳларининг ўсишига ҳалақит бермасин.

Буталарни экишда уларнинг шакли ва илдизларига ҳам эътибор бериш даркор. Ўсимлик шоҳлари яхши шакллангани, илдизлари бақувват бўлиши керак (а). Ўсимликни экишга тайёрлаётганда унинг қийшиқ, бир томонлама ривожланишига йўл қўймаслик лозим (б).


Буталарнинг илдизости новдаларини кесиш шартми?

Аксарият буталар қаламча ёрдамида кўпайтирилса-да, айримлари пайванд қилиш йўли билан ўстирилади. Албатта, пайвандтагдан ўсиб чиққан новдалар ҳам, уларнинг ёнидаги, уйқудаги куртаклар ҳам қирқиб ташланмоғи даркор.


Акс ҳолда келгусида ана шу куртаклардан янги новдалар ўсиб чиқиши ҳамда пайванд қилинган ўсимликни буткул босиб кетиш хавфи мавжуд.



Биринчи йили экилган бута танасининг қўйи қисмидан бақувват новдалар ҳосил бўлади. Айни шу новдалар ўсимлик шаклу-шамойилини ташкил этиши боис уларнинг бир текис ривожланишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бир-бирига чирмашиб кетган ёки яқин жойлашган шоҳлар (а) қирқиб ташланмас экан, ўсимликнинг бир текис ривожланишига эришиш мушкул. Шунинг учун ортиқча ёки қийшиқ-қинғир ўсган




Манзарали буталар



шоҳлар (б) ҳалқа шаклида қирқиб ташлангани маъқул. Бу талаб биринчи галда танасининг қуйи қисмидан ўсиб чиққан новдалар ҳисобига табиий равишда ёшармайдиган, масалан, магнолия, гамалилис ҳамда радодендрон ва қоилия сингари доимияшил ўсимликларга тааллуқдир.

Барги тўкиладиган бута танасининг марказий қисмида ҳаво алмашинуви-ни яхшилаш учун унинг ўша жойдаги шоҳлари имкон қадар сийракроқ бўлиши керак. Акс ҳолда ҳавонинг туриб қолиши оқибатида ўсимлик турли касалликларга чалиниб қолиши мумкин.



Заранг бутаси

Айрим барги тўкиладиган ўсимликлар, масалан, заранг дарахтининг шоҳлари бир-бирига чирмашиб, ғоят мураккаб шакл ҳосил қилади. Шу боис бундай ўсимликка шакл берилаётганда унинг табиий ташқи кўринишига путур етказмас-

ликка ҳаракат қилиш керак. Хусусан, биринчи-иккинчи йиллари ўсимликнинг касаланган ва қуриб қолган шоҳ-шаббаларигина қирқиб ташланиши, қолган шоҳларига эса умуман тегмаган маъқул.

Ўсимликка шакл бериш усуллари

Бу ўсимликлар парваришининг хусусиятлари нималардан иборат?

Доимяшил буталар у қадар кўп парвариш талаб этмайдиган беор ўсимликлардан ҳисобланади. Уларнинг эркин ўсиши учун жой бўлса бас, шакл бериш эса одатда сўлиган гуллари ёки қийшиқ-қинғир шоҳларининг қирқиб ташаланиши билан чекланади. Аксарият боғбонлар

уларни йилнинг исталган фаслида қирқиб ташлаш мумкин деб ҳисоблашади. Аслида, совуқ урган гул ва шоҳ-шаббалар ўсимлик куртаклари айнаи шиша бошлаган паллада, яъни апрель-май ойларида қирқиб ташлангани маъқул. Зеро, ёзги ёки кузги шакл беришдан кейин, ўсиб чиққан ўсимлик новдалари кўпинча заиф бўлади ва шу сабабли қиш совуғига дош беролмайди. Демак, доимяшил буталар-



Май-июнь ойларида яхши ривожланган ўсимликнинг тепа қисмидаги энг бақувват ёнлама шоҳ бир оз қисқартирилади

Ёзнинг ўртасида ўсимликнинг заиф асосий шоҳи 2-3 см.га қисқартирилади. Ўсимликнинг қуйи қисмида бақувват ёнлама новдаларни шакллантириш учун у яхши ривожланган куртакнинг устидан қирқилгани маъқул.

Манзарали буталар. Доимяшил буталар

га эрта баҳорда шакл берилгани маъқул.

Ўсимликка бошланғич шакл бериш жараёни унинг ташқи кўринишини бузиб турган ёнлама шоҳларини бир оз қисқартиришини ўз ичига олади. Аммо айрим доимяшил буталарнинг асосий шоҳлари ингичка ва анча заиф бўлади. Бинобарин, экишдан олдин ўсимлик қуйи қисмидаги шоҳларида янги новдаларнинг шаклланиши учун унинг асосий шоҳларининг учи қирқиб ташланиши лозим.



Июнь-июль ойларида ўсимлик шоҳлари жадал ривожлана бошлайди. Унинг тепа қисмида шаклланган бақувват новда асосий шоҳ вазифасини ўташи мумкин.

Қариб қолган манзарали ўсимликни ёшартириш мумкинми?

Боғбоннинг истагидан қатъий назар рододендрон, бинафшагул, қорақатдошлар оиласига мансуб бўлган чубушник сингари буталар ҳаддан ташқари тез ўсиб кетиши мумкин. Баъзан ўсимлик ҳолатига қараб уни ердан суғуриш ўрнига ёш новда экилгани дуруст. Аммо айрим ўсимликларнинг тез қайта тикланиш хусусиятига

Чимтиш усули



Айрим доимяшил буталар сергуллиги ва серуруғлиги билан ажралиб туради. Агарда ўсимлик уруғини ажратиб олиш кўзланмаган бўлса янги бақувват новдалар ҳамда гулкуртакларни шакллантириш учун сўлиб қолган тупгуллар имкони борица тезроқ чимтиб олиниши шарт. Бу муолажа гул сўлиб бўлганидан кейин, лекин уруғ ҳосил бўлгунга қадар бажарилиши керак. Чимтиш жараёнида тупгул тагидаги барг қўйнидаги куртаклар жароҳатланмаслиги лозим.

Ўсимликка шакл бериш усуллари

эга эканини назарда тутиб, шакл бериш йўли билан уни ёшартириш мумкин.

Ёшартириш усуллари

Биринчи йили. Бу даврда ўсимликнинг барча заиф шоҳлари ер сатҳигача, асосий шоҳлари эса бута тубидан 30 см. баландликда ўткир пичоқ билан қирқилиб, кесилган жойга боғ муми суртиб қўйилади. Бу талбир бинафшагул сингари буталарда эрта баҳорда, яъни ўсимлик ҳали уйқуда бўлган пайтида, рододендрон ёки дафна каби буталарда эса вегетация даври бошланиши, яъни баҳор ойларининг охирироғида амалга оширилгани маъқул.

Бутани ёшартириш билан бир вақтда ўсимлик тубига гўнг солиниши ҳамда вақти-вақти билан суғориб турилиши шарт.

Иккинчи йили шакл берилган ўсимлик куртакларидан кўплаб янги новдалар ўсиб чиқа бошлайди. 2-3 та бақувват шоҳларни қолдириб, қолганини ҳалқа шаклида қирқиб ташлаш лозим.


Бутани ёшартириш жараёнини яна бошқа бир ўсимлик, масалан, лавр (дафна) сингари доим яшил дарахт мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Учинчи ва ундан кейинги йиллар мобайнида ўсимлик юқорида баён этилган тафсиялар асосида парвариш этилади.

Бутанинг ёшартириш муолажасидан кейинги бир-икки йил мобайнида тўнкачаларда ҳосил бўлган барча новдаларни пайдо бўлиши билан ҳалқа шаклида қирқиб ташлаш лозим. Албатта, бундай талбирни ўсимликнинг ташқи кўринишини эътиборга олган ҳолда амалга ошириш даркор. Дейлик, ўсимлик танасида очик жой бўлса, у ҳолда ана шу жойни

тўлдириш учун тўнкачаларда ҳосил бўлган айрим новдаларни қолдириш ҳам мумкин. Аммо шуни эътиборга олиш лозимки, қирқилганидан кейин бир йил мобайнида новда ҳосил бўлмаган барча тўнкачалар ер сатҳи билан баробар қирқиб ташланиши шарт.

Баъзи эҳтиёткор боғбонлар шакл беришнинг бундай усулини ўсимлик учун



1. Қиш палласи. Расмда танасининг қуйи қисми яланғочланган ҳамда тена шоҳларигина гуллайдиган қариб қолган бинафшагул дарахти акс эттирилган.

Манзарали буталар. Ёшартириш усуллари.


хавфли деб ҳисоблаши мумкин. Дарҳақиқат, бутанинг соғлом эканига ишончингиз комил бўлмаса, у ҳолда унинг асосий шоҳларининг бир қисминигина қирқиш билан чекланиш мумкин.

Шакл бериш жараёнини келаси йилнинг қиш фаслида ўсимликнинг ўтган йилги шоҳларини (гуллаб бўлганидан кейин) қирқиш билан якунлаш мумкин. Икки

босқичдан иборат бундай қирқиш усули **чубушник (филадельфус)** сингари барг тўкувчи бута учун мос бўлса, доимияшлil ўсимликларга унчалик тўғри келмайди. Шунга кўра доимияшлil ўсимлик шоҳларининг бир текис ривожланиши учун у ҳар йили фақат бир марта тўлиқ қирқилиши лозим. Ана шундай муолажадан кейин ўсимлик 3-4 йил ичида тўлиқ қайта тикланади.




2. Баҳорда, расмда кўрсатилганидек, барча бақувват шоҳлар ер сатҳидан 30-60 см. баландликда қирқиб ташланади. Бутанинг заиф, ёнлама шоҳлари ва тўнкачалар ҳам тубидан олиб ташланади. Кесилган жойга боғ муми суртиб, бута тубига гўнг солинади.




3. Ноябрь, февраль ва ёз ойларида ўсимлик куртакларидан ўсиб чиққан бир қанча новдалардан ҳар бир тўнкада 1-2 та қолдириб, қолганини қирқиб ташлаш лозим.

Ўсимликка шакл бериш усуллари

биринчи йили




1. Баҳор фаслида шоҳлаб, қариб қолган новдалар қирқиб ташланади. Уларда 1-2 см.лик кундачалар қолдирилади. Танаси қалин бутанинг



кесилган жойига боғ муми суртиши, ўсимлик тагини юмшатиб, чириган гўнг ёки компост солиш керак.




1. Қиш палласи. Расмда лавр бутасининг тартибсиз ўсиб, барглаб кетган ҳолати акс эттирилган.




2. Баҳор мавсумининг бошларида бутанинг барча бақувват шоҳлари ер сатҳидан 30-60 см. баландликда қирқиб ташланади.

Манзарали буталар. Ёшартириш усули

Иккинчи йили




2. Июнь ойида бутанинг ёнлама шоҳларида бир қанча гул-тулпар, тагидан эса бақувват новдалар ҳосил бўлади.



3. Баҳор фаслида бутанинг қариб қолган ва заиф новдалари қирқиб ташланади ва ўсимлик атрофи юмшатилади.



4. Ёзнинг бошида бутанинг ёнлама шоҳларида бир қанча янги гултулпар, шидизости ва ёнлама шоҳлар ҳосил бўлади.



3. Худди шу даврда бутанинг нотўғри жойлашган барча тўнkachалари ҳам тубидан олиб ташланади.



4. Майнинг бошида тўнkachалардаги куртаклардан ҳосил бўлган шоҳлардан 1-2та бақувватини қолдириб, қолганини қирқиб ташлаш керак.

Ўсимликка шакл бериш усуллари

Жонли девор қандай мақсадда ўстирилади?

Дастлаб жонли девор экин майдонлари ва боғларни мол, шамол, қумдан ҳимоя этиш мақсадида кўпайтирилган. Кейинчалик кўпроқ ҳовли жойларни безашда қўлланилган. “Жонли девор”нинг бир қанча турлари мавжуд. Бундай манзарали буталарнинг биринчи гуруҳига дўлана, лигустра, тёрн, юлғун, сариқ тоғолча сингари нисбатан тўғри ўсадиган буталарни киритиш мумкин. Албатта, ҳар бир турнинг ўзига хос шакл-шамойилга эга бўлгани боис, уларни кесиш усуллари ҳам турличадир.


“Жонли девор” сифатида кўпайтириладиган буталарнинг яна бир гуруҳига

қорақайин, граб, ўрмон ёнғоғи ҳамда форзиция ва қизил смородина сингари ўсимликлар кирази.


Бу гуруҳга мансуб ўсимликлар парваришининг ўзига хос жиҳати шундаки, улар биринчи гуруҳ буталар сингари ҳаддан ташқари узун қирқилмайди. Одатда **биринчи ва иккинчи йили** бута шоҳларининг учдан бир қисмигина қирқиб ташланади. Ўсимликнинг тартибсиз шоҳлаб кетмаслиги учун бу ишни ҳар йили такрорлаб туриш керак бўлади.

Учинчи ва ундан кейинги йиллар мобайнида бута конуссимон шаклда кесиб борилиши лозим. Форзиция каби манзарали ўсимликларга гулга тушиши билан ва август ойида, яъни икки бор шакл берилади.

Иккинчи йили



3. Баҳор ойида ўтган йилги шоҳлар ярмига, қолган ёнлама шоҳлар эса асосий шоҳлардан бир неча сантиметр масофада қисқартирилади.




4. Ёзда ўсимлик конуссимон шакл ҳосил қилиши учун бутанинг ёнлама шоҳлари, расмда кўрсатилганидек, қирқиб ташланади.

Манзарали буталар. "Жонли девор"

Биринчи йили




1. Баҳорда экишдан олдин ўсимликнинг барча шохларини ер сатҳидан 15 см. баландликда қирқиб ташланади.




2. Июнь ойида ўсимлик ривожини янада жаддалаштириш учун унинг ёнлама шохлари ҳам бир оз қисқартирилади.

Учинчи ва ундан кейинги йиллар



5. Баҳорда бутанинг тепа қисми бир текис қирқилади. Бу муолажа ўсимлик керакли баландликка ўсгунича қайта-қайта бажарилади.




6. Ёз мобайнида ҳар 4-6 ҳафтадан кейин ўсимликни, расмда кўрсатилганидек, қирқиб, шакл бериб туриш керак.

Ўсимликка шакл бериш усуллари


Ниҳоят бутанинг жонли девор сифатида кўпайтириладиган яна бир тури — нинабаргли ўсимликлар оиласига мансуб буталар. Бундай буталарни экишдан олдин уларнинг ортиқча, тартибсиз чирмашиб кетган ёнлама шоҳлари бир оз қисқартирилади. Асосий шоҳларга керакли баландликкача ўсгунга қадар тегмаган маъқул. Иккинчи ва ундан кейинги йилларда бутанинг ёнлама шоҳлари, расмда кўрсатилганидек, қирқиб борилса бас.

Биринчи йили



1. Баҳорда ерга ўтказилган бутанинг асосий ва бақувват шоҳлари учдан бирига қисқартирилади.


Иккинчи ва ундан кейинги йиллар




3. Июнь ойида конуссимон шакл бериш учун бутанинг ёнлама шоҳлари қирқиб ташланади.

Нинибаргли буталарга шакл бериш

Биринчи йили




1. Баҳор фаслида бутанинг тартибсиз осилиб турган шоҳларини ярмига қисқартириб, тиргак қўйиш талаб этилади.



2. Июнь ойида бутанинг ёнлама шоҳларини қирқиб, унга шакл берилади. Бута тиргакка боғлаб борилади.

Иккинчи ва ундан кейинги йиллар



3. Иккинчи ва ундан кейинги йилларнинг ёзида бутанинг ёнлама шоҳлари қирқилади ва асосий шоҳларнинг учи чимтилади.

Манзарали буталар. Чирмашувчи буталар

Чирмашиб ўсадиган буталарни ҳовлининг қаерида кўпайтирган маъқул?

Одатда бундай ўсимликларни кўпайтириш ва парвариш этиш учун энг қулай жой — уй ёки ҳовли деворлари. Лекин нимагадир боғбонларнинг аксарияти паллаксимон ўрма атиргул ва илонпечак сингари буталарни уй деворлари олдида ўстириш афзал кўришади. Лекин, нимагадир уй ёки ҳовли деворининг майдонидан кам фойдаланилади.

Чирмашувчи буталарнинг афзаллиги шундаки, уйнинг ташқи кўринишидаги камчиликларни беркитибгина қолмай, уйни боққа яқинлаштиришнинг воситаси ҳамдир. Қатор ўлкаларда, масалан, Ўрта ер денгизи мамлакатларида уй ток, илонпечак, глициния сингари ўсимликлар билан ўралган яхлит, уйғун мажмуа ҳосил қилади. Бундан ташқари, уй деворларини ўраб олган манзарали буталар ҳовлидагига нисбатан нозикроқ ўсимликларнинг чанг-тўзон, изғирин ва шамолдан ҳимоя этишнинг ажойиб усули ҳисобланади.

Чирмашиб ўсадиган буталар ҳақида гап кетганда, аввало, уларнинг турли гуруҳларига хос хусусиятлар ҳамда агротехник талаблар хусусида тўхталиш лозим. Бу ўсимликларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Плюшч сингари ҳаво илдизлари ёр-

дамида табиий чирмашиб ўсиш хусусиятига эга буталар;


2. Ломонос, глициния, шилви сингари чирмовиқ ёки поя ёрдамида тиргакка чирмашиб чиқадиган буталар;

3. Эгилган тикани ёки узунлашиб кетган шоҳчалари ёрдамида бошқа ўсимликка чирмашиб чиқадиган буталар;

4. Девор тагида тиргак ёрдамида чирмашиб ўсадиган (масалан, доим яшил цианомус, калифорния.

Албатта, чирмашиб ўсадиган бутани кўпайтиришдан олдин унинг ўзига мос жой танланиши лозим. Акс ҳолда, дала ҳовлидаги уй деворига чирмашиб ўсган бешбаргли плюшч жадал ривожланиш хусусиятига эга бўлгани сабабли, уй томи ёки сув тушадиган қувурга анча-мунча зарар етказиши мумкин. Шу боис унинг ўрнига бу жойда ломонос, цеанотус ёки пироканта сингари нисбатан нозикроқ буталарни парвариш этган маъқул.

Бу каби буталарни кесишда унинг барги, гул ва меваси билан деворнинг маълум қисмини қоплаш кўзланади. Бунга эришиш учун эса ўсимликнинг табиий ўсишини чеклаш талаб этилади. Бута танаси ва поясининг бир текис ривожланишида ўсимликни ёшлигиданоқ шакллантириб боришнинг аҳамияти катта. Ўша даврданоқ ўсимлик поя ва шоҳла-



Хаво илдизлари ёрдамида ўсадиган плюшч Поя чирмовиқлари ёрдамида ўсадиган ломонос бутаси


Ўсимликка шакл бериш усуллари

рини тиргакка боғлаш йўли билан деворнинг қопланиши мўлжалланаётган томонига йўналтириб бориш даркор.

Табиийки, турли гуруҳга мансуб буталарнинг кесиш вақти ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, цеанотус, форзиция, йирик баргли ломонос сингари ўтган йилги новдаларда гуллайдиган буталар гулдан тўхтаган заҳоти қирқилса, ёзнинг иккинчи ярмида гуллайдиган ўсимликлар — қишнинг охири ёки эрта баҳорда қирқилгани маъқул.


Чирмашиб ўсадиган бута турли гуруҳларининг парваришида ўзига хос жиҳатлар мавжуд бўлса-да, шакл бериш, кесиш усуллари деярли бир хил бўлгани боис биз буни фақат глициния мисолида кўриб чиқамиз.

Иккинчи йили



2. Июнь ойининг бошларида ёнлама жойлашган кўртаклардан 2-3 та бақувват шохлар ҳосил бўлади. Улардан энг баландди тиккасига, ёнлама жойлашганлари эса 45° бурчак остида ишқом симига боғланади. Барча илдизости поялар қирқиб ташланади.

Биринчи йили



1. Қиш ёки эрта баҳорда ёш ниҳолни экишдан олдин энг бақувват новдаси ер сатхидан 75-90 см. қолдириб қирқилади. Бутага тиргак қўйиб, ортиқча шохлари кесиб олинади.




3. Ноябрь-февраль оралиғида тик ўсаётган шох учидан 75-90 см.ча қирқилади. 45° бурчак остида шакллантирилган ёнлама шохлар эса горизонтал ҳолатга келтириб, ишқом симига боғланади ва учдан бир қисми кесиб ташланади.

Манзарали буталар

Маълумки, глициния ҳаддан ташқари тез ўсиши сабабли у девор ёки уйнинг ҳамма ёғини қоплаб олиши ҳамда узунлиги 30 метргача бориши мумкин. Бундай ўсимликка қандай қилиб шакл бериш мумкин?

Дарҳақиқат, аксарият боғбонлар глициниянинг ана шу хусусиятини назарда тутиб, унинг ривожини назорат этиш қийин деб ҳисоблашади. Аслида, ҳатто бундай тез ривожланадиган ўсимлик ривожини ҳам чеклаш имконияти мавжуд. Аввало, глицинияни маълум даражада чекланган, торроқ бир жойда ўстирган маъқул. Иккинчидан, ушбу гуруҳга мансуб аксарият буталар йилда бир марта кесилса, глицинияга икки бор шакл бериш керак.

Учинчи йили




4. Июнь-август ойининг бошларида тик ўсаятган новдалар ҳосил бўлади. Улардан энг баландини тиккасига, ёнлама ўсган новдаларини эса 45° бурчак остида ишқом симига боғлаб, бутанинг барча илдизости новдалари қирқиб ташланади.

Бу билан ўсимликнинг яхши гулашига ҳам, унинг табиий тез ўсиш хусусиятининг сусайишига эришиш мумкин.

Қиш ёки эрта баҳорда бутани экишдан олдин унинг асосий поясини ер сатҳидан 75-90 см. қолдириб, қирқиб ташланади. Ўсимлик поясининг 2-3 жойидан тиргакка боғлаб, унинг ортиқча шоҳлари кесиб олинади.

Биринчи йили қиш фаслида ёки эрта баҳорда ёш ўсимликнинг бир неча илдизости ҳамда ёнлама новдалари кўзга ташланади. Агарда бута деворни қоплаш учун ишқомга боғланган бўлса, у ҳолда ўсимликнинг асосий новдасини ер сатҳидан 75-90 см. қолдириб, қолгани қирқиб ёки чим-




5. Декабрь-январь ойларида тик ўсаятган шоҳ учидан 75-90 см.ча қирқиб ташланади, 45° бурчак остида шакллантирилган ёнлама шоҳларни горизонтал ҳолатга келтириб, ишқом симига боғланади ва учдан бир қисми кесиб ташланади.

Ўсимликка шакл бериш усуллари

тиб ташланиши керак. Бундан ташқари, юқорига ўсган новдаларнинг бири тик ҳолда, қолганлари — тахминан 45° бурчак остида тиргакка ёки ишқомга боғланади. Агарда ёнлама шоҳларнинг горизонтал шаклланишини истасангиз, унда ушбу шоҳлар бошданоқ назорат

этилиши ва тегишли томонга йўналтирилиши даркор.

Иккинчи ва ундан кейинги йиллар қиш фаслида ўсимлик асосий поясининг тепа қисми тахминан 75-90 см. узунликда кесилади. Бутанинг ёнлама шоҳларини ҳам ён томонга боғлаб, учдан бир




6. Июнь ойининг бошида барча ўсаётган шоҳлар 15-20 см.гача қисқартирилади.

Манзарали буталар

қисми қирқиб ташланади. Бутанинг тик ривожланиши учун ҳам, ёнламасига ривожланиши учун ҳам бу муолажа кейинги йилларда такрорланиши даркор. Шу билан бирга, илдизости новдалар пайдо бўлиши билан уларни тагидан олиб ташлаш лозим.

Бута ривожланиб, бир оз каттаргандан кейин кичик-кичик гулшоҳларни шаклантиришга киришиш мумкин. Бутанинг учун август ойининг бошида барча шоҳларни 15-20 см.гача, қиш фаслида (декабрь-январь) яна бир бор 7-10 см.гача қисқартириш лозим.



7. Ноябрь-февраль оралигида худди шу шоҳлар яна 7-10 см.гача қисқартирилади.

Мевали ўсимликлар парвариши

Ушбу бобда резавор мева турлари, уларни кўпайтириш ва парвариш этиш ҳамда зараркундаларга қарши курашиш усуллари хусусида сўз боради.

Резавор мева деганда серсув, ширали мева қиладиган бута ва ўтсимон кўп йиллик ўсимликлар тушунилади. Булар бир турга мансуб бўлмагани боис кўпайтириш ва парвариш этиш усуллари ҳам турличадир. Илмий адабиётда хўжағат, маймунжон, қулупнай, қизил, қора ҳамда оқ смородина сингари резавор мевалар атиргулдошлар оиласига, крижовник — крижовниксимонлар, узум — узумсимонлар, қовун-тарвуз — қовоқсимонлар оиласига киритилади.

Бу меваларга хос умумий хусусият шундан иборатки, улар экилган йилнинг ўзидаёқ ҳосилга қиради.

Резавор ўсимликлар боғнинг қайси қисмида экилгани маъқул?

Бу ўсимликлар имкон қадар боғнинг қуёш нурлари яхши тушадиган жойига

экилгани мақсадга мувофиқдир. Агарда боғ майдони у қадар катта бўлмаса, у ҳолда узум сингари чирмашувчи ўсимликларни ҳамда кордон ёки урчуқ шаклида ўстирилган крижовник, қизил ва оқ смородинани ўстиришда уй ва ҳовли деворларидан фойдаланиш мумкин. Албатта, қандай ўсимликни танлаш ҳар бир боғбоннинг хоҳиш-истаги ва таъбиға боғлиқ. Шундай бўлса-да, биз ўстириш учун қизил ва қора смородина, хўжағат ва қулупнайни тафсия этган бўлур эдик. Чунки, серҳосиллиги ва мевасининг лаззатлилигидан ташқари, бу резавор мевалар инсон организми учун фойдали кўплаб витамин ва микроэлементларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради Айрим тажрибали боғбонлар, хусусан, совуқ парник ёки полиэтилен қурилмалар ёрдамида ҳатто куз фаслида ҳам резавор мевалардан мўл ҳосил олишга эришмоқда.

Қулупнай шу турга мансуб кўплаб навларнинг, аввало, Шимолий ва Жанубий Америкада ўсувчи *F. virginiana* ва *F.*



1. Ёзнинг иккинчи ярми ёки куз фаслида ерни чопиш жараёнида 1м² майдонга 7 кг. маҳаллий ўғит солинади.



2. Ниҳолни экишдан олдин тупроққа минерал ўғит солинади.



3. Кузнинг бошланиши ёки эрта баҳорда қулупнай ниҳоли бир-биридан 45 см. масофада пуштага экилади. Пушталар оралиғи 90 см.дан кам бўлмаслиги лозим.

Резавор мевалар. Кулупнай.

chiloensis навларининг чатиштирилиши оқибатида пайдо бўлган реза мевалардан. У кўплаб кулупнайсимон ўсимликлар навларининг махсули бўлгани, жумладан, бугунги кунда етиштириладиган бир қанча навлари мазаси, ранги, мева тугиши ҳамда ҳосилдорлиги билан бир-биридан фарқланиши сабабли, у турли иқлим шароитида — иссиқ тропикдан тортиб шимолий худудларгача етиштирилади.

Кўпайтириш усулига кўра кулупнай уч турга бўлинади: оддий кулупнай, бутун ёз бўйи ва совуқ тушгунга қадар гуллаб мева тугадиган ремонтанг (қайта гуллайдиган) ҳамда альп кулупнайи.

Оддий кулупнай бошқаларидан қандай хусусиятлари билан фарқланади?


Оддий кулупнай фақат ёз фаслидагина гуллаши ва бир марта ҳосил бериши билан ажралиб туради. Унинг ҳар бир тупи-дан 250–300 гр. ҳосил олиш мумкин.

Кулупнайни ҳар қандай тупроқ шаро-

итига мослаштириш мумкин. Муҳими, тупроқ заҳланмаган бўлиши лозим. Мабодо, кулупнай ер заҳини қочириш имкони бўлмаган жойга экилган бўлса, уни 5–8 см.лик пуштада ўстирган маъқул. Кулупнай тупроқда кўпаядиган турли-туман зараркунанда ва бактерия келтириб чиқарадиган касалликларга тезда чалиниб қолиши мумкинлигини назарда тутиб, алмашлаб экиш тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, кулупнай бир жойда 3–4 йил сурункасига экилмаслиги даркор. Бундан ташқари, пуштадан 3–4 йил мобайнида фойдаланиш кўзда тутилгани боис тупроқнинг маҳсулдорлиги ҳамда кўп йиллик бегона ўтларга қарши курашиш ҳар бир деҳқоннинг диққат марказида бўлиши лозим. Шунга кўра, ниҳолни ерга қадашдан олдин 1 м^2 майдонга 7 кг. чириган гўнг солиб, ўғитнинг ортиб қолган қисми йиғиб олиниши даркор. Чунки ер юзасида қолган ортикча органик ўғит турли зараркунандаларнинг кўпайишига ша-



4. Экилганидан кейинги дастлабки ҳафталар мобайнида ҳамда бутун вегетация даврида ўсимликни узлуксиз сугориб туриш керак.



5. Мева етилиб, пиша бошлаши билан пушта ва пушта оралиғига метальдегид ўғитидан солиб, бугдой похол тўшаб қўйилади.



6. Мевани қушлардан ҳимоя этиш учун ўсимликни полиэтилен плёнка ёки 0,5 м.лик тўр билан ёпиш зарур.

Мевали ўсимликлар парвариши

роит яратади. Ниҳоят экиш арафасида тупроққа минерал ўғит солиниши ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Кулупнай ниҳолини кузда эккан маъқулми ёки эрта баҳорда?

Ниҳол июль, август ёки ҳеч бўлмаганда сентябрнинг биринчи ярмида, яъни имкони борича эртароқ экилгани дуруст. Чунки келгуси йилнинг илк ҳосили айна шунга боғлиқдир. Кеч куз ёки эрта баҳорда экилган ниҳолнинг илдизлари яхши шаклланиб улгурмагани сабабли унинг гулларини узиб ташлашга, яъни келгуси йил ҳосилидан воз кечишга тўғри келади. Ниҳол нам пуштага туп ўзаги ер сатҳи билан баробар тарзда ерга қадалади. Бу талабга ҳар доим амал қилиш лозим, чунки илдизлари ҳаддан ташқари чуқур экилган ниҳол куртаклари чириб кетиши, юзароқда экилганда эса — ўсимликнинг ўзи қуриб қолиш хавфи мавжуд.

Экилгандан кейин дастлабки ҳафталар мобайнида ниҳолга вақти-вақти билан сув қуйиб туриш керак. Эрта баҳорда пушта оралиғига 1 м^2 майдонга 15 гр. сульфат аммоний ўғити солинса, ўсимликнинг чидамлилиги ошади, қийғос гуллаб, маза-ли мева тугади. Ўсимлик ривожига секин-

лашган ҳолларда ҳам ана шу минерал ўғитдан фойдаланиш (1 м^2 майдонга 15 гр. ўғит) яхши самара беради.

Ниҳолни парвариш этиш жараёнида унинг теварак-атрофини бегона ўтлардан тозалашнинг аҳамияти катта. Зеро, бегона ўт ўсимлик тўплаган озиқа моддаларни сўриб, унинг ривожига тўсқинлик қилади. Шу боис пуштага тез-тез ишлов бериб туриш лозим. Кулупнай меваси етилиб пиша бошлаши билан туп ён-вери ҳамда пушта оралиғига хас-хашак, ундан ҳам яхшиси, бугдой поҳоли солинса, айна муддао.

Пишиб етилган кулупнай меваси саҳар вақти териб олингани маъқул.

Ҳосил териб олиниши билан ўсимликни эски барглари (ўзагидан 10 см. баландликда) ва ортиқча палакларини қирқиб ташлаш, пушта ҳамда пушта оралиғига тўшалган похол ва бошқа хас-хашак ёндириб юборилиши керак.

Ремонтант (қайта гуллайдиган) кулупнайни парвариш этишда нималарга эътибор қилиш керак?

Бу навнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у бутун ёз бўйи ҳамда кузнинг охиригача бот-бот гуллаб, мева тугаверади. Айрим боғбонлар мева тугиш

Муртча толача билан кўпайтириш усули



Ремонтант кулупнайнинг айрим навлари кичик муртча толачалар билан кўпайтирилади. Аммо шу турга мансуб, мурт ҳосил қилмайдиган кўп-кўп навларни ҳам учратиш мумкин. Бундай ўсимлик оддий бўлиниш ёрдамида кўпайтирилади. Август ойининг охири сентябрнинг бошларида во-яга етган ўсимлик қазиб олинади ва имкон қадар кўпроқ илдиз қолдирган ҳолда иккига бўлинади. Кейин уларнинг ҳар бирини юқорида баён этилган оддий усул ёрдамида ерга қадалади.

Резавор мевалар. Кулупнай.

жараёнини декабрь ойигача чўзиш учун махсус курилмалардан, хусусан ойнаванд қалпоқча (мосламалардан) фойдаланади.

Ремонтант кулупнай навининг камчилиги шундаки, у фақат бир йилгина яхши ҳосил беради; кейинги йили меваси майдалашиб, ҳосилдорлиги кескин пасайиб кетади. Шунинг учун ҳар йили эски ўсимликни ёш ниҳол билан алмаштиришга тўғри келади. Уни парвариш этиш усуллари оддий кулупнайдан деярли фарқланмайди. Фақат у куз фаслида ҳам гуллаб ҳосил бериши учун ёзги гулларини узиб ташлаш тафсия этилади.

Баъзи боғбонлар кулупнайнинг альп навини ниҳол билан кўпайтириб бўлмайди деб ҳисоблайди. Бу чиндан ҳам шундайми?

Дарҳақиқат, кулупнайнинг бу навида муртчалар ҳосил бўлса-да, аксарият ҳолларда турли вирусларга чалиниши сабабли ўсимликни кўпайтиришда улардан фойдаланиш қийин. Шу боис, кўпинча альп навлари уруғ ёрдамида кўпайтирилади. Уруғ намланган гўнг солинган қутига экилади ва совуқ пайтида совуқ парника, март ойида эса — иссиқхонага жойлаштирилади. Уруғ униб чиққунга қадар қути ойна билан ёпилиб, нимқоронғи 18-20°C ҳарорат мавжуд бўлган жойда сақланади. Ниш отган ниҳолларни бошқа қутига ёки торфли гултувакка олиб, бир-биридан 2-3 см. масофада экилади.

Шуниси ҳам муҳимки, идишдаги тупроқ яхши озикланган, заҳи қочган ҳамда бир оз ишқорланган (рН 6,0 — 6,5) бўлса айни муддао. Ниҳолни экишдан олдин тупроққа 1м² майдонга 15 гр. калий сульфати солинади. Майнинг охирларида ниҳол қуёшли, намли очиқ ерга экиб чиқилади ва меъёрида суғориб турилади (ҳар 7-10 кун мобайнида 1м² майдонга 10-15 литр).

ҚУЛУПНАЙНИНГ ЭРТАПИШАР НАВЛАРИ

Ўзбекистон. Мазали, серсув. 1м² дан 0,9 — 1,0 кг. ҳосил олиш мумкин. 20 майдан 1 июнгача пишиб этилади.

Дилбар. Меваси йирик, мазали. 1м² дан 0,9 — 1,2 кг. ҳосил олиш мумкин. 7-10 май оралиғида пишиб этилади.

Памят Шредера. Мазали серсув. 1м² дан 0,8 — 1,0 кг. ҳосил олиш мумкин. 10-20 май оралиғида пишиб этилади.

ҚУЛУПНАЙНИНГ ЎРТАПИШАР НАВЛАРИ

Кулвер. Мазали серсув. 1 м² дан 0,9 — 1,2 кг. ҳосил олиш мумкин. Бу нав ниҳолнинг тупи ўрта бўйли, ёйиқ, барглари тўқ яшил бўлиб, ҳаворанг тусда бўлади. Касаллик ва зараркунандаларга чидамли. 1-10 июнь оралиғида пишиб этилади.

Майская. Мазаси десертли ҳисобланади. 1 м² дан 0,6-1,0 кг. гача ҳосил беради. Касаллик ва зараркунандаларга чидамли. 10-20 июнь оралиғида пишиб этилади.

Муго. Мазаси чучмалроқ. 1 м² дан 1,0-1,5 кг. ҳосил олиш мумкин. Касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ўртача. 10-20 июнь оралиғида пишиб этилади.

ҚУЛУПНАЙНИНГ КЕЧПИШАР НАВЛАРИ

Зенга-Зенгона. Мазаси ўртача. 1 м² дан 0,9-1,0 кг. ҳосил олиш мумкин. Бу навни сийракроқ экиш тавсия этилади. Сариқ чириш касаллигига чидамсиз. 20 июнь-1 июл оралиғида пишиб этилади.

Ташкентская. Мазаси ўртача. 1 м² дан 0,9-1,5 кг. ҳосил олиш мумкин. 25 июнь-1 июль оралиғида пишиб этилади.

Ремонтант нав. Мазали, серсув. 1 м² дан 0,5-1,1 кг. ҳосил олиш мумкин. Майдан октябр-гача мева қилади. Бу навнинг ремонтант (қайта гуллайдиган) туридан кузда икинчи марта ҳосил олиш мумкин.

Мевали ўсимликлар парвариши

Малина — раъногулдошлар оиласига мансуб бута. Меваси қизил, сариқ; июнь-июлда пишади. Таркибида органик кислоталар, витамин ва хушбўй моддалар бор. Малина Осиё, Америка ва Оврупонинг мўътадил, субтропик ҳудудларида тарқалган. Унинг 120 тури маълум.

Нима учун малина биринчи йили ҳосил бермайди?


Ўсимлик пояси икки йиллик бўлгани боис, биринчи йили у ўсиб улғаяди ва келаси йили гуллаб мева туга бошлайди, учинчи йили эса тўлиқ ҳосилга киради. (Ўртача ҳосилдорлик: 30 см.лик қатордан 1 кг.ча ҳосил олиш мумкин.) Бутанинг икки йиллик поялари гуллаб мева берганидан кейин қуриб қолади. Илдизлари кўп йиллик бўлгани сабабли, ҳар йили улардан янги новдалар ўсиб чиқади.

Малина қуёш нурлари тушадиган, бир оз ишқорланган (рН 6,0-6,7), заҳи кетказилган ерда ўсади ва яхши ҳосил беради. Аммо, у ҳаддан ташқари заҳлаган тупроқ шароитига ўта чидамсиздир. Бундай жойга экилган малина илдизлари ва поялари тез орада қуриб қолади.

Ўсимликни шамолдан ҳимоя этишга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Акс ҳолда шамол таъсирида малина поялари эгилиб синиб кетиши мумкин. Қолаверса, шамол чангловчи-ҳашоратлар фаолиятига ҳам салбий таъсир этади.

Малина кўчатини экишдан олдин мўлжалланган жойни бегона ўтдан тозалаш лозим. Сўнг эни 90 см, чуқурлиги 30 см. келадиган ариқча қазиб, тагига 8-10 см. баландликда чириган гўнг солиб, тупроқ билан аралаштирилади.

Куртаклари уйғонмаган кўчат биридан 45 см. масофада қаторлаб экила-



1. Кузнинг бошларида эни 90 см, чуқурлиги 30 см.лик ариқча қазилади ва унинг тагига 8-10 см. чириган гўнг солиниб, тупроқ билан аралаштирилади.



2. Ариқчани тупроқ билан тўлдириб, хаскаш ёрдамида унга минерал ўғит солинади.

Резавор мевалар. Малина (Хўжағат).

ди. Ўсимлик бир неча қатор қилиб экилаётган бўлса, у ҳолда қатор оралиғи 1,5-2 м. бўлиши керак. Кўчат 8 см. чуқурликда экилгани маъқул, чунки чуқурроқ экилган ўсимлик илдизларидан янги новдалар шаклланиши қийинлашади.

Экилган кўчат ер сатҳидан 20-30 см. баландликда куртакнинг устидан қирқиб ташланади. Баҳор палласи янги новдаларнинг пайдо бўлиши билан ўтган йилги кундача ер юзаси билан баробар қилиб қирқиб ташланади.

Малина бутаси вояга етиб, ҳосилга кирганидан кейин унинг поясини боғлаш шартми?


Ўсимлик пояси меванинг оғирлигидан ерга эгилиб қолмаслиги учун унга тиргак қўйган маъқул. Бунда сим тортилган ишком ёки сўридан фойдаланиш мумкин.

Малина ўсимлиги қачон кесилгани маъқул: биринчи йилими ёки иккинчи йили?

Дастлаб, айниқса **биринчи йили** ўсимлик экилганидан кейин ундан ҳосил бўлган янги новдалар у қадар кўп бўлмагани сабабли унга шакл беришнинг ҳожати йўқ.

Иккинчи йили ёз фаслининг илк кунлари ўсимликнинг жадал ривожланиши учун унинг барча касалланган ҳамда заиф новдалари қирқиб олинishi шарт. Шакл берилганидан кейин ўсимликда 8-10 та новда қолдирилса, бас. Бундан кейинги йилларда ҳосил териб олинishi билан мева тугадиган эски новдалар тагидан қирқиб ташланади ва 4 тадан 8 тагача соғлом, бақувват новдалар қолдирилади.

Эрта баҳорда ишком ёки сўрига боғланган ўсимликнинг учидан тахминан 15



3. Куртаклари уйғонмаган кўчат бир-биридан 45 см. масофада қаторлаб экилади. Ўсимлик пояси ер сатҳидан 20-30 см баландликда куртак устидан қирқиб ташланади.



4. 1м² майдонга 15 гр.дан аммоний сульфати (азот билан тўйинган) минерал ўғити солинади ва тупроқдаги чириган ўғит билан аралаштирилади.

Мевали ўсимликлар парвариши

см. пояси қирқилади. Бу бутани совуқ урган новдаларидан халос бўлиши ҳамда қуйироқда жойлашган куртакларнинг яхши ривожланишига имкон беради.

Ҳар йили кузда 1 м^2 майдонга 30 гр. калий сульфати, уч йилда бир марта 1 м^2 майдонга 60 гр. суперфосфат, баҳор мавсумида 1 м^2 майдонга 15 гр. аммоний сульфати солиш зарур. Бундан ташқари, тупроққа маҳаллий ўғит ҳамда бутун вегетация мавсуми давомида уни бегона ўтлардан ва ортиқча илдизлардан тозалаб туриш даркор.


Иккинчи ва ундан кейинги йиллар эрта баҳорда ўсимликнинг заиф ва совуқ урган новдаларининг учи соғлом куртагигача қирқиб олиниши шарт. Бу амалнинг бошқа вақтда, масалан, куз ёки қиш фаслида бажарилиши ўсимликнинг бутунлай қуриб, нобуд бўлишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, мева тугиб бўлган ўтган йилги новдалар таги билан қирқиб ташланиши, шакланган янги новдалар эса ишком симига боғлаб борилади. Қолаверса, туп оралиғида пайдо бўлган ортиқча новда, шоҳ-шаббаларни ҳам ўз вақтида олиб ташлаган маъқул.


Қора смородина қандай усул билан кўпайтирилади?

Қора смородина Марказий ва Шарқий Оврупо, Осиё қитъасининг шимолий ва марказий ҳудудларида, ёввойи навлари эса ўрмонзорларда кенг тарқалган.


Кўп йиллик уруғчилик ва селекция изланишлари натижасида унинг бир қанча серҳосил навлари яратилган. Ўсимлик асосан илдизости новдалардан шаклланиб, унинг баъзи яхши ривожланган тугиларининг бўйи 1,5-2 м.гача етиши ҳамда 15 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида ҳосил бериши мумкин. Ана шундай тупдан унинг ўртача ҳосилдорлиги 5-6 кг.ни ташкил этади.



Ҳар бир туп ёнида баландлиги 2-2,5 м, диаметри — 6-7 см. тиргак ўрнатиб, бута поялари унга боғланади.




Баландлиги 2-2,5 м. устунларни 45 см. чуқурликка 3,5-4,5 м. оралиқ масофада кўмилади ҳамда 0,75 м, 1 ва 1,6 м. баландликда уч қатор сим тортилади. Ўсимлик поялари ана шу симларга боғланади.




Баландлиги 2 м. устунларни 45 см. чуқурликка 3,5-4,5 м. оралиқ масофада ерга кўмилади. Сўнг ҳар бир устунга узунлиги 0,5 м. ва эни 5 см.лик кўндаланг устунлар маҳкамланади. Устунларга 0,6 м. масофада, ер сатҳидан 0,9 ва 1,5 м. баландликда сим тортилади. Ниҳоят, ҳар 60 см. масофада кўндалангига сим ёки ип боғлаб қўйилади.

Резавор мевалар. Малина (Хўжағат).


Биринчи йили




1. Малина кўчати бир-биридан 60 см. масофада экилади ва усимликнинг ер сатҳидан 25 см. баландликдаги қисми қолдирилиб, қолгани қирқиб ташланади.



2. Янги новдалар пайдо бўлиши билан эски кундачалар таги билан қирқиб ташланади.



3. Май-август ойлари оралиғида пайдо бўлган янги новдалар бир-биридан 10 см. масофада ишқом симига боғланади.



4. Октябрь ойида ривожланаётган новдаларни ишқом симига боғлаш давом эттирилади.

Мевали ўсимликлар парвариши


Қора смородина ўстиришни кўзлаган боғбон, аввало, кўчатнинг соғлом эканига ишонч ҳосил қилиши ва уни кўчат ўстириш билан шуғулланадиган махсус кўчатхонадан сотиб олган маъқул. Чунки махсус жойда ўстирилмаган ва тегишли текширувдан ўтмаган кўчатда смородина канаси ин қуриб, ўсимликни нобуд қилиши мумкин.

Қора смородинани турли иқлим ва тупроқ шароитида кўпайтириш мумкин.


Аммо у бир оз ишқорланган ($\text{pH}6,5$), серунум, заҳсиз тупроққа ўтқазилса, ўсимлик жадал ривожланиб, келгусида яхши ҳосил беради.

Кўчат йилнинг қайси фаслида ўтқазилгани маъқул?

Кўчатхонадан келтирилган ниҳол икки йиллик ва камида учта бақувват новдага эга бўлиши шарт. Кўчат кеч кузда ёки



5. Эрта баҳорда ўсимликнинг заиф ва совуқ урган новдаларининг учи соғлом куртагигача қирқиб ташлаш лозим. Бу янги ёнлама новдаларнинг яхши ўсишига имкон беради.



6. Ёзнинг ўрталарида бута оралиғидаги заиф новдаларни олиб ташлаш билан соғлом, бақувват новдаларнинг жадал ривожланишига шароит туғилади.

Резавор мевалар. Малина (Хўжағат).


эрта баҳорда (туғлар оралиғи 1,5 м. қатор оралиғи 1,8 м. бўлиши керак) ерга қадалади. Ўсимлик илдизлари бемалол жойлашиши учун экиш учун тайёрланган ариқча кенг бўлиши лозим.

Биринчи йили кўчат экилиши билан унинг барча новдалари ер сатҳидан 5 см. баландликда қирқиб ташланади.


Бу қадар калта қирқилган ёш ўсимликдан уч-тўртта бақувват новда (ҳар бири 45 см. ва ундан ҳам баландроқ бўли-

ши мумкин) пайдо бўлади. Ана шу ёш, бақувват новдалардан келаси йилнинг ёзида яхши ҳосил олиш мумкин.

Иккинчи йили вегетация мавсумининг охирида ўсимликни заиф, бир-бирига чирмашиб кетган ва касалланган новдаларини қирқиш ва бир оз сийраклаштириш талаб этилади. Шу йилдан бошлаб ўсимликнинг эски шоҳ ва новдаларидан уч-тўрттасини доимий равишда қирқиб туриш даркор.



7. Май-июнь ойларида яхши ривожланаётган ўсимликнинг ёнлама новдалари мева туга бошлайди.



8. Кузнинг ўртасида мева тугиб бўлган новдалар таги билан қирқилади, янгилари эса бир-бирдан 10 см. масофада ишқом симга боғланади. Бу новдалар тез ўсаётган бўлса, уларнинг учи ёйсимон шаклда эгиб қўйиши лозим.

Мевали ўсимликлар парвариши

Қандай қилиб ўсимликни касаллик ва зараркундалардан ҳимоя этиш мумкин?


Қора смородина учун ўсимлик бити, куртак ва ўргимчаксимон кана энг хавфли зараркундалардан саналади. Шу боис тегишли кимёвий воситалар ёрдамида уларга қарши курашиш лозим. Хусусан, битга қарши — карбофос, канага қарши кельтан воситасининг қўлланилиши яхши самара беради. Баъзи ҳолларда темир купороси, изофен моддаси ва бор билан тўйинган суюқликдан фойдаланишга ҳам зарурат туғилиши мум-

Биринчи йили



1. Экилиши билан ўсимлик новдалари қалта қилиб қирқилади (ер сатҳидан 5 см. баландликда кунчалар қолдирилади).

Иккинчи йили



2. Қалта қирқилган кундачалардаги куртаклардан келаси йили ҳосил қиладиган бир қанча бақувват новдалар ҳосил бўлади.

3. Июнь ойида ўтган йилги новдалар ҳосилга киради. Ўсимлик тубидан янги илдизости новдалар шакллана бошлайди.


Резавор мевалар. Қора смородина.

кин. Улар кўпроқ оққиров, сариқ чиринди касалликларига қарши қўлланади.


Қора смородинани қаламча билан кўпайтириш мумкинми?

Биринчи йили кўчатхонадан келтирилган ва қирқилган соғлом қаламча-новдаларидан ўсимликни кўпайтиришда бемалол фойдаланиш мумкин. Бунинг учун узунлиги 20-25 см, қалинлиги оддий қаламдай келадиган қаламча уч қисмидаги куртак устидан — қиялама, қуйи қисмида эса куртак тагидан тўғри кесма олинади ва иккита куртак қолдириб ерга қадалади. Қаламча-


Учинчи ва ундан кейинги йиллар



4. Эрта баҳорда ўсимлик новдаларининг таҳминан учдан бири ҳамда барча заиф ва касалланган шоҳлари тагидан қирқиб ташланади.



5. Июнь ойида ўсимликнинг ўтган йилги новдалари ҳосилга киради. Янги илдизости ва ёнлама шоҳлар ривожлана бошлайди.



6. Келаси йили баҳор фаслида уч-тўрт эски новдалар тагидан, мева туккан ёнлама новдалар эса бир оз қисқартирилади.

Мевали ўсимликлар парвариши

лар бир-биридан 15 см. масофада экилади.

Қизил ва оқ смородина қандай хусусиятларга эга?

Қизил ва оқ смородина шу турга мансуб бошқа ўсимликлардан мевасининг мазалилиги ҳамда мўл ҳосил бериши билан ажралиб туради. Ана шу хусусияти туфайли у кўпинча қушларга ем бўлади. Шу боис тажрибали боғбонлар мева пишиб етилиши арафасида ўсимликни ипли тўр билан ёпиб қўйиши ёки шовқин кўтарувчи турли воситалардан фойдаланиши бежиз эмас.

Бу резавор меванинг бошқаларидан, хусусан, қора смородинадан фарқли жиҳати шундан иборатки, у илдиздан ўсиб чиққан алоҳида-ало-

ҳида новдаларидан иборат бўлмай, 20-30 см.лик бошпоя ва етти-саккизта новда шаклида ўстирилади.

Қизил смородинанинг яна бир ўзига хос хусусияти мавжуд. Гап шундаки, гул туплари чидамлироқ бўлгани сабабли уни заҳлаган соя жойда ҳам ўстириш мумкин. Аммо мевалари янада лаззатлироқ бўлсин десангиз, ўсимлик экилган жой ҳаддан ташқари совуқ бўлмаслиги ва вақти-вақти билан бўлса-да, қуёш нурлари тушиб тургани маъқул.

Смородина боғбоннинг ихтиёрига кўра кеч кузда ёки эрта баҳорда экилиши мумкин. Шу мақсадда битта ёнлама асосий поя ва бир қанча (7-8 та) ёнлама ўсган новдалардан иборат бўлган илдизлари бақувват ўсимлик танлаб олиниши керак. Аммо бундан илгари, кузнинг бошларида

Қора смородинани кўпайтириш усули



Қора смородина узунлиги 20-25 см., қалинлиги қаламдек келадиغان қотиб қолган қаламчалар ёрдамида кўпайтирилади.

Вегетация мавсумининг охирида илдиз отган қаламчалар қазиб олинади ва бир-биридан 30 см. масофада ерга қадаб чиқилади. Ер сатҳида 2-3 см. узунликда қолдириб, қаламчаларнинг қолган қисми қирқиб ташланади.

Резавор мевалар. Қизил ва оқ смородина.

тупроққа 5 см.лик гўнг ва минерал ўғит ҳамда 1м² майдонга 15 гр. миқдориди калий сульфати солиниши лозим.

Биринчи ва ундан кейинги йиллари смородинани қандай парвариш этиш зарур?

Биринчи йили ерга экилган бир йиллик асосий новдаси тахминан ярмига, ёнлама ўсган шоҳлари эса — 2-3 см.га қисқартирилиши керак. Бу гулкуртак ва мева соладиган шоҳларнинг ривожланишига имкон яратди. Ўсимлик танасининг яхши ривожланишини таъминлаш мақсадида асосий новданинг барча куртакларини олиб ташлаш керак бўлади.

Июнь ойининг охири — июлнинг


бошларида шу йилги шоҳларнинг 4-5 та барги қолдирилиб, ортиқчаси қирқиб ташланади. Вегетация мавсумида ўсимликнинг асосий новдаси тиргакка боғлаб қўйилади, аммо бу даврда у кесилмаслиги лозим.

Иккинчи ва ундан кейинги йиллари июнь ойининг охири ёки июлнинг бошларида шу йили ўсиб ривожланган шоҳларни 4-5 баргигача қисқартириш лозим. Тиргакка боғланган асосий новда 1,5-2 м.га етмагунича қирқилмаслиги керак.

Кейинги йилнинг эрта баҳорида ўтган йили кесилган шоҳлар тахминан 2-3 см., асосий новданинг эса фақат учи қирқилади. Шакл беришнинг ана шу усули туфайли ўсимлик танаси бир қанча йил мобайнида бир хил баландликка эга бўлади.

Қизил ва оқ смородинани кўпайтириш усули

Қизил ва оқ смородинани кўпайтириш унчалик қийин эмас. Бунинг учун кузда ўтган йилги ёш, соғлом ўсимликдан қалинлиги ёзув ручкасидай келадиган ва тўғри ўсган қаламча қирқиб олинади. Қаламчанинг тепа қисмидаги яхши ривожланган куртак устидан ҳамда пастги худди шундай куртагининг остидан қирқилади. Унинг узунлиги 30 см. атрофида бўлиши лозим. Сўнг тепа қисмида тўртта яхши ривожланган куртакни қолдириб, қаламчанинг қолган қисми қирқиб ташланади. Бу тadbир қаламча илдиз отганидан кейин унда ер сатҳидан 10 см.лик поя ва тўртта новда шакллантириш мақсадида амалга оширилади.



Мевали ўсимликлар парвариши



1. Кузнинг бошларида тупроққа 5 см. қалинликда гўнг ва минерал ўғит ҳамда 1м² майдонга 15 гр. миқдорида калий сульфати солинади.



2. Экиш учун мўлжалланган чуқурча қазилган ўсимлик илдизларининг бемалол жойлашиши учун мос бўлиши керак.




3. Ҳар йили тупроқни минерал ўғит ва калий сульфати билан озиқлантириб туриш даркор. Бундан ташқари, кучи кетган ерларга маҳаллий ўғит (гўнг) солиниши ҳам фойдадан ҳоли эмас.




4. Ўсимликни қуш ва паррандалардан ҳимоя этиш учун ипдан тўқилган тўрдан фойдаланиш лозим.


Резавор мевалар. Қизил ва оқ смородина.




1. Эрта баҳорда асосий новда ярмига, ёнлама ўсган шоҳлар эса—2-3 см.гача қисқартирилади. Ўсимликнинг ер сатхидан 20 см.гача баландликда жойлашган барча ёнлама шоҳлари қирқиб ташланади.



2. Июнь—июль ойларида шу йилги шоҳларда 4-5 та барг қолдирилади. Ўсимликнинг асосий новдаси бир оз ривожланиши билан ёғоч тиргакка боғлаб қўйилади.



3. Баҳорда асосий новда 15 см.гача қолдириб, қирқилади. Ёнлама шоҳлар куртакнинг устидан қирқилади. Кейинги йили асосий новда битта куртакка қисқартириб борилади.



4. Июнь ойининг охири—июлнинг бошларида ўсимликнинг ёнлама шоҳларида 4-5 та барг қолдириб, қирқиб ташланади. Асосий новда ўсгани сари ёғоч тиргакка боғлаб борилади.

Мевали ўсимликлар парвариши

Узумнинг маданийлаштирилган кўплаб навлари асрлар мобайнида Осиё, Америка, Оврупонинг жануби, Африка қитъасининг шимолида жойлашган мамлакатларда ўстириб келинади. Унинг асл ватани Кичик Осиё ҳисобланади.

У кўп йиллик, барг тўкадиган ҳамда мўйчалари билан тиргакка ёйилиб ўсадиган узумсимон ўсимликлар оиласига мансуб.


Ток қандай усуллар ёрдамида ўстирилади?

Узумчилик билан шуғулланадиган хўжаликларда бўлган одам унинг турли усуллар ёрдамида кўпайтирилишига гувоҳ

бўлади. У асосан ҳаддан ташқари калта қилиб қирқиш ёйинки хомток қилиш усули билан иссиқхонада ёки очиқ ерда ўстирилади. Аммо шакл беришда қандай усул қўлланишидан қатъи назар, унинг фақат ёнлама шоҳларигина ҳосил беради. Аммо ток тез ўсиш хусусиятига эга бўлгани сабабли унда мевали шоҳларнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган кўплаб кичик шоҳчалар ҳосил бўлади. Шу боис ўсимликка ўз вақтида ва тўғри шакл беришнинг аҳамияти беқиёсдир.

Токка шакл беришнинг бошқа резали мевалардан фарқи шундаки, бу тadbир ўсимликнинг уйкудаги ҳолатида ҳам, унинг жадал ривожланаётган даврида ҳам амалга оширилади.

Иссиқхона шароитида ток парвариши



Иссиқхона шароитида ток одатда битта тиккасига ҳамда бир қанча ёнлама ўсган нов-

далардан иборат бўлади. Ана шу новдаларнинг ҳар бирида биттадан узум боши ҳосил бўлади.

Ток ва уни парвариш этиш усуллари

Хомток деганда баъзилар ўсимликнинг узун новдаларини олиб ташлашни тушунади. Аслида хомток мураккаброқ жараён эмасми? Унинг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?

Хомток қилганда токнинг фақат узун новдаларини олиб ташлаш билан чекланиб бўлмайди. Чунки бу жараён ўсиш нуқталарини чимтиш, кераксиз шоҳ ва новда ҳамда ортиқча узум бошларини олиб ташлашни ҳам кўзда тутати.

Ток қандай иқлим ва тупроқшароитида ўстирилади?


Ток турли-туман тупроқ шароитига мослашиши мумкин. Муҳими, тупроқ қатла-

ми чуқур ҳамда заҳи қочирилган бўлиши шарт. Бундан ташқари тупроқнинг рН даражаси (яъни ишқорланиш даражаси) 6,5 — 7,0 бирликдан ошмаслиги лозим.

Ток учун жой танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. У шамолдан ҳимояланган, аммо қуёш нурлари яхши тушадиган жойга экилади.

Ток одатда тиргакка маҳкамланган ёнлама (горизонтал) симларга боғлаб борилади. Агарда у девор ёнида ўстириладиган бўлса, унда тиргак симлари бир-биридан 25-30 см. масофада маҳкамланади. Очиқ ерга экилиши мўлжалланаётган ток учун эса баландлиги 2 м. келадиган, 2,5 — 3,5 м. оралиқ масофада ёғоч тиргаклар 60 см. баландлик, кейингилари эса ҳар 30 см. масофада тиргакка маҳкамланади.

Очиқ ерга экиладиган ток парвариши



Очиқ ер шароитида токнинг ёнламасига ривожланган новдаларининг тик ўсган шоҳчаларида

бир-иккита узум боши ҳосил бўлади. Бу шоҳлар ҳар йили алмаштирилиб турилиши лозим.

Мевали ўсимликлар парвариши

Ток йилнинг қайси фаслида экилгани маъқул?

Мамлакатимиз иқлим шароитида ток экиш учун энг қулай вақт ноябрдан март ойигача ҳисобланади. Унинг заифроқ новдасини қиш фаслида парникда сақлаб, музлаш ҳавфи ўтиши билан очиқ ерга экиш мумкин.

Девор ёнига экилаётган ток девордан 40 см., бир-биридан 1,2 м. масофада, очиқ ерда эса бир-биридан 1,2 — 1,5 м, қатор оралиғи 1,5 — 2 м. масофада экилиши лозим. Пайванд қилинган ток новдасининг пайванд жойи ер сатҳидан бир оз юқорида бўлиши кераклигини назардан қочирмаслик керак. Акс ҳолда пайванд қилинган жойнинг турли замбуруг ва зараркунандалар таъсирида ирий


бошлаши ва охир-оқибат новданинг нобуд бўлишига сабаб бўлади.

Иссиқхона шароитида парвариш этилаётган токка қай йўсинда шакл берилиши лозим?

Токни тўлақонли парвариш этиш, шакл беришдан ташқари ниҳолга жой тайёрлаш, нав танлаш ва экиш усули ҳамда иситиш каби тадбирларни ҳам қамраб олади.

Биринчи йили ҳали уйғонмаган (у ноябрдан февралгача шундай ҳолатда бўлади) бир йиллик ток новдаси гултувакдан олиниб, ерга экилади. Экишдан олдин новданинг ердан тахминан иккита куртагини қолдириб, қирқиб ташланади. Бундай қирқиш усули ҳали тўлиқ

Биринчи йили



1. Ноябрь-март ойлари оралиғида бир йиллик новда экилади. Унинг ер сатҳидан иккита куртагини қолдириб, қирқилади.



2. Апрель-октябрь ойларида ҳосил бўлган новдалардан энг бақуввати ажратиб олинади. Қолган иккиламчи новдаларнинг ўсиш нуқта-лари чимтиб қўйилади.




3. Ўсимлик баргининг тўқилиши билан новданинг учдан икки қисми қирқиб ташланади.

Ток ва уни парвариш этиш усуллари


кучга кирмаган, заиф новданинг эрта ҳосилга киришига йўл қўймаслик мақсадида қўлланилади. Натижада калта қирқилган ниҳолдан бир неча новдалар ҳосил бўлади. Улардан фақат битта, нисбатан бақувват ва соғлом новда танлаб олинади. Қолган новдалар ривожини тўхтатиш учун улар 10 см.га етиши билан ўсиш нуқталари чимтиб қўйилади. Вегетация мавсумининг якунланиши билан ўсимлик барглари тўкила бошлайди ва ток гўёки уйқуга кетгандек бўлади. Аслида бу даврда унда ғоят муҳим кимёвий ва биологик жараёнлар рўй беради. Шу боис, токка шакл бериш тадбири имкони борича эртaroқ, декабрь ойида барг тўкила бошлаган заҳоти амалга оширилгани маъқул.

Ўсимликнинг қай даражада кесили-


Иккинчи йили



4. Март-апрель ойида энг тепадаги куртакдан янги бошновда ҳосил бўлади. Худди шу даврда токнинг 2-3 см.га етган ёнлама новдаларининг учи олиб ташланади.



5. Апрель-сентябрь оралиғида яхши ривожланган токнинг баъзи ёнлама шоҳларида узум бошлари ҳосил бўлади. Буларнинг мева тугунчасидан 2 барг қолдириб чимтилади. Мева тугмаган шоҳлар 0,5 м.га етиши билан учидан биринчи тугунчасидан чимтиб қўйилади



6. Ноябрь ойида бошновданинг тахминан ярми, ёнлама шоҳларда эса 2 гача куртак қолдириб, қирқиб ташланади.


Мевали ўсимликлар парвариши

ши новдаларининг узунлиги ва югонлигига боғлиқ; у қанчалик узун ва югон бўлса, шунчалик калта қилиб кесилади. Умуман олганда, навток иккинчи вегетация мавсумининг охирида учдан икки қисмигача қисқартирилади.


Иккинчи йилнинг баҳорида учкуртадан янги бошновда, қолганларидан эса ёнлама новдалар шаклланади. Заруратга қараб, ёнлама новдалар 2-3 см.га етганидан кейин уларнинг сони бир оз қисқартирилиши мумкин.

Токнинг ривожланишига яхши шароит яратилган бўлса, шу йилнинг ўзидаёқ унинг баъзи шоҳларида бир неча бош узум ҳосил бўлиши мумкин. Худди шу даврда токнинг мева солган новдаларининг ҳам, бошқа ёнлама шоҳларининг ҳам учи чимтиб қўйилади. Асосий новданинг эса бутун ёз бўйи бемалол ривожланишига имкон берилади. Декабрь ойида асосий новда тахминан ярмига, қолган шоҳларда 2-3 та куртак қолдириб, қирқиб ташланади.

Учинчи ва ундан кейинги йиллар




7. Апрель-июль ойида ёнлама новдалар сони қисқартирилиши лозим (15 см. оралиқ масофа қолдирилади). Ҳар бир тўнкадан шаклланган янги ҳосилдор новдани тиргак симига боғлаб, ёнлама ҳолатда ўсишига имкон берилади.




8. Июль ойида ҳар бир ҳосилдор ёнлама новдадаги узум бошидан кейин икки барг қолдириб, қирқиб таш-

ланади. Ана шу ҳосилдор ёнбош новдаларда ҳосил бўлган иккиламчи шоҳ-шаббалар чимтиб қўйишлади.

Ток ва уни парвариш этиш усуллари



9. Сентябрь ойида ҳосил териб олинishi билан барча ёнлама новдалар ярмига қисқартирилади.



10. Октябр ойида бошновда тахминан ярмига, ёнбош шохлар эса 2-3 см.га қисқартирилади. Ёзда бу тадбир яна такрорланади.

Учинчи ва ундан кейинги йиллар ток шу тарзда парвариш этиб борилади. Бошновда иссиқхона бўйи баробар ўсиб боришини назарда тутиб, унинг ривожини бир оз тўхтатиш учун ёзда чимтиб қўйиш, қишда эса 2-3 см.гача қирқиб туриш лозим. Ҳосил териб олинishi билан ёнлама новдалар ярмига қисқартирилади, қишда эса 2-3 м қолдириб, қолгани қирқиб ташаланади. Натижада узун бошновда ҳамда кичик-кичик тўнкачалар шаклида ғаройиб бир ўсимлик пайдо бўлади.

Баҳор ва ёз ойларида ҳар бир тўнкачадан фақат битта новда ривожланишига имкон бериш керак. Новда ўса бошлаши билан уни тиргак симига боғлаб, ёнламасига шакллантириб бориш керак. Ҳосилдор новдаларда узум бошлари ҳаддан ташқари кўп бўлишига ҳам йўл қўймаслик лозим. Ҳар бир токда 12-15 та тўғри жойлашган узум боши ҳосил бўлса бас.

Узум бошини сийраклаштириш



Узум пишиб етила бошлаши билан учини ингичка қайчи ва ингичка таёқча ёрдамида мева оралигини бир оз сийраклаштириш лозим. Имкон қадар узум боши шаклини бузмасликка ҳамда меваларга қўл тегизмасликка ҳаракат қилиш керак.

Вақти-вақти билан касалланган ёки ёрилган мевалар ҳам қайчи ёрдамида олиб ташланиши даркор.

Мевали ўсимликлар парвариши

Очиқ жойда экилган ток парваришининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

Ўзбекистоннинг иқлим шароитида ток кўпинча очиқ майдонларга, ҳовли деворлари ёнида ўстирилади. Табиийки бундай ҳолларда вегетация даври нисбатан қисқа ҳамда тезпишар навлар танлаб экилиши лозим. Бунинг учун ток новдаларини калта қилиб қирқиш усули ёрдамида ҳосилдор ёнлама шоҳлар сонини бир оз чеклаш ҳамда токка қуёш нурининг имкон қадар кўпроқ тушишига имкон яратилиши орқали ушбу жараённинг тезлашувига эришиш мумкин. Албатта бунда, кесиш усулининг тўғри танланиши муҳим аҳамият касб этади. Боғдорчилик амалиётида ўсимликни кесиш ва унга шакл беришнинг энг самарали усулини яратиш борасида олиб борилган синовлар Гюйо тизимининг афзалликларини намоён этди. Мазкур тизим ёрдамида ўсимликка икки хил шакл бериш мумкин. Новдалари калта, секин ривожланадиган ток навлари учун (айниқса ертोक учун) бир елкали, новдалари тез ривожланиб, узун бўлиб кетадиган навлар учун — икки елкали шакллантириш усули қўлланилади.

Токнинг иқлим ва тупроқ шароитига мослашувига қараб, шакл беришнинг бир усулидан иккинчи усулига осонлик билан ўтиш мумкин. Аммо амалиётда икки елкалик усулнинг кўпроқ қўлланилиши боис биз, асосан, мазкур усулнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда афзалликлари хусусида сўз юритамиз.

Гюйо усулидан фойдаланганда ток новдалари қай тарзда шакллантириш лозим?

Токнинг тикка ҳамда ёнлама новдаларининг тўғри ривожланишини таъмин этиш учун, аввало, бир қанча тиргак ва унга горизонтал тарзда маҳкамланган сим бўлиши керак. Унинг ёрдамида ҳар йили иккита бақувват новданинг шаклланишига (бири — ўнг, иккинчиси — чап томонга йўналтирилади) шароит яратилади.

Кейинги йилнинг баҳор ва ёз ойларида

ана шу ёнлама новдалардан ҳосил бўлган бақувват, ҳосилдор новдаларни ривожланиб боргани сари бир-бирида 30 см. оралиқ масофада тиргак симига боғлаб борилади.

Ҳосилдор, ёнлама ривожланаётган новдалардан ташқари ток тупининг ўртасидан келаси йили ҳосилдор новдаларнинг ўрнини босадиган яна учта бақувват новда шакллантирилади. Ўтган йилги новдалар қирқиб ташлангандан кейин вегетация мавсумининг охирида ана шу учта новдадан иккитасининг ёнламасига ривожланишига имкон берилади. Учинчисини эса, келаси йили янги ҳосилдор новдалар пайдо бўлиши учун имкон қадар кўпроқ қирқилади.

Ток ниҳолини экаётганда илдизларини қирқиш шартми?

Аввало экишга мўлжалланган ток новдасининг илдизлари бақувват, яхши ривожланган бўлиши лозим. Илдизларни қирқишга келсак, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Ток қаламчаси ердан 15 см. баландликда 2 та куртак қолдириб, қирқиб ташланади, холос. Ёзда ҳосил бўлган новдалардан фақат биттасини олиб, баландлиги 1,8-2,0 м. тик тиргакка боғлаб қўйилади. Ток ривожини мобайнида пайдо бўлган, узунлиги 2-3 см.га етган ёнлама новдалар чимтиб қўйилиши лозим.


Келаси йили ток новдасининг бўйи 1,8 м.га етганида учта куртак қолдириб, у учдан икки қисмига қисқартирилади. Қолдирилган уч куртакдан иккитаси бир-бирига қарама-қарши ҳамда тиргакнинг энг пастки сими билан баробор бўлиши лозим.

Иккинчи йилнинг ёз ойларида ўсимлик куртакларидан ҳосил бўлган новдаларни тиккасига шакллантириш, пайдо бўлган новдаларни (бўйи 2-3 см.га етиши билан) чимтиб қўйиш лозим.


Октябрь ойида энг юғоридаги куртакдан ҳосил бўлган новдани учта куртагигача қирқиб олинади. Қолган икки новдадан бирини ўнг томонга, бошқасини — чап томонга тиргак симига боғланади ва 1 м.дан ортиқроқ қисми қирқиб ташланади.

Ток ва уни парвариш этиш усуллари


Биринчи йили



1. Бир йиллик ҳали уйғонмаган ток новдаси ерга экилади ва учдан икки қисми қирқиб олинади (новдада иккита куртак қолиши керак).




2. Апрель-август ойларида ҳосил бўлган новдалардан биттасини қолдириб, 1,8 м. баландликдаги тиргакка тик шакллантирилади. Ҳосил бўлган бошқа новдалар чимтиб қўйилади.




3. Вегетация даврининг охирида тик новданинг ердан 0,5 м.дан ортиқ қисми қирқиб олинади. Новданинг қуйи қисмидаги куртаклар бир-бирига қарама-қарши ҳамда тиргакнинг пастки сими билан баробар бўлиши керак.

Иккинчи йили



4. Апрель-август ойлари оралигида ҳосил бўлган новдалар вертикал (тиккасига) шакллантирилади. Токда ҳосил бўлган барча ёнлама новдаларнинг бўйи 2-3 см.га етиши билан чимтиб қўйилади.



5. Вегетация даврининг охирида учкуртакдан ҳосил бўлган новдада учта куртак қолдириб, қирқилади. Қолган икки куртакдан ҳосил бўлган новдаларнинг бирини ўнг томонга, иккинчисини — чап томонга тиргак симига боғлаб қўйилади ва 1 м.дан ортиқроқ қисми қирқиб олинади.

Мевали ўсимликлар парвариши

Учинчи ва ундан кейинги йиллар токнинг ёнлама шакллантирилган икки новдасидан бир қанча янги шоҳлар ҳосил бўлади. Мабо-до уларнинг сони ҳаддан ташқари кўп бўлса, ривожланишининг бошланғич босқичлари-даёқ уларни 15-20 см. оралиғ масофа қолди-риб, сийраклаштириш даркор. Ҳосилдор нов-далар тез ривожланиб тиргакнинг энг балан-даги симидан ошиб кета бошласа, у ҳолда ҳар бирини юқоридан иккинчи тугунчаси ёки уруғдонидан чимтиб қўйиш лозим.

Ўсимлик ривожланишининг секинлаши-ши, яъни вегетация даврининг охирида мева қилган ҳар икки новда қирқиб ташланади. Туп ўртасидаги учта новда эса ўтган йилгидек пар-вариш этилади. Яъни марказий новда учта кур-

тагигача қирқиб ташланади, қолган икки нов-данинг бирини ўнг томонга, иккинчисини — чап томонга тиргак симига боғлаб қўйилади.

Токни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя этиш учун унга қандай кимёвий моддалар би-лан ишлов бериш керак?

Токка ўз вақтида кимёвий ҳамда маҳал-лий ўғит солиш катта аҳамият касб этади. Ав-вало, баҳор фаслида ток тагига 2,5-3,5 см. чу-қурликда чириган гўнг солиш лозим. Бундан ташқари, токнинг тупроқдаги магний миқ-дорининг етишмовчилигига ўта таъсирчанли-гини назарда тутиб, 10 литр сувга 250 гр. маг-ний сульфатини эритиб, пуркатилиши яхши

Учинчи ва ундан кейинги йиллар



7. Вегетация мавсумининг охирида токнинг мева қилган ҳар икки новдаси қирқиб ташлана-ди. Энг юқоридаги куртадан ҳосил бўлган нов-да учта куртагигача қирқлади. Қолган икки нов-

данинг бири ўнг томонга, иккинчисини эса—чап томонга тиргак симига боғлаб қўйилади. Улар-нинг ҳар бири 1 м.гача, агар новда заифроқ бўлса, ундан ҳам калтароқ қилиб қирқилади.

Ток ва уни парвариш этиш усуллари

самара беради. Яна икки ҳафтадан кейин бу муолажа такрорланиши лозим. Қолаверса, бутун вегетация мавсуми мобайнида ҳафтасига бир марта узум етилиб, пиша бошлагунга ўсимликни суюқ минерал ўғит билан озиқлантириб туришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ҳосил қачон териб олингани маъқул?

Узум боши каттариб, меваси ранг ола бошлаши унинг тўлиқ пишиб етилганидан далолат бермайди. Чунки, узум меваси ширага тўлиши учун маълум муддат, масалан, эртапишар навлар учун — 4-5 ҳафта, кечкиларни учун 8-10 ҳафтагача вақт талаб этилади.

Ҳосил йиғиш жараёнида узум мевасига имкон қадар қўл тегизмасдан, уни гулқайчи ёрдамида шохчаси билан қирқиб олинса, мевани асл ҳолича сақлаш мумкин бўлади.

Сифатли мева етиштириш учун яна қандай қонун-қоидаларга амал қилиш зарур?

Аввало, шуни эътиборга олиш лозимки, токда ҳосил бўлган узум бошларини тўлиқ сақлаб қолишга интилиш келаси йили мева сифатининг пасайиб кетишига сабаб бўлади. Шу боис узум боши шаклланишининг бошланғич босқичларидаёқ заиф ҳамда касалманд новдаларни олиб ташлаш керак. Бундан ташқари, бир новдада одатда иккита узум боши ҳосил бўлишини назарда тутган ҳолда, улардан биттасини олиб ташлаган маъқул. Шу қоидага кўра, уч йиллик токда 2-3 та, тўрт йиллик токда 4-5 та узум боши қолдирилса, келаса йили улардан тўлиқ ҳосил териб олиш мумкин.

Қолаверса, август ойининг охири — сентябрь ойининг бошларида ҳаво алмашинуви-ни яхшилаш ҳамда узум бошига қуёш нурларининг кўпроқ тушиши учун токнинг куйи қисмидаги барглари аста-секин узиб борилади. Вақти-вақти билан узум бошларини қўздан кечириб, унинг касалланган, ириган ёки ёрилган меваларини узун, ингичка қайчи ёрдамида олиб ташлаш зарур.

УЗУМ НАВЛАРИ ЭРТАПИШАР НАВЛАР:

Оқ чиллаки. Меваси сувли, қанди кам. Узум бошининг оғирлиги 160 гр. келади. Ҳосилдорлиги 140 ц/га. Транспортда ташиш қулай. Қул касаллигига чидамсиз.

Сурхак китоби. Меваси хушбўй. Узум бошининг оғирлиги 350 гр. келади. Ҳосилдорлиги 150 ц/га. Транспортда ташиш қулай. Доғли некроз касаллигига чидамсиз.

Қора кишмиш. Меваси мазали, ширага бой. Узум бошининг оғирлиги 250 гр. келади. Ҳосилдорлиги 250 ц/га. Транспортда ташиш қулай. Оққиров касаллигига чидамсиз.

Оқ кишмиш. Меваси мазали. Узум бошининг оғирлиги 200 гр. келади. Ҳосилдорлиги 300 ц/га. Касаллик ва зараркунандаларга чидамсиз.

ЎРТАПИШАР НАВЛАР

Қора гўзал. Меваси хуштаъм, мазали. Узум бошининг оғирлиги 350 гр. келади. Ҳосилдорлиги 250 ц/га. Оққиров касаллигига чидамли.

Андижон қора узуми. Меваси ширали. Узум бошининг оғирлиги 340 гр. келади. Ҳосилдорлиги 250 ц/га. Касаллик ва совуққа чидамсиз.

Оқ ҳусайини. Ниҳоятда мазали. Узум бошининг оғирлиги 400 гр. келади. Ҳосилдорлиги 300 ц/га. Тез ўсиш хусусиятига. Касаллик ва совуққа чидамсиз.

Каттақўрғон. Меваси ширин, серсув. Узум бошининг оғирлиги 525 гр. келади. Ҳосилдорлиги 200 ц/га. Оққиров ва совуққа чидамсиз.

КЕЧКИ ПИШАР НАВЛАР

Пушти тойфи. Меваси йирик, ширали. Узум бошининг оғирлиги 500 гр. келади. Ҳосилдорлиги 200 ц/га. Касалликларга чидамли. Транспортда ташиш қулай.

Нияранг. Меваси йирик, серсув, мазаси тахирроқ. Узум бошининг оғирлиги 720 гр. келади. Ҳосилдорлиги 250 ц/га. Касалликларга чидамсиз. Совуққа чидамли.

Октябрский. Меваси йирик, ширали. Узум бошининг оғирлиги 500 гр. келади. Ҳосилдорлиги 350 ц/га. Касалликларга чидамли.

Ўзбекистон мускати. Хушбўй мускат ҳиди бор. Узум бошининг оғирлиги 450 гр. келади. Ҳосилдорлиги 400 ц/га. Касалликларга чидамли.

Қулдъжинский. Меваси йирик, серсув. Узум бошининг оғирлиги 300 гр. келади. Ҳосилдорлиги 200 ц/га. Касаллик ва зараркунандаларга чидамсиз.

Мевали ўсимликлар парвариши

Мевали ўсимликлар боғда қандай тартибда экилиши лозим?

Боғ майдони нисбатан каттароқ бўлса мевали дарахтлар ва қулупнай, қорағат (смородина) сингари реза мевалар қуёш нурлари кўпроқ тушадиган жойга экилгани маъқул. Чунки қуёш нури ва иссиқ ҳарорат меваларнинг пишиб етилиши, ширага тўлиши, ўсимлик новдаларининг тўғри ўсиши ҳамда келгуси йил ҳосилини таъмин этадиган гулкуртакларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.


Мевали дарахт ва экинларнинг жойлаштирилиши улар қандай мақсадда ўстирилаётганига ҳам боғлиқ. Хусусан, боғда ўсимликларни экиш чоғида, дейлик, дастурхонга узатиладиган мева навлари

қайта ишлашга мўлжалланган навларга қараганда қуёш нурига кўпроқ муҳтож бўлиши эътиборга олинаши лозим.

Мевали дарахтлар нимаси билан бошқа ўсимликлардан фарқланади?



Аввало, мевали дарахтларнинг аксарияти танасининг югонлиги ва ёғочсимон шаклга эга экани билан ажралиб туради. Аммо истисно тариқасида, бутасимон ўсимликларга яқинроқ бўлган анжир, қорамаржон, тут, беҳи, мушмула сингари ўсимликлар ҳам мевали дарахтлар гуруҳига киритилган.

Илмий адабиётда барчамизга таниш бўлган олма, нок, олхўри, гилос, шафтоли, ўрик, беҳи ва мушмула атиргул-




Олма дарахтининг яхши ривожланган мевали шоҳлари

Мевали дарахтлар. Олма ва нок.




Бир йиллик олма дарахти. Уланган жойдан юқорироқда— айвандуст, пастроқда— пайвандтаг жойлашган.

Олма дарахтининг танаси паст шакли



Уч-тўрт йиллик новдалардаги мевали шоҳчалар.



Дарахтнинг ёнлама новдалари. Юқорида: ўшиш куртакларига эга бир йиллик новда; пастда: ўшиш куртаги ва гулкуртакка эга икки йиллик новда.

Мевали ўсимликлар парвариши

дошлар оиласига, тут билан анжир тут-симонлар асига киритилади.

Мевали дарахтларнинг ўзига хос яна бир хусусияти шундан иборатки, улар, масалан, резали мевалар сингари дарров ҳосилга қирмайди. Ўз вақтида шакл бериб борилган ва парвариш этилган дарахт уч-тўрт йилдан кейингина ҳосил бера бошлайди. Бироқ яхши парвариш этилган дарахт бир неча ўн йиллар мобайнида ҳосил бериши мумкин.


Мевали дарахтни пайванд қилишнинг қандай қонун-қоидалари мавжуд?

Уруғ пайвандтағларига уланган олма, нок, шафтоли, гилос, ўрик, олхўри сингари мева дарахти ҳаддан ташқари каттариб, бутун боғ майдонини босиб олиши мумкин. Шу боис улар келгусида ҳосил бўлган дарахтнинг бўйи-бастини чеклаш


имконини берадиган пайвандтагга пайванд қилиниши лозим. Шунга қўра, олма кўпинча секин ўсадиган, бўйи паст бўладиган дарахтга, нок эса одатда беҳига пайванд қилинади. Бу жараёнда улашнинг уч тури: куртакпайванд, қаламчапайванд, исканапайванд усуллари қўлланади.

Мевали дарахт ўзини-ўзи чанглатиши мумкинми?

Резали мевалардан фарқли ўлароқ аксарият мевали дарахтлар ўзини-ўзи чанглатиш хусусиятига эга эмас. Бошқача айтганда, ўзининг гул чанги билан чангланган дарахт аксарият ҳолларда ҳосил тугмайди. Шу боис боғда бир турга мансуб бир неча мевали дарахт экилиши бежиз эмас. Бу ҳар бир дарахтнинг четдан (масалан, асалари билан) чангланишига имкон яратади. Бундан ташқари, боғда




Олма дарахтининг асосий новдали танасининг паст шакли.




Асосий шохга эга бўлмаган дарахт танасининг паст шакли.


Мевали дарахтлар. Олма ва нок.



Ишқом симига 45° бурчак билан ўстириладиган бир елкалик кордон шакли.



Асосий новда ҳамда яхши ривожланган ёнлама шоҳлардан иборат дарахтнинг карлик шакли.



Дарахтнинг тўрт “қават”ли ёнлама ривожланган пальметта шакли.

Мевали ўсимликлар парвариши

бир турга мансуб иккита-учта дарахт экилгани ва улар бир вақтда гулга киргани ҳам юқори ҳосилдорлик омилидир.

Чангланиш деганда нимани аглаш керак?


Чанглаш жараёни — дарахт гулидаги чангларнинг гулчангчисидаги уруғдан тумшукчасига тушушини қамраб олади. Бу ўсимликнинг уруғланиши ва мева тугишига олиб келади. Ўсимлик одатда асаларига ўхшаган ҳашоратлар, баъзан эса

шамол ёрдамида чангланади. Айрим ҳолларда сунъий чанглаш усуллари ҳам қўлланилиши мумкин

Аммо бир гуруҳга мансуб, бир хил навли ўсимликларнинг ҳаммаси ҳам четдан чангланиш хусусиятига эга эмас. Бу каби ўсимликлар ўзининг гулчанги билан ҳам, шу навга мансуб бошқа ўсимликлар гулчанги билан ҳам чангланмайди. Улар фақат бошқа ўсимлик гуруҳига мансуб навлар гулчанги билангина чангланиши мумкин.

Олма гулининг тузилиши

Уруғчи



Мевали дарахтлар. Олма ва нок.

Мевали дарахт қачон экилгани маъкул?

Аксарият ўсимлик ва буталар сингари мевали дарахт ҳам қуртаклари бўрта бошламаган, яъни дарахт ҳали уйғонмаган даврда экилиши шарт. Баҳорги кўчат экишда бу тадбир имкон қадар эртароқ, тупроқ қатлами қизимасиданоқ амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Катта гултувак ёки ёғоч қутига эса дарахт исталган вақтда экилиши мумкин.

Агар кўчат экиш ноқулай бўлган дав-


рда келтирилган бўлса, уни боғнинг бир бурчагида қазилган чуқурчага томирларини похол ёки қопга ўраган ҳолда сақлаш мумкин.

Дарахт экаётганда нималарга эътибор қаратиш лозим?


Аввало, кўчат учун қазилган чуқурчанинг эни ва чуқурлиги шундай бўлиши лозимки, унда ўсимлик илдизлари ёйилган ҳолда бемалол жойлаша олсин. Бун-



1. Кўчат илдизлари қуриб қолган бўлса, экишдан олдин уни намлаш лозим. Бундан ташқари синган ёки ҳаддан ташқари узун илдизлар қирқиб ташланиши шарт.



2. Ерга тиргак қоқилади. Сўнг кўчат илдизлари бемалол жойлашиши мумкин бўлган чуқурча қазилади. Чуқурчанинг девор томони бир оз пастроқ, ўрта-си эса баландроқ бўлиши лозим.



3. Кўчат чуқурчага ёғоч тиргакдан 5-7 см. масофада экилади. Кўчатнинг илдизбўйини ер сатҳи билан баробар бўлиши керак. Чуқурча тупроқ билан тўлдирилади ва юзаси оҳиста босиб қўйилади.

Мевали ўсимликлар парвариши

дан ташқари, юзадаги маҳсулдор тупроқ чуқурчанинг тубидан қазиб олинган тупроқ билан аралаштирилмагани маъқул. Экишдан олдин чуқурча тубига бир оз тупроқ ва гўнг солиб, яхшилаб аралаштирилади. Сўнг гулқайчи ёрдамида кўчати нинг синган ёки ҳаддан ташқари узун илдизлари қирқиб ташланади. Чуқурча олдин маҳсулдор тупроқ, кейин қолган қисми билан тўлдирилади. Кўчат ёғоч тиргакдан 5-7 см. масофада, пайванд қилинган жойи эса ер сатҳидан камида 10 см. баландроқ экилиши шарт. Ниҳоят, кўчат атрофига чириган гўнг солиб, у тиргакка боғлаб қўйилади.

Олма ва нок — деярли ҳар бир боғда ўстириладиган, кенг тарқалган мевали да-


рахтлардан. XX асрнинг охирларига келиб унинг олти мингдан ортиқ навлари ўстирилаётгани аниқланган.

Нок ҳам олма сингари қадимдан ўстириб келинади. Унинг ватани Оврупо бўлиб, ҳозирги вақтда оврупо ўрмонларида ёввойи нокни учратиш мумкин.

Олма ва нок кўчати боғнинг қайси қисмида экилгани маъқул?


Имкони бўлса, кўчат боғнинг қуёшли, қаттиқ шамол ва совуқдан панароқ жойида экилгани дуруст. Қуёш нурлари айниқса нок учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки соя-салқин жойда ўстирилаётган нокнинг ташқи кўриниши ҳам,

Ёнлама шоҳли бир йиллик кўчатни кесиш усули



1. Экилганидан кейин кўчат ёғоч тиргакка боғланиб, унинг асосий новдаси кичик (карлик) шакли навлар учун 60 см., танаси паст навлар учун 75 см. қирқиб ташланади.

Иккинчи йили



2. Иккиламчи шоҳлардан тўрттасини танлаб, энг бақуввати ярмига, қолганлари эса учдан икки қисмига қисқартирилади. Ортиқча новда ва шоҳ-шабба ҳалқа шаклида таги билан қирқиб ташланади.

Мевали дарахтлар. Олма ва нок.

мазаси ҳам одатда кўнгилдагидек бўлмайди. Шу боис, шароитга қараб, дастурхонга тортиладиган олма ва нок боғнинг энг қуёшли, қайта ишлашга мўлжалланган навларни эса — қуёш камроқ тушадиган жойга экилгани маъқул. Чунки қайта ишлаш учун меванинг ранги ҳам, унинг мазаси ҳам муҳим аҳамият касб этмайди.


Қолаверса, олма ва нок дарахтининг шамолдан ҳимоя этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зеро, бу мевали дарахтлар ҳашоратлар билан чангланishi боис қаттиқ шамол уларнинг бу фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин. Натижада дарахт яхши чангланмай қолиши мумкин. Демак, боғнинг олма ва нок

экилган томони жонли девор ёки тахта билан тўсилмоғи ёки ана шу дарахтларнинг кичик (карлик) навлари ўстирилмоғи лозим.

Нима учун олма ва нок дарахти фақат пайванд йўли билан ўстирилади?


Ҳап шундаки, бу мевали дарахтларни илдизи билан кўпайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар самарасиз якунланган. Бундай йўл билан кўпайтирилган дарахтнинг илдизлари яхши ривожланмайди ё улар йириклашиб камҳосил бўлади. Шу боис олма ва нок бошқа ўзига мос пайвандтагга уланади.

Учинчи йили



3. Дарахтнинг яна тўртта яхши ривожланган шоҳлари танлаб олинади ва ундан икки қисмига қисқартирилади.

Тўртинчи ва ундан кейинги йиллар



4. Бу даврда дарахт шаклланиши якунлангани боис, шоҳларини қирқиш шарт эмас. Бу тадбир дарахт секин ўсаётгандагина амалга оширилиши мумкин. Шунда ҳам унинг ёнлама шоҳларига тегмасдан, ичкарига қараб ўсган, бир-бирига чирмашиб кетган шоҳлари қирқилади.

Мевали ўсимликлар парвариши

Олма ва нок дарахтига йилнинг қайси фаслида шакл берилиши (қирқилиши) лозим?

Бу тadbир эрта баҳорда ёки қишда (аммо ҳарорат 10-15°C дан паст бўлмаслиги керак) амалга оширилгани мақсадга мувофиқ.


Ёнлама шоҳларсиз бир йиллик ўсимликка шакл бериш. Экишдан олдин бўйи

кичик (карлик) шаклли кўчатдан 60 см, танаси паст шаклли кўчатдан 75 см. қирқиб ташланади. Кесилган жойдан қуйироқда камида икки-учта куртак қолиши шарт. Келаси йили ана шу куртаклардан бирламчи новдалар ҳосил бўлади.

Ёнлама шоҳли бир йиллик ўсимликка шакл бериш. Бу кўчатни ҳам бир қанча


Калта қирқиш усули

Биринчи йили



Дарахтнинг бир йиллик шоҳи тўрт куртагигача қирқилади.

Иккинчи йили



Ёнлама навда гулкуртаккача қирқилади

Учинчи ва тўртинчи йили



3. Новдада мева соладиган гулкуртаклар ҳосил бўла бошлайди.


Ёшартириш усули

Биринчи йили




Дарахтнинг бақувват, яхши ривожланган новдаси танлаб олинади, лекин шу йили уни кесиш шарт эмас.

Иккинчи йили




Новдада гулкуртаклар ҳосил бўлади. Новданинг шу йили ўсган қисми қирқиб ташланади.

Учинчи йили



3. Мева қилган новдада 2-3 см. кундача қолдириб, қирқиб ташланади.



4. Вегетация мавсумининг охирида кундачадан янги бақувват новда ҳосил бўлиши билан ёшартириш тadbири қайтадан бажарилади.

Мевали дарахтлар. Олма ва нок.

қулай жойлашган шоҳларини қолдириб, юқорида айтиб ўстирилган усулда қирқилади. Шакллантириш учун қолдирилган шоҳлар тахминан учдан бирига қисқартирилади. Қолгани эса ҳалқа шаклида тагидан қирқиб ташланади.

Икки йиллик ўсимликни қирқиш усули. Кузнинг охири — қишнинг бошларида бирламчи новдаларни шакллантириш учун ўсимликнинг уч-тўртта бақувват шоҳлари танлаб олинади-да, бақувватроғи — ярмига, қолганлари учдан икки қисмига қисқартирилади.

Учинчи йили дарахт 7-8 шоҳдан иборат бўлади. Улардан бақувватроғи ярмига, қолганлари учдан икки қисмига қис-


қартирилади. Дарахт танаси очиқ бўлиши учун ўткир бурчакшаклида ўсган шоҳ-шаббалар таги билан қирқилиши керак. Бундан ташқари, дарахт танасини ортиқча шоҳ-шаббалардан тозалаб, боғ муми суртилиб қўйилади.

Тўртинчи йили дарахт қисман ҳосилга кирса-да, барибир, унга шакл беришни давом эттириш даркор. Аммо секин ўсадиган навлар учун бу муолажа яна уч-тўрт йилга чўзилиши мумкин.


Мева солган дарахтга шакл бериш. Тўртинчи, айниқса бешинчи йили дарахт тўлиқ ҳосил бера бошлайди. Бундан буён дарахтга шакл бериш унинг ҳолатига боғлиқ бўлади. Шуниси борки, дарахт қан-

Дарахтнинг урчуқсимон шакли


Биринчи йили



1. Чуқурча қазилиб унга ёғоч тиргак қоқиб қўйилади. Сўнг кўчат экилиб, тиргакка боғланади.



2. Кўчатнинг учта-тўртта ёнлама шоҳлари танлаб олинади ва ярмигача қирқиб ташланади. Ортиқча шоҳлар таги билан қирқилиши керак.



3. Асосий новда юқоридаги учинчи кўртагининг устидан қирқилади.

Мевали ўсимликлар парвариши

чалик калта қилиб қирқилса, унинг шоҳлари шунчалик кўп ўсади, лекин ҳосилдорлик, аксинча, пасайиб кетади. Шоҳлари камроқ қирқилган дарахт кўп ҳосил берса-да, меваси ҳаддан ташқари кичрайиб кетади. Демак, бундай ҳолларда шакл беришнинг мўътадил бир усули танлангани маъқул. Бошқача айтганда, дарахт ҳаддан ташқари калта ёки узун қирқиб юборилмаслиги лозим.

Бундан ташқари, профилактика мақсадида, яъни дарахт танаси доимо очик ҳолда бўлишини таъминлаш учун унинг тигиз, бир-бирига чирмашиб кетган, касалланган ёки жароҳат олган шоҳ-шаббаларини ўз вақтида қирқиб туриш ҳам мақсадга мувофиқдир.


Олма ва нок дарахтининг қандай шакллари мавжуд? Дарахтни парвариш этишда унинг шаклининг қандай аҳамияти бор?

Боғдорчилик амалиётида олма ва нок дарахтининг кўплаб шаклларини учратиш мумкин. Куйида биз уларнинг асосий турлари: урчуқсимон, кордон ва пальметта (яъни пальмасимон) шакллари хусусида сўз юритамиз.


Дарахтнинг урчуқсимон шакли. Дарахт танасининг бундай шакли шоҳларининг шаклланиши, кенг бурчак ҳосил қилиб ривожланиши билан ажралиб туради. Бундай шаклга эга ўсимлик кўчатини экишда 2,5-3 м. келадиган ёғоч тиргак талаб этилади.

Дарахтнинг урчуқсимон шакли


Иккинчи йили



4. Август ойига келиб ёнлама шоҳлар ва асосий новда анчагина ўсади. Асосий новда тиргакка боғланиб, ёнлама шоҳлар 60° бурчаккача эгилади.



5. Асосий новданинг учи бир оз қисқартирилади. Юқориға қараб ўсаётган шоҳлар таги билан, қолганларининг тўртдан бир қисми қирқиб ташланади.



6. Шоҳ тегишли бурчак ҳосил қилгандан кейин, ип ечиб олинади ва янги ёнлама шоҳларни 60° бурчак остида шакллантиришга киришилади.

Мевали дарахтлар. Олма ва нок.

Урчуқсимон шаклга эга дарахт қандай парвариш этилиши лозим?


Биринчи йили

Биринчи йили ўтган йили ўтқазилган ўсимликнинг уч-тўртта ёнлама шоҳларини танлаб, асосий новда учинчи қуртак устидан, қолганлари эса ярмигача қирқиб олинади. Ёзда (июль-август) бирламчи ёнлама шоҳлар бўйига чўзилиши ва эҳтимол, бир қанча янги новдалар ҳосил бўлиши ҳам мумкин. Уч-тўртта яхши ривожланган ёнлама шоҳларни юғон, лекин юмшоқ ил ёрдамида пастга қараб (60° бурчаккача) эгиб, ерга қоқилган ёғоч таёқчаларга боғланади. Юғори-га қараб ўсаётган барча новдалар қирқиб ташланиши керак.


Иккинчи йили асосий новданинг учи

Дарахтнинг кордон шакли

Иккинчи ва ундап кейинги йиллар



1. Бир йиллик кўчат 45° бурчак билан маҳкамланган ёғоч тиргакка боғланади ва худди шундай тарзда шакллантириб борилади. Биринчи йили кўчатнинг асосий новдасига тегилмайди, лекин унинг барча ёнлама шоҳлари тўрт қуртагигача қирқиб ташланади.



2. Бир йилдан кейин калта қилиб қирқилган ёнлама шоҳларда мевабанд ҳосил бўлади. Шоҳга жароҳат етказмай, учидаги гуллари олиб ташланади.



3. Июлнинг охирларида дарахт танасидан ўсиб ривожланган барча ёнлама шоҳларнинг учта яхши шаклланган бегини қолдириб, қолгани қирқиб ташланади.

Мевали ўсимликлар парвариши

бир оз қирқиб олинади. Юқорига қараб ўсаётган ҳамда асосий новда билан рақобат қилиши мумкин бўлган шоҳлар тагидан қирқилиши керак. Қолган ёнлама шоҳлар ҳам тўртдан бирига қисқартирилади.

Дарахт ҳосилга кирганидан кейин унинг ёнлама шоҳларини эгишга зарурат қолмайди, чунки мевали шоҳнинг ўзи аста-секин ерга эгила бошлайди.


Кордон шакли битта асосий новда ҳамда бир неча ёнлама шоҳлардан иборат. Бу шакл ёрдамида дарахтни юқорига қараб ёки қиялатиб ўстириш мумкин. Кордон шаклида ўстирилган дарахт анча ихчам бўлгани боис, ер майдони у қадар катта бўлмаган боғларда кўпроқ учрайди.

Кордон шаклида ўстирилаётган дарахт биринчи йили мева қилмагани маъқул. Бунга эришиш учун кузда унинг гулчаклари авайлаб олиб ташланиши лозим.


Кордон шакли дарахтни мавсумий парваришнинг ўзига хос қандай хусусиятлари мавжуд?

Баъзи боғбонлар мевали дарахтни ёзда кесмаган маъқул деб ҳисоблайди. Бундай фикрларга қўшилиш асло мумкин эмас. Агар дарахт ҳаддан ташқари ўсиб кетмасин ва танаси атрофидаги шоҳларда мева қилсин, десангиз, у ёз фаслида кесилиши шарт. Бунда кўпинча инглиз олими Лоретт усули қўлланила-

Мева солган дарахтни парвариш этиш



1. Дарахтнинг асосий новдасининг бўйи 2м.га этиши билан унинг шу йил мобайнида ўсган қисми қирқиб ташланиши шарт.



2. Ҳар йилнинг июлида асосий новда 2-3 см.гача қисқартириб борилади. Яхши ривожланган бевосита дарахт тепасидан ҳосил бўлса ёнлама шоҳлар учта баргигача, иккиламчи шоҳлар эса битта баргигача қирқилади.

Мевали дарахтлар. Олма ва нок.

ди. Унга кўра, масалан, Буюк Британи-
яда ноклар июлнинг ўрталарида, олма
дарахти эса июлнинг иккинчи ярмида
(аниқроғи, июлнинг учинчи ҳафтасида)
кесилиши тафсия этилади. Шимолий
ҳудудларда бу тадбир 7-10 кундан кейин
бажарилиши мумкин. Лоретт усулининг
моҳияти шундан иборатки, бевосита да-
рахт танасидан ривожланган шу йилги
новдалар учта баргигача қирқилади. Ён-
лама шоҳлардаги яхши ривожланган
новдаларнинг фақат битта барги қолди-
рилади. Ҳали яхши шаклланиб улгурма-
ган новдалар эса кузгача қирқилмайди.

Одатда гулкуртак новданинг учига
жойлашгани боис, уни 25 см. кўпроқ қир-
қилишига йўл қўймаслик даркор.


Мева солган дарахтга қай йўсинда шакл берилади?

Ёзнинг биринчи ярмида дарахтнинг бўйи
2м.га етганидан кейин новданинг шу йили
ҳосил бўлган қисми тўлиқ қирқиб ташла-
нади. Ёзнинг ўрталарида асосий новда 2-3
см.гача, июлнинг иккинчи ярмида қолган
новдаларга Лоретт усули асосида шакл бе-
рилади. Агарда июль ойида қирқилган нов-
дада янги шоҳ ҳосил бўлса, у хазонрез дав-
ри арафасида қирқиб ташланади.


Нок ва олма сингари дарахтларнинг эрта
баҳорда қирқилишининг ўзиги хос хусуси-
ятлари мавжуд. Аввало, бу даврда асосий
новда ҳам, ёнлама шоҳлар ҳам одатда қир-
қилмайди. Лекин ҳаддан ташқари тез ёки

Дарахтнинг пальметтасимон шакли

Биринчи йили



1. Бир йиллик шоҳсиз кўчат экилади. Ўсимлик
танаси ердан тахминан 40 см. баландликда қир-
қиб ташланади. Танлаб олинган уч кўртақдан
иккитаси бир-бирига қарама-қарши жойлашган
бўлиши керак.



2. Ёзда юқоридаги кўртақдан ҳосил бўлган нов-
да тиккасига, қуйироқдаги кўртақлардан ри-
вожланган новдалар ўсимлик танасига нисба-
тан 45° бурчак билан шакллантирилмағи дар-
кор. Бунинг учун улар таяқча ёрдамида симга
боғлаб қўйилади.

Мевали ўсимликлар парвариши


аксинча, ўта секин ривожланаётган дарaxт бундан мустасно. Бундай дарaxтни шакллантириш ва қирқиш талаб этилади.

Агар кордон шаклида ўстириладиган ёш дарaxтнинг ёнлама шоxлари яхши ривожланмаётган бўлса, у ҳолда асосий новданинг учдан бир қисмини қисқартириш йўли билан ёнлама шоxларнинг жадал ривожланишига имкон яратилади.

Пальметтасимон (яъни пальма синга-


ри) шаклида ўстириладиган дарaxт нафақат ривожланиши балки ташқи кўриниши ҳамда кўрки билан ҳам ажралиб туради. Табиийки, пальметта шаклида ўстириладиган дарaxтни парвариш этишнинг, хусусан, қирқишнинг ўзига хос жиҳатлари бор.

Биринчи йили кеч куз ёки эрта баҳорда шоxламаган кўчат экилади ва 40 см.гача (яъни унда учта яхши куртак қолди-



3. Вегетация мавсумининг охирида пастдаги икки новдани юмшоқ ип ёрдамида симга боқлаб, тўлиқ горизонтал ҳолатга келтирилади.

Дарaxт танасида ҳосил бўлган ортиқча новдаларда учта куртак қолдириб, қирқиб ташланади.




4. Баҳорда асосий новда 45 см.гача (учта куртак қолдириб) қирқилади. Агарда ўсимлик ри-

вожи суст бўлса, у ҳолда ёнлама шоxларнинг учдан бир қисми қирқиб олиниши керак.


Мевали дарахтлар. Олма ва нок.

Иккинчи ва ундан кейинги йиллар



5. Ёзда юқорида баён этилган тарзда ўсимликнинг иккинчи “қават”и шакллантирилади. Кейинги “қават” шоҳлари билан рақобат қилиши

мумкин бўлган новдалар учта баргигача қирқиб ташланади.



6. Эрта баҳорда асосий новданинг иккинчи “қават”даги қисми 45 см.гача қирқилиб, учта яхши куртак қолдирилади. Дарахт танасида ортиқча шоҳлар ҳам учта куртагигача қисқ-

артирилади. Иккинчи “қаватдаги ёнлама шоҳлар симга боғлаб қўйилади. Ўсимлик ривожси суст бўлса, бу шоҳлар учдан бирига қисқартирилади.

Мевали ўсимликлар парвариши

рилса бас) қирқилади. Шуниси ҳам муҳимки, қуйироқдаги куртаклар бир-бирига қарама-қарши жойлашган бўлиши шарт.

Баҳорда юқоридаги куртакдан ҳосил бўлган новда тиккасига, қуйироқдаги икки куртакдан ривожланган новдалардан бири ўнг томонга, иккинчиси чап томонга 45° бурчак билан шакллантирилади. Бунинг учун улар таёқча ёрдамида ёнлама симга боғланади. Шу тариқа биринчи вегетация мавсумининг охирида пастки икки новдани ёнлама симга боғлаб тўлиқ горизонтал ҳолатга келтириш мумкин.


Иккинчи йили ўтган йилги муолажа такрорланади. Аммо бу гал барча саъй-ҳаракат кейинги поғонадаги новдаларни шакллантиришга қаратилади. Яъни иккинчи “қават”даги шоҳлар ёнламасига симга боғланади ва шу тарзда шакллантирилади. Асосий новда 40 см.гача, ортиқча шоҳ-шаббалар учта куртагигача қирқилади. Ўсимлик ривожини суст бўлса, ёнлама шоҳлар ҳам учдан бирига қисқартирилади. Бутун ёз давомида рақобатчи новдаларда учта барг қолдириб, қисқар-

тириб турилади. Шу тариқа дарахт қават-ма-қават шакллантириб борилади. “Қават”лар сони тупроқ ҳолати, дарахтнинг жойлашуви ва бошқа бир қанча омилларга боғлиқ. Лекин, одатда “қават” 4-5 дан ошмайди.

Олма ва нок ҳосилдорлигини ошириш учун қандай қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим?

Аввало, бегона ўтларга қарши курашиш, тупроқ таркибини яхшилаш ҳамда керакли ҳароратни сақлаб туриш учун март ойининг бошларида дарахт атрофини тахминан 5 см. чуқурликда майда торф, чиринди ёки гўн билан ёпиш зарур. Аммо дарахт тагига солинган ўғит билан унинг танаси орасида бир оз оралиқ масофа қолиши шарт. Акс ҳолда, ўғитда кўпаядиган турли замбуруқ ва ҳашоратлар таъсирида дарахт касалланиши мумкин.

Юқорида баён этилган тафсиялардан ташқари олма ва нок дарахти баҳор фаслида (1м² майдонга 30гр. миқдорида) аммоний сульфати (селитраси), куз фасли-



7. Сўнгги “қават” шаклланиши билан асосий новда тўлиқ қирқиб ташланади.

Бундан бўён ўсимлик кардон шаклдаги дарахт сингари қирқиб борилади.

Мевали дарахтлар. Олма ва нок.

да (1м² майдонга 20гр. миқдорида) калий сульфати, қолаверса, ҳар уч йилда бир марта (1м² майдонга 60 гр.) суперфосфат билан озиклантириб борилса, кутилган натижага эришиш мумкин.

Баъзан дарахт ҳаддан ташқари кўп ҳосил қилгани сабабли меванинг ҳажми кичрайиб, сифати пасайиб кетиш ҳоллари кузатилади. Бундай пайтда кўпинча мевани сийраклаштириш тадбири ўтказилади.

Меванинг пишиб етилганини қандай аниқлаш мумкин?

Олма ва нок мевасини қўлда бир оз қўтарганингизда, у тупгулбарги билан узилиб келса, бу унинг пишиб етилганидек дарак беради. Баъзи навлар меваси пишиб етилиши билан битта-иккитадан ерга туша бошлайди. Кечки навлар мевасининг пишиб етилганини эса унинг уруғидан аниқлаш мумкин. Меванинг уруғи боши-

да оқшроқ, пишиб етилганда эса малларанг тус олади.

Эртаги нок меваси бир оз ғўрроқ ҳолатида териб олингани ва совуқроқ жойда сақлангани маъқул. Акс ҳолда пишиб етилгунича дарахтда қолиб кетган мева тез орада сўлиб, ичи қорайиб кетиши мумкин.

Касаллик ва мева қуртига қарши қандай курашиш лозим?


Ҳосилдорлик ҳамда мева сифатига салбий таъсир этадиган кўтир, оққиров касалликларига қарши мис, хлор оксиди ва бор моддасига тўйинган суюқлик яхши самара беради. Ўсимликнинг қора саратон касаллигига чалинган жойи эса тўлиқ қирқиб ташланиши шарт.

Ўсимлик битига қарши карбофос ёки совун эритмаси, мева қурти ва барг кемивучи ҳашоратларга қарши карбофос ёки хлорофос кимёвий моддаларини қўллаш мумкин.

Мевани сийраклаштириш



Июннинг ўрталари—июлнинг бошларида ўтқир қайчи ёрдамида сийраклаштириш тадбири амалга оширилади. Расмда акс эттирилганидек, мева бош ва кўрсаткич бармоқ билан тугунчасидан узиб олинади.



Июлнинг охири—августнинг бошларида бу тадбир иккинчи бор амалга оширилади. Ҳар бир олма тупгул баргида 2-3 та, нок тупгул баргида 2 та мева қолдирилади.

Мевали ўсимликлар парвариши

Олхўри — барг тўкадиган, бўйи 5–10 м.га етадиган мевали ўсимлик. Унинг қандай пайдо бўлгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Олхўри тёрн ва ёввойи олчанинг ча-тиштирилиши натижасида пайдо бўлган деган тахминлар бор.

Мевасининг шаклига кўра унинг икки тури ўстирилади: юмалоқ ва чўзинчоқ шаклли олхўри.

Айрим боғбонлар олхўри дарахтини қиш фаслида кесиб бўлмайди дейишади. Бу-нинг боиси нимада?


Чиндан ҳам олхўри дарахтини қиш фаслида кесмаган маъқул. Чунки бу давр-да кесилган дарахт турли замбуруғли ка-салликларга чалиниб, охир-оқибат куриб қолиши мумкин. Ҳеч бўлмаганда дарахт-

нинг заҳа олган, кесилган жойига шу за-хоти боғ муми суртиб қўйилиши лозим.

Олхўри дарахтига айниқса катта за-рар етказадиган касалликлардан бири — дарахт танасида ин қўйган замбуруғ кел-тириб чиқарадиган касалликдир. Куза-тувларга кўра, замбуруғ дарахт танаси-га унинг жароҳатланган жойидан кириб олар экан. Бу ҳол кўпинча қиш фаслида рўй беради. Шунинг учун ҳам дарахт қиш фаслида қирқилмаслиги лозим. Бунбан ташқари, ўсимлик ривожига ҳамда ҳосил-дорлигига салбий таъсир этувчи бошқа омиллар ҳам мавжуд. Масалан, қиш пал-ласида айрим қушларнинг дарахт гукур-такларини чўқиши оқибатида унинг ҳосиллигига жиддий зарар етказилади. Қушларга қарши кураш усуллари ало-ҳида мавзу бўлгани боис бу масалага биз



1. Кузда ерни чопиб, кўп йиллик бегона ўтлар юлиб ташланади. Тупроққа 120 гр. минерал ўғит ҳамда 60 гр. миқдорида суяк уни қўшилади.



2. Ерга ёғоч тиргак қоқилади. Урчуқ шаклида ўстириляётган дарахт учун ёнламасига сим тортилади. Кучатни экиб, уни ёғоч тиргакка ёки симга боғлаб қўйиш даркор.

Мевали дарахтлар. Олхўри.

алоҳида тўхталиб ўтирмаймиз. Аммо нима учун дарахт шоҳлари яланғоч бўлиб қолгани ва у яхши гулламаётганининг асл сабабини ҳар бир боғбон билиши керак.

Биринчи йили. Бир йиллик олхўри кўчатининг куртаклари очилиши арафасида танаси паст дарахт ердан тахминан 1 м, танаси ўртача дарахт — 1,3 м, танаси узун дарахт — 1,8 м. баландликда куртак устидан қирқиб ташланади. Дарахт танасининг юғонлашувига эришиш учун унинг барча ёнлама ўсган шоҳлари 7-8 см.га қисқартирилиши керак.

Иккинчи йили. Эрта баҳорда дарахтнинг кенг бурчак остида ўсаётган тўртта новдаси танлаб олинади ва улар тахминан ярмига қисқартирилади. Қалин новдалар, жумладан, ўтган йили

дарахт танасининг юғонлашиши учун қолдирилган барча ёнлама шоҳлар қирқиб ташланиши керак. Ёзда илдизости ҳамда дарахт танасининг қуйи қисмидаги шоҳчалар тагидан олиб ташланиши лозим.

Олхўри экиладиган жой қандай талабларга жавоб бериши керак?

Аввало, олхўри учун мўлжалланган жой бегона ўтлардан тозаланган бўлиши керак. Бундан ташқари, дарахтни экишдан олдин тупроққа минерал ўғит ҳамда суяк уни солиниши керак (1м² майдонга 60 гр. миқдорида). Ниҳоят танланган жой тупроғи унумсиз бўлса, бу ер чириган гўнг ёки компост билан бойитилиши лозим (1м² майдонга тахминан 5 л.).



3. Эрта баҳорда тупроққа минерал ўғит, яна бир ойдан кейин эса аммоний сульфати ҳамда 3-5 см. чуқурликка чириган гўнг ёки компост солинади.



4. Мева ҳажми ёнғоқдек бўлганида ҳамда да-наги шаклланиши билан сийраклаштириш тад-бирига киришиш мумкин.

Мевали ўсимликлар парвариши

Олхўри дарахти қачон экилгани маъқул?


Бошқа мевали дарахтлар сингари олхўри ҳам ўсимлик куртаги уйғонмаган, яъни баҳор ёки куз ойларида экилади.

Агарда олхўри экиладиган жой шамолдан ҳимояланмаган бўлса, унда 4-5 йил мобайнида ўсимликни ёғоч тиргакка боғлаб қўйишга тўғри келади.

Яна бир муҳим қоида шундан иборатки, олхўри қандай шаклда ўстирилишидан қатъи назар кўчатлар ўртасидаги масофа урчуқсимон ва бўйи кичик (карлик) дарахтлар учун 3-4,5 м., палметта шаклидаги ўсимликлар учун 5,5-6 м.дан кам бўлмаслиги даркор.

Дарахтнинг пирамидасимон шакли

Биринчи йили




1. Эрта баҳорда асосий новда ер сатҳидан 1,5 м. баландликда қирқилади. Ердан 0,5 м. пастроқ жойлашган ёнлама шоҳлар тагидан ҳалқа шаклида, қолганлари эса ярмига қисқартирилади.

Олхўри дарахти қай тарзда озиклантирилади?

Эрта баҳорда дарахт атрофига комплекс минерал ўғит ва 1 м²га 30 гр. миқдорда аммиак силитраси солинади. Бундан ташқари, ёш ўсимликка 2-2,5 см. қалинликда чириган гўнг солиниши ҳам яхши самара беради. Аммо бунда бир қоидага қатъий амал қилиш лозим: ўғит билан дарахт танаси орасидаги оралиқ масофа камида 5 см. бўлиши шарт.

Олхўри ўзини-ўзи чанглатиш хусусиятига эгами?

Олхўри мевали дарахтлар орасида энг эрта гуллайдиганлардан бири ҳисобланади. Унинг девор ёнида ўстирилаётган баъ-



2. Ёзда шу йилги новдаларнинг 20 см., иккиламчи ёнлама шоҳлар эса 15 см.га қисқартирилади. Бу даврда тик ўсаётган асосий новда қирқилмаслиги шарт.

Мевали дарахтлар. Олхўри.

зи навлари чанглатувчи-ҳашоратлар ҳали унчалик кўпайган маҳал очиқ майдонда экилган олхўри дарахтига нисбатан 7-10 кун илгарироқ гуллайди. Бундай ҳолларда сунъий чанглатиш усулларига зарурат туғилади.

Олхўри мевасини сийраклаштиришга ҳожат борми?


Олхўри дарахти баъзан ҳаддан ташқари кўп ҳосил қилгани сабабли шоҳлари эгилиб, синиши ҳолларига дуч келиш мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун анча илгарироқ дарахт меваси сийраклаштирилиши лозим. Бу тадбир икки марта, дарахт меваси ёнғоқдай бўлганида, кейин-

роқ эса ундан икки марта катталашган маҳал амалга оширилади. Яна шуни эътиборга олиш керакки, олхўри мевасининг данаги тўлиқ шаклланиб бўлганидан кейингина бу ишга киришиш мумкин. Бу тадбирни амалга ошираётганда қайчи ёки гулқайчидан фойдаланган маъқул. Чунки қўл билан узиш жараёнида мева билан бирга унинг гулкуртаги ҳам узилиб кетиши ва дарахтнинг кейинги йилги ҳосилига таъсир этиши мумкин.


Олхўри дарахти қандай касалликларга чалиниши мумкин?

Ўсимлик бити ва қизилранг мева касаллигига қарши кўпинча нитрофен кимё-

Иккинчи ва ундан кейинги йиллар



3. Асосий новданинг ўтган йилдан бўён ўсган қисмининг учдан икки қисми қирқиб ташланади. Дарахт бўйи 3 м.га етганидан кейин уни шу ҳолатда сақлаб туриш учун асосий новда ҳар йили 2-3 см.га қисқартириб турилади.



4. Ёзда гуллаган новдаларда саккизта, ёнлама шоҳларда олтига барг қолдириб, қирқиб ташланади. Бундан ташқари, дарахтнинг тепа қисмида марказий новдадан ташқари яхши ривожланган барча бақувват шоҳлар таги билан олиб ташланиши керак.

Мевали ўсимликлар парвариши

вий моддаси қўлланилади. Вегетация даврида ўсимлик битига қарши карбофос, канага қарши кемтан моддасидан фойдаланилади. Карбофос барг кемирувчи зараркунандаларга қарши қўлланиладиган энг самарали кимёвий воситалардан ҳисобланади.

Саратон ва қўнғирсимон чиринди касалликларига қарши қўлланиладиган кимёвий воситалар кўпинча кутилган самара бермайди. Шу боис бу касалликларга чалинган дарахт шоҳлари ва мевасини қирқиб ташланиши ва албатта ёқиб юборилиши шарт.


Қариб қолган олхўри дарахтини ёшартириш мумкинми?

Кўпинча қариган, қаровсиз дарахт шоҳлари бир-бирига чирмашиб, тигизлашиб кетиши оқибатида йилдан-йилга унинг ҳосилдорлиги пасайиб боради. Боғдорчилик илми ва амалиёти талабларига кўра бундай дарахт илдизи билан қазиб олингани ва ёш ўсимликка алмаштирилгани маъқул. Аммо қуриб қолган дарахтни худди олма дарахти сингари тиклаш, бошқача айтганда, ёшартириш ҳам мумкин. Бу икки мевали дарахтга шакл бериш

Ёшартиришнинг биринчи йили



1. Май-июнь ойларида ўсимликнинг умумий кўринишини бузиб турган, катталашиб кетган ҳамда бир-бирига чирмашиб олган шоҳлар қирқиб ташланади. Қирқилган жойга боғ муми суртиб қўйилади.



2. Худди шу даврда қуриган, касалланган ва жароҳланган шоҳлар ҳамда илдизости новдалар қирқилиб, боғ муми суртиб қўйилади.

Мевали дарактлар. Олхури.


узули ҳам деярлик бир хил. Улар фақат қирқиш вақти билангина фарқланади. Олма одатда эрта баҳор ва кеч кузда қирқилса, данаксимон ўсимликларнинг аксариятига, жумладан, олхўрига ҳам ёзда, июль-август ойларида шакл берилади.

Ёшартиришнинг биринчи йили. Даракт танасини бир оз сийраклаштириш ҳамда шоҳларнинг бир текис жойлашувига эришиш учун аввало ҳаддан ташқари катталашиб, бир-бирига чирмашиб кетган, касалланган ва қуриб қолган шоҳлар қирқиб олинади. Дарактнинг кесилган жойларига боғ муми сур-

тишни унутмаслик керак. Ундан кейин дарактни озиқлантириш, тагига гўнг солиш, зараркунанда ва касалликларга қарши чора-тадбирлар кўрилиши даркор.

Ёшартиришнинг иккинчи йили. Ўтган йилги парвариш, қирқиш натижасида ўсимлик қайтадан тикланади, янгидан ҳосил бўлган бақувват, соғлом новдалар даракт танасининг очилиб қолган жойини тўлдиради. Бундан буён унинг фақат тигизлашиб кетган шоҳ-шаббалари, даракт танасидаги ва илдизости новдалар қирқиб борилади.

Ёшартиришнинг иккинчи йили



3. Бу даврда ўсимликнинг тигизлашиб кетган ёнлама шоҳлари қирқиб ташланади. Қирқилган жойга боғ муми суртиб, даракт атрофи чириган гўнг билан озиқлантирилади.



4. Баҳор фаслида ҳаддан ташқари ўсиб кетган новдалар қирқилиб, тигиз, бир-бирига чирмашиб кетган шоҳ-шаббалар бир оз сийраклаштирилади. илдизости новдалар қоя тагидан ҳалқа шаклида қирқиб ташланади ва қирқилган жойга боғ муми суртиб қўйилади.

Мевали ўсимликлар парвариши

Гилос ўзини-ўзи чанглатиш хусусиятига эгами?

Гилос *Cerasus* оиласига мансуб бўлиб, табиатда унинг 150 зиёд дарахтсимон ва бутасимон навларини учратиш мумкин. Аммо унинг фақат икки тури: гилос ва оддий олча истеъмол қилинади.

Гилос мевасининг мазаси ҳамда чиройли ташқи кўриниши билан (айниқса гуллаганда) ажралиб турса-да, бир қанча камчиликларга эга. Биринчидан, гилос тез ривожланиб, айримларининг бўйи 15 м.га етиши мумкинлиги сабабли у боғнинг анчагина қисмини эгаллаб олади. Иккинчидан, ўзини-ўзи чанглатиш хусусиятига эга бўлмагани боис боғбон бир вақтда гуллайдиган камида иккита кўчат экишга мажбур бўлади. Бу эса боғ майдонининг янада кичрайишига ва бошқа мевали дарахт экиш имкониятини чек-

лайди. Шунинг учун кейинги вақтда гилоснинг нисбатан кичикроқ карлик навларига талаб тобора кучайиб бормоқда.

Гилос қандай шаклда ўстирилганимаъқул?

Гилос кўчати турлича, хусусан пирамидасимон, урчуқсимон ҳамда ёнбош кордон шаклида ўстирилиши мумкин. Аммо қандай шаклда ўстирилишидан қатъи назар у доимий равишда парвариш этилиши лозим. Чунки у тез ўсиш хусусиятига эга бўлгани сабабли, уч-тўрт йил парвариш этилмаган дарахтга шакл бериш қийинлашиб кетади.

Урчуқсимон гилос шакли. Боғ девори-га яқинроқ жойга 4,5-; м. масофада икки туп гилос экилади. Вегетация даврининг бошланиши билан, яъни эрта баҳорда ҳар икки кўчат ярмигача (тахминан 40 см.) қирқилади.



1. Дарахт илдизи бемалол жойлашиши мумкин бўлган чуқурча қазилади. Агар уни урчуқсимон шаклда ўстириш назарда тутилаётган бўлса, у ҳолда иккита ёғоч тиргакка маҳкамланган сим тортилиши шарт.




2. Ҳар йили ўсимлик атрофини юмшатиб, унинг илдизлари жойлашган майдонга минерал ўғит ҳамда 5-8 см. чуқурликда чириган гўнг солиниши керак.

Мевали дарахтлар. Гилос.


Биринчи йили




1. Кудда бир йиллик кўчат экилиб, баҳор фаслида ердан тахминан 40 см. баландликда куртак устидан қирқилади.




2. Май-июнь ойларида учкуртаклардан ҳосил бўлган новдаларни 45° бурчакли симга боғлаб, ортиқча шоҳ-шаббалар таги билан қирқилади.



3. Июнь-сентябрь ойлари оралиғида ривожланган новдалар симга боғлаб борилади.




4. Февраль-март ойларида ҳар бир новда тагидан 30 см. қолдириб, куртак устидан қирқилади.




5. Июнь-август ойларида ҳар бир новдадан ҳосил бўлган шоҳлардан 4-6 таси урчуқсимон тарзда

шакллантирилади. Ҳосил бўлган барча ортиқча ёнлама шоҳчалар 7-10 см.гача қисқартирилади.


Мевали ўсимликлар парвариши



6. Февраль-март ойлари оралиғида асосий новдаларда 40-45 см. қолдириб, куртак устидан қирқиб ташланади.



7. Июнь-сентябрь оралиғида қирқилган ҳар бир асосий новдада 3-6 та шохча танлаб, ишқом симига боғланади ва ёнлама новдалар 7-10 см.гача қисқартирилади.



8. Февраль-март ойларида асосий новдалар учи орасидаги масофа 30-45 см.ни ташкил этади. Агар ўсимликнинг бирон-бир жойи бўш қолади-

ган бўлса, янги шохларнинг шаклланиши учун танлаб олинган новда ярмига қисқартирилади. Қолган новдалар қирқилмайди.

Мевали дарахтлар. Гилос.

Баъзан урчуқсимон шаклли гилос дарах-тининг ҳаддан ташқари тез ўсиб кетиши ва кам ҳосил қилиши ҳолларига дуч келиш мумкин. Унинг ривожини бир оз секинлаштириш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш учун қандай йўл тутиш лозим?

Бундай ҳолларда тажрибали боғбонлар дарахт иллизини қирқишга киришади. Бунинг учун дарахт атрофи иллизига-ча тахминан 1,5 м. қазилади ва боғ аппараси билан энг қалин иллизлари қирқиб оли-нади. Бу ўсимлик ривожининг секинла-шувига ёрдам беради. Бундан ташқари, дарахтнинг 45° бурчак билан ўсаётган


новдаларининг ёнлама (горизонтал) ҳолатга келтириш ҳам ўсимлик ривожини бир оз секинлаштириш ҳамда мева тугадиган шоҳчаларнинг ҳосил бўлиши-га олиб келади.

Урчуқсимон шаклда ўстирилаётган гилос дарахти қачон ва қай йўсинда қирқилиши керак?

Боғдорчилик қонун-қоидаларига кўра дарахт эрта баҳорда, куртак очилиши арафасида қирқилиши керак. Ўсимликни йилма-йил қирқиш, шакл бериш тарти-би қуйидаги расмларда акс эттирилган.


Дарахтни урчуқ шаклида ўстириш

Биринчи йили



1. Эрта баҳорда дарахтнинг иккита бақувват ёнлама шоҳлари ишқом симига 35° бурчак остида маҳкамланган таёқчага боғланади. Марказий новда танлаб олинган ёнлама шоҳларнинг энг юқоридагисига қирқартирилади. Қолган барча ёнлама шоҳлар қирқиб ташланади ва қирқилган жойга боғ муми суртилади.


Иккинчи йили



2. Келаси йилининг баҳорида ўтган йилги икки шоҳ яхши ривожланган қуртагининг устидан қирқиб ташланади. Бу тадбир ёзга бориб урчуқсимон шаклли дарахтнинг асосини ташкил этувчи новдаларнинг ҳосил бўлишига имкон яра-тади.


Мевали ўсимликлар парвариши

Учинчи йили




3. Учинчи йилнинг баҳорида янги ҳосил бўлган новдалар 40-50 см.гача қисқартирилади. Тўртинчи ва ундан кейинги йиллар

Тўртинчи йили




4. Бундан буён ҳар йили баҳор фаслида урчуқдан ташқарига томон ўсаётган барча новдалар қирқиб борилиши лозим.

Бешинчи ва ундан кейинги йиллар



5. Ёзда дарахтнинг барча ёнлама шоҳлари 6 та баргигача қисқартирилади ва ўсиш нуқталари чимтиб қўйилади.



6. Ноябрь ойининг охирларида ёзда ўсиш нуқталари чимтиб қўйилган шоҳлар яна учта баргигача қисқартирилади. Бу билан келаси йили ана шу шоҳлар мева куртакларнинг ҳосил бўлишига шароит яратилади

Мевали дарахтлар. Гилос.

Гилос дарахти қандай усулда қўпайтирилади?

Юқорида ўсимликларни қўпайтириш усуллари хусусида батафсил маълумот берган эдик. Гилос ҳақида сўз борар экан, айтиш лозимки, у асосан икки усулда: куртак пайванд ҳамда қаламча пайванд ёрдамида қўпайтирилади.

Гилос зараркунандалари ва уларга қарши курашиш воситалари ҳақида нималарни билиш керак?

Гилос дарахтига хос касалликлар ва уларни келтириб чиқарувчи зараркунандалар бошқа ўсимликлар, хусусан бошқа мевали дарахтларниқидан фарқланмайди. Бинобарин, олма, нок, олхўри сингари

дарахтларнинг касаллик ва зараркунандаларга қарши қўлланиладиган ҳимоя воситаларидан бунда ҳам фойдаланиш мумкин.

Аммо гилос дарахтига хос айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, гилос дарахти вояга етиб, ҳосил бера бошлаганидан кейин унинг мевасини сақлаб қолиш, айниқса қушлардан ҳимоя этиш жиддий муаммога айланади. Дарахт нисбатан кичикроқ бўлган пайтида баъзи боғбонлар ипдан тўқилган тўрдан фойдаланиши мумкин. Лекин унинг бўйи 15 м.га етганида бу ҳимоя воситасидан фойдаланиш амримаҳол. Аксига олиб селекция-уруғчилик соҳасида гилоснинг янги карлик навларини яратиш борасида олиб борилаётган изланишлар натижаси кўринмаётир.

Мевали новдаларнинг шаклланиши



Тўртинчи йилдан бошлаб ёзда ўсимликнинг ичкарисы ёки ташқарисига томон ўсаётган барча новдалар қирқилади, қолган ёнлама шоҳлар эса 15 см.гача чимтиб қўйилади. Бу мевали шоҳларнинг шаклланишига имкон яратади.



Июль-август ойларида ёзда қисқартирилган ёнлама новдалар яна 7-10 см.га қирқилади. Келаси йили уларда гулкуртак ҳосил бўлади. Дарахтнинг жароҳатланган, касалланган, қуриб қолган новдалари ҳам ҳалқа шаклида қирқилади.


Мевали ўсимликлар парвариши

Олча гилосдан нимаси билан фарқланади?


Бу икки мевали дарахт биологик ва физиологик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлса-да, уларни фарқлаб турадиган айрим хусусиятлари ҳам йўқ эмас. Биринчидан, гилос асосан

ҳўл мева сифатида истеъмол қилинса, олча кўпинча қайта ишлаш саноатида мураббо, жем ва бошқа ширинликлар тайёрлашда ишлатилади. Иккинчидан, гилос дарахтининг бўйи жуда баланд бўлса, олча дарахти унга нисбатан пастроқ, нозикроқ бўлади. Учинчидан, гилос чанг-


Урчуқсимон олча дарахти



1. Дастлабки уч йил мобайнида асосий шоҳлар калта қилиб қирқиб борилади.




2. Ёзнинг бошида новдалар орасида 10-15 см. масофа қолдириб, ортиқча шоҳлар таги билан қирқилади. Ёш новдалар ишқом симига боғлаб қўйилади.



3. Ҳосил териб олинганидан кейин (август ойининг охирларида) шу йили мева қилган ёнлама новдалар уларнинг ўрнини босиши лозим бўлган ёки новдаларгача қирқилади.

Пирамидасимон шакл



1. Дастлабки уч йилнинг баҳорида асосий новда ва ёнлама шоҳлар ярмига қисқартирилади. Дарахт бўйи 3 м.га етиши билан унинг асосий новдаси ҳар йил 2-3 см. қисқартириб борилади.

Мевали дарахтлар. Олча.

ловчи ҳашаротлар орқали ёки сунъий равишда чангланса, олча дарахти ўзини-ўзи чанглаш хусусиятига эга. Демак, боғда фақат битта олча дарахтини экиб, унинг яхши гуллаши ва мўл ҳосил беришига эришиш мумкин.

Олча дарахтининг қандай шакллари мавжуд ва улар қандай парвариш этилади?

Кўпинча олча дарахти урчуқсимон шаклда бўлади. Аммо у бошқача шаклда, масалан, пирамидасимон шаклда ҳам ўстирилиши мумкин.

Одатда бир йиллик қўчат учинчи-тўртинчи йилдан бошлаб ҳосилга киради. Аммо экиш учун икки-уч йил-

лик қўчат танлаб олинса, камида икки йил тежаш имконияти туғилади.


Олча дарахти анча беор бўлгани боис у турли иқлим ва тупроқ шароитида муваффақият билан ўстирилиши мумкин.

Пирамидасимон ва урчуқсимон олча дарахти қай йўсинда қирқилиши керак?


Урчуқсимон олча дарахтини шакллантириш учун дастлабки уч йил мобайнида асосий шоҳларни имкони борида калтароқ қирқиб берилиши зарур.

Пирамидасимон олча дарахтини шакллантириш учун у олхўри дарахти сингари парвариш этилади.

Вояга етган дарахт шакли



2. Баҳорда ўсимликнинг қариб қолган айрим ёнлама шоҳлари, расмда кўрсатилганидек, қирқиб ташланади.



3. Агарда дарахт ҳосилдорлиги пасайиб кета бошласа, асосий новдаларнинг учдан бири тахминан 1 м.га қисқартириш лозим.

Меваги ўсимликлар парвариши

Нима учун шафтоли кўчати кўпинча боғнинг чеккароқ жойига экилади?

Шафтоли совуқ ва паст ҳароратга анча чидамли ҳисобланса-да, жуда эрта гуллагани боис у боғнинг шамолпанароқ жойда ёки девор ёнига экилади.

Шафтолининг кўчати қандай парвариш этилиши лозим?

Биринчи йили. Кўчат кеч кузда ёки эрта баҳорда, яъни дарахт ҳали уйғонмаган даврда экилиши даркор. Баҳорда кўчат пайванд қилинган жойигача (тахминан 40 см.) учкуртакнинг устидан қиялатиб қирқилади. Шу йилнинг ёзидан куртаклардан ҳосил бўлган


новдалардан учтаси танлаб олинади. Улардан бири тиккасига, қолган икkitаси ёнламасига ўсаётган бўлиши шарт. Дарахт танасидаги қолган барча шоҳ-шабба ва куртаклар қирқиб ташланиши керак. Икки ёнлама шоҳ симга 45° бурчак остида маҳкамланган ёғоч таёқчага боғланади. Улар анча ривожланиб, узунлиги 45-50 см.га етиши билан марказий новда тагидан қирқиб олинади ва ўша жойга боғ муми суртиб қўйилади.

Вегетация даврининг охирида ёнлама шоҳларнинг ипи бўшатилади ва ярмига қисқартирилади. Энди ёғоч таёқчани ёнлама (горизонтал) ҳолатга келтириб, бояги ёнлама шоҳлар унга боғлаб қўйилади. Қолган барча новда ва шоҳ-шаббалар қирқиб ташланади.

Кўчат экиш




1. Кўчатни экишдан олдин тупроққа комплекс минерал ўғит ҳамда 100 гр. миқдорида суяк уни солинади.




2. Кўчат эрта баҳор ёки кеч кузда экилади. Урчуқ шаклидаги дарахтнинг танаси девордан 15-25 см. масофада бўлиши даркор.

Мевали дарахтлар. Шафтоли.




3. Кўчат экилганидан кейин унинг тагига 5-8 см. чуқурликка чириган гўнг ёки компост солинади.



4. Ҳар йили баҳор ойида ўсимлик барглارининг бужмайиб қолишига қарши мисга тўйинган мода билан ишлов берилади.

Урчуқсимон шафтоли дарахтига шакл бериш


Биринчи йили



1. Кеч кузда экилган бир йиллик кўчат учкуртак устидан (тахминан 40 см.) пайванд қилинган жойигача қирқилади.




2. Май ойида ҳосил бўлган новдалардан учта бақуввати танлаб, биричи тиккаси, қолганини ёнламасига шакллантирилади. Қолган шохлар тагидан қирқилади.




3. Июнь-июль ойлари оралигида ёнлама шохлар симга маҳкамланган ёғоч таёқчага юшоқ ип билан боғлаб қўйилади.

Меваги ўсимликлар парвариши


Иккинчи йили шакл бериш



4. Июль ойида новдалар анчагина ривожланиб, узунлиги 45-50 см.га етиши билан марказий новда ҳалқа шаклида қирқилади ва уша жойга боғ муми суртиб қўйилади.



5. Иккинчи йилнинг баҳорида ёнлама новдалар ечиб олинади ва ярмига қисқартирилади. Ёғоч тахтачалар ёнлама ҳолатга келтирилиб, бояги новдалар қайтадан унга боғлаб қўйилади. Ҳосил бўлган барг шоҳ-шаббалар қирқиб ташланади.




6. Июль-август ойлари оралигида новдада тўрттадан соғлом, бақувват шоҳ танлаб олинади. Улар бири новданинг учида, икkitаси — устки қисмида, яна бири унинг пастки қис-

мида жойлашган бўлиши лозим. Ҳар бири ўзига тегишли ёғоч тахтачага боғланади. Ортиқча барча шоҳлар қирқиб олинади.

Мевали дарахтлар. Шафтоли.


Иккинчи йили марказий новданинг қирқилиши натижасида ҳар бир ёнлама новдада бир қанча янги шоҳчалар ҳосил бўлади. Ёзда ҳар бир ёнлама новдада тўрттадан бақувват, оглом шоҳчалар шундай танланиши керакки, улар бири новданинг учида, иккитаси — устки қисмида, яна бири унинг пастки қисмида жойлашган бўлиши шарт. Демак, ҳар бир новдада тўрттадан, жами саккизта шоҳча мавжуд бўлиши керак. Шоҳчаларнинг ҳар бири ёғоч таёқчага боғлаб қўйилади. Муҳими шундаки, дарахтнинг марказий қисми очиқ қолиши лозим. Шунинг учун барча ортиқча новда ва шоҳчалар қирқиб ташланади. Иккинчи вегетация даври-

Учинчи йили




7. Баҳор фаслида ҳар бир шоҳ учдан бирига қисқартирилади. Кесилган жойларга боғ муми суртиб қўйилади.

Тўртинчи йили



8. Ёзда ҳосил бўлган шоҳчаларнинг ривожланишига имкон берилади. Новданинг устки қисмидаги шоҳлар юқорига, пастки қисмидаги шоҳлар ёғоч тахталарга боғланади. Ҳосил бўлган янги шоҳчалар оралиғи 10 см. ошмаслиги лозим.



9. Ёз фаслининг охирида танлаб олинган ёнлама шоҳлар 50 см.га етиши билан ҳар бирининг ўсиш нуқтаси чимтиб қўйилади ва ёғоч тахтачага боғлаб қўйилади. Келаси йили (тўртинчи йили) ана шу шоҳларда мева ҳосил бўлади.

Мевали ўсимликлар парвариши

нинг охирида дарахтга шакл бериш, қирқиш талаб этилмайди.


Шафтоли кўчати харид қилаётганда нималарга эътибор бериш керак?

Бу, аввало, дарахтнинг қандай шаклда ўстирилишига боғлиқ. Агарда боғбон уни урчуқсимон шаклда бўлишини хоҳласа, у ҳолда 5-12 соғлом шоҳчадан иборат кўчат танлагани маъқул. Қолаверса, кўчатнинг илдизлари яхши ривожланган бўлиши, шоҳлар ва айникса, пайванд қилинган жойи жаро-


ҳатланмаганига алоҳида эътибор қилиш зарур.

Ҳар бир боғбон билиши лозим бўлган яна бир муҳим қоида. Данаксимон мевали дарахт, жумладан, шафтолининг қиш фаслида қирқилишига сира йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда ўсимлик ўта хавfli касалликларга, масалан, саратон касаллигига чалиниб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда ундан бутунлай воз кечишга тўғри келади. Данаксимон мевали ўсимликларга фақат баҳор фаслида шакл берилишининг боиси шунда.

Бешинчи ва ундан кейинги йиллар



10. Бундан буён ҳар йили девор томон ва дарахтга қараб ўсаётган барча новда ва шоҳлар қирқиб борилиши керак. Фақат бу шоҳларнинг тубида 1-2 та баргли кундача қолса бас.



11. Энди ҳар бир новдада иккита шоҳ танлаб олинади. Бири новданинг тубига яқинроқ, иккинчи унинг ўртагоғида бўлиши лозим. Шоҳларнинг узунлиги 45 см.га етиши билан ўсиш нуқтаси (яъни учи) бир оз қирқилади. Ҳосил териб олинганидан кейин новда ўртасига жойлашган шоҳ қирқиб ташланади.

Мевали дарахтлар. Шафтоли.

Шафтоли данагининг ёрилиб кетиши унинг касалланганидан далолат берадими?

Шафтоли дарахт ва меваси учун ўсимлик бити, кана сингари зараркундалар жиддий зарар етказиши мумкин. Одатда битга қарши карбофос, канага қарши кельтон моддаси қўлланади.

Айрим ҳолларда шафтоли барглари-нинг бужмайишига дуч келиш мумкин. Кўпчилик бунга эътибор қилмайди. Ваҳоланки, бу ўсимликнинг касаллангани, хусусан, азот моддасининг етишмаётганидан дарак беради. Бундай вазиятда дарахтга бор моддаси билан тўйинган суяқлик ёки олтингугурт пуркалиши ҳамда тагита азот моддаси солиниши керак.

Данакнинг ёрилиши хусусида тўхтала-

диган бўлсак, бу ўсимликнинг вақтида озиқлантирилмагани ва зарур миқдорда сугорилмаганининг белгисидир.

Бу ўринда биз данаксимон мевали дарахтларнинг айрим турлари, хусусан, олхўри ва шафтолининг кўчат танлашдан бошлаб, дастлабки шакл бериш, бир неча йил мобайнида парвариш этиш, қирқиш, касаллик ва зараркундаларга қарши кураш усуллари, ўсимликни озиқлантириш тартиби хусусида маълумот беришга ҳаракат қилдик. Бинобарин, данаксимон мевали ўсимликлар биофизиологик жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлгани боис юқорида баён этилган усул ватафсиялар данаксимонларнинг бошқа турларига, хусусан, ўрик, олча, бодом сингари ўсимликларга ҳам таълуқлидир.

Шафтоли мевасини сийраклаштириш



Май ойининг бошидан августнинг охиригача ҳар 14 кундан кейин дарахт суяқ калий ўғити билан озиқлантирилиши керак. Мева нўхатдек бўлганидек кейингина у сийраклаштирилиши мумкин.

Мевани йиғиб-териб олиш



Мевабанд атрофи юмшаши билан мевани йиғиб олиш мумкин. Бунинг учун уни кафтга олиб, бир оз кўтарилади ва бураган ҳолда узиб олинади.

Мевали ўсимликлар парвариши

Ўрик — барг тўкадиган, турли шароитга мослашувчан мевали дарахт. Унинг асл ватани Хитой бўлса-да, ҳозирги вақтда у дунёнинг кўпгина минтақаларида ўстирилади.

Ўрик қандай дарахтга пайванд қилинганни яхши?

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, ер майдони кичик бўлган боғда ўрикнинг карлик шаклидаги дарахтини эккан маъқул. Аммо, иложи бўлса, ўрик дарахтининг икки-уч йиллик ҳамда олхўрига пайванд қилинган кўчати экилса-да, унинг бўйи ҳатто вояга етганида ҳам 3-4 м.дан ошмайди. Бу, ўз навбатида, дарахтга шакл бериш ва уни парвариш этиш жараёнини осонлаштиради.

Ўрик ўзини-ўзи чанглатувчи ўсимликлардан ҳисобланади. Аммо у жуда эрта, чанглатувчи-ҳашоратлар ҳали нисбатан кам бўлган даврда гуллаши боис айрим ҳолларда унга сунъий чанглатиш усулларини ҳам қўллашга тўғри келади.

Ўрик дарахтини шакллантириш ва парвариш этиш шафтоли дарахтиникидек амалга оширилади. Фақат ўрик шоҳ ва новдаларини қирқиш амаллари шафтолига нисбатан бир оз илгарироқ, эрта баҳорда бажарилади.

Ўрик дарахтини экишда қандай қондаларга амал қилиш керак?

Даставвал, 1 м² ер майдони бегона ўтлардан тозаланади. Тупроққа 1 м² майдонга 10 л. ҳажмдаги челақда чириган гўнг ёки компост солинади. Кўчатни экиб унга сув қуйилади. Келаси йил баҳорида кўчат атрофига чириган гўнг солиб, юмшатилади.

Урчуқ шаклида парвариш этилаётган кўчат девордан 15-25 см., бир-биридан 4,5 масофада экилиши шарт.

Вояга етган дарахтга қандай шакл берилиш лозим?


Ўрикнинг вояга етган урчуқсимон шакли худди олхўри дарахти сингари, танаси паст шакли эса олча каби парвариш этилади. Ўрик икки-уч йиллик новдаларда шаклланган кичик шоҳчаларда ҳосил тугади. Шу боис, уни ҳаддан ташқари қирқилишига йўл қўймаслик лозим. Ҳар тўрт-олти йил мобайнида янги мевали шоҳларни шаклланиши учун бир неча йил мева солган эски шоҳлар қирқиб борилса бас.

Ўрик мевасининг каталиги олчадек бўлиши билан сийраклаштириш тадбирини амалга ошириш мумкин. Бунинг учун, биринчи галда, касалланган ва нотўғри ривожланган мева олиб ташланади.

Гуллаш даврида ўсимликка сув қуйиш мумкинми?


Маълумки, девор ёнида экилган дарахт илдизларининг қирқиб қолиш хавфи мавжуд. Ўсимлик гуллаганида ва мева туккан даврида ҳам сувга эҳтиёж сезади. Шу боис унга тез-тез сув қуйиб туриш керак. Бундан ташқари, ўрик дарахти жадал ривожланиши ва яхши ҳосил бериши учун вақти-вақтида озиқлантириб турилади. Жумладан, баҳор фаслида 1 м² майдонга 30 гр. миқдорида аммиак силитраси, ҳар тўрт йилда бир марта ернинг ишқорланиш даражасини маълум меъёردа сақлаб туриш учун (рН миқдори 7,0 дан юқориоқ бўлиши шарт) унга бир оз оҳак қўшиш талаб этилади.

Мевали дарахтлар. Ўрик.




1. Кеч куз ёки эрта баҳорда илдиз бемалол жойлашиши мумкин бўлган чуқурча қазилади. Кучатни экиб тагига чириган гўнг солинади.

Урчуқ шаклидаги уч йиллик дарахт




2. Икки тиргакка бир-биридан 25 см. масофада ёнламасига сим тортилади. Ёш новдалар симга маҳкамланган ёғоч таёқчаларга боғланади.

Биринчи йили




3. Баҳорда ҳар бир шоҳ тахминан учдан бирига қисқартирилади.




4. Ёзда ҳосил бўлган ёш новдалардан яна учтасини танлаб, шиком симига боғланади. Ортиқча шоҳчалар қирқилади.

Иккинчи ва ундан кейинги йиллар



5. Иккинчи йил баҳорида асосий шоҳлар тўртдан бирига қисқартирилади.



6. Ёзда ёнлама шоҳларда 6 тадан бирг қолдириб, қирқилади. Мева йиғиб олинганидан кейин бу шоҳларнинг ярми қирқиб ташланади.

Мевали ўсимликлар парвариши

Анжир Марказий Осиёдан Ўрта ер денгизининг Шарқий ҳудудларигача кенг тарқалган иссиқсевар ўсимликлардан. Анжир узум, олма, нок, бод-ринг, помидор, мандарин, банан сингари ўсимликларга ўхшаб уруғсиз кўпайтирилади. Шу боис уни жуфт қилиб экишга ҳожат йўқ.

Анжир кўчати экилаётганда чуқурчага майдаланган ғишт бўлакчалари солинишининг боиси нимада?


Бундан қўлланган мақсад — ўсимлик илдизларининг ривожланишини бир оз чеклашдан иборат. Акс ҳолда дарахт ҳаддан ташқари каттариб, ҳосилдорлиги борган сари пасайиб боради. Шунинг учун анжир кўчати кўпинча илдиз ривожланишини чек-

лаш имкониятини берадиган ёғоч қутига ёки девор билан бетон йўлкача оралиғига экилади.


Анжирни суратда акс эттирилган урчуқ шаклида ўстириш учун, аввало, узунлиги 2 м., чуқурлиги 60 см. чуқурга қазилади. Ўсимлик илдизлари ҳаддан ташқари ривожланиб кетмаслиги учун чуқурчага майдаланган ғишт бўлакчалари солинади. Шундан кейин чуқурча унумдор тупроқ билан тўлдирилади.

Кўчат кеч куз ёки эрта баҳорда девордан камида 25 см. масофада экилиши шарт. Деворга горизонтал ҳолатда бир-биридан тахминан 30 см. масофада сим тортилиб, кўчат шоҳлари унга боғлаб қўйилади. Кўриб турганимиздек, анжир кўчатининг дастлабки парвариши бошқа мевали дарахтлар, ма-


Анжир дарахтини экиш жараёни



1. Кеч куз ёки эрта баҳорда 60 см. чуқурча қазилиб, деворларига бетон плита, тагига эса 25 см. қалинликда майдаланган ғишт бўлакчалари солинади.



2. Кўчат илдизлари ёйилган ҳолда жойлаштирилиб, чуқурча унумдор тупроқ билан тўлдирилади. Кўчат билан девор орасидаги масофа 25 см.дан кам бўлмаслиги шарт.




3. Деворга ёнламасига (горизонтал) ҳолатда 30 см. масофада сим тортилади ва кўчат шоҳлари юмшоқ ип ёрдамида унга боғлаб қўйилади.

Мевали дарахтлар. Анжир.

Биринчи йили




1. Март-апрель ойлари оралиғида кўчат тўрт томони ёпиқ, ерга кўмилган идишга экилади. Асосий новда 40-45 см.гача қисқартирилади.




2. Май-сентябрь ойларида ўсимликнинг ривожланаётган ёнлама новдалари бир-биридан 40 см. масофада ёнлама симларга боғланади. Ортиқча шохлар қирқиб ташланади.

Иккинчи йили




3. Март-апрель ойлари оралиғида асосий ёнлама шохлар тахминан ярмига қисқартирилади.




4. Май-сентябрь ойларида ўтган йилги парвариш давом эттирилади. Ёнлама новдалар кейинги қаторга боғланади ва ортиқча шохлар қирқилади.

Учинчи йили



5. Март-апрель ойларида дарахтни тўлиқ шакллантириш учун қўшимча новдалар зарур бўлса, унинг бўш қолган жойига яқинроқ жойлашган новдалар ярмига қисқартирилиши лозим.



6. Май-сентябрь ойларида ривожланаётган новдалар кейинги қаторга боғланади. Дарахт тўлиқ шакллантирилган бўлса, асосий новдаларнинг учи чимтиб қўйилиши керак, холос.

Мевали ўсимликлар парвариши

салан, шафтоли ёки олхўридан унчалик фаркланмайди. Аммо анжир дарахтининг тез ривожланиб, шоҳлаб кетиши назарда тутиладиган бўлса, табиийки, уни парвариш этиш кўпроқ эътибор талаб этади.


Вояга етган дарахтни парвариш этиш

Вояга етган дарахтни парвариш этишнинг энг оддий ва самарали усули — ёшартирувчи шакллантиришдир.

Анжир дарахти тез ўсиш хусусиятига

эга бўлгани сабабли унинг кўпгина шоҳлари бир-икки ҳосил берганидан кейин қариб, мева бермай қўяди. Шу боис ҳар йили соғлом, бақувват новдалар ҳосил бўлиши учун дарахтга шакл бериб бориш талаб этилади. Бу тadbир кеч кузда, барг тўкилганидан кейин амалга оширилгани маъқул. Бунинг учун қариган ёнлама новдаларда биттадан қуртак қолдириб, қирқиб ташлаш лозим. Келаси йили худди шу қуртаклардан ёш новдалар ҳосил бўлади. Мавсумнинг охирига келиб уларда тугунча, уруғдон шаклла-

Тўртинчи ва ундан кейинги йиллар



7. Ноябрь ойида барг тўкилганидан кейин мева солган барг новдаларда битта қуртак қолдириб қирқилади. Шу йилги новдаларда ҳосил бўлган, нўхатдек келадиган мевалар узиб олинади ва новда симгабоглаб қўйилади.

8. Март-апрель ойларида касалланган, совуқ урган барча шоҳлар қирқилади. Мева солган шоҳлар тигизлашиб кетган бўлса, улар бир оз (бир-биридан 15-20 см. оралиқ масофада бўлиши керак) сийраклаштирилади.

Мевали дарахтлар. Анжир.


нади. Яна бир йилдан кейин бу новдалар тўлиқ ҳосилга киради.

Июнь ойининг охирларида мева қилган шоҳларни тўрт-беш баргигача қисқартириш лозим. Бу пишиб етилаётган меваларнинг озиқа моддалари билан таъминланишига имкон беради.

Айрим қариб қолган дарахтларнинг бутун-бутун шоҳлари мева қилишдан тўхтади. Бундай ҳолларда мазкур шоҳлар тагидан қирқилиши ва янги бақувват новда шакллантирилиши керак.

Нима учун баъзан анжир шоҳларидаги тугунча ва уруғдон тўкила бошлайди?

Бу ҳол аввало ўсимликда озиқа моддаларининг етишмаётганидан дарак беради. Бунга йўл қўймаслик учун дарахт атрофини юмшатиб, комплекс минерал ўғит ҳамда чириган торф ёки гўнг солиш даркор. Бундан ташқари, сувсизликдан ҳам дарахт тугунча ва уруғдонлари ерга тўкилиши мумкин. Шу боис унга вақти-вақти билан сув солиб туриш лозим.



9. Июньнинг охирларида мева солган шоҳларни тўрт-беш баргигача қисқартириш керак. Қуртақлардан ҳосил бўлган янги новдалар симнинг кейинги қаторига боғлаб қўйилади. Новдалар

орасидаги масофа 15-20 см.дан ошмаслиги лозим. Ортиқча ва бир-бирига чирмашиб кетган новдалар ҳалқа шаклида тагидан қирқиб ташланади.

Мевали ўсимликлар парвариши

Қадимдан ўстириб келинаётган беҳи дарахтининг ватани Ўрта ва Жанубий-Шарқий Осиё ҳисобланади. Бугунги кунга келиб у Осиё, Америка ва Оврупонинг кўплаб мамлакатларида тарқалган.

Беҳи дарахтининг бўйи нисбатан пастроқ бўлгани сабабли (вояга етган дарахтининг бўйи 3,5-4 м. етиши мумкин) у пайвандтаг сифатида (айниқса нок учун) кенг қўлланилади.

Беҳи дарахти қачон ҳосилга киради?

Одатда беҳи дарахти тўртинчи-бешинчи йили ҳосил бера бошлайди. Гуллари йирик, оқ ва пуштиранг. Пишиб етилган меваси йирик, олтинранг тус олади. Беҳи бир оз нордон, эти қаттиқ бўлгани учун ҳўл мева сифатида кам истеъмол қилинади. Кўпинча ундан озиқ-овқат саноатида турли ширинликлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади.

Беҳи кўчатининг ўтказилиши



2. Тайёрланган ерга 50-60 см. чуқурликка ёғоч тиргак қоқилади ва кўчат илдизлари бемалол жойлашиши мумкин бўлган чуқурча қазилади.

Беҳи кўчати қачон экилгани маъқул?

Беҳи турли шароитга мослаша оладиган, иқлим ноқулайликларига анча чидамли ўсимлик ҳисобланади. Аммо уни



1. Кеч куз ёки эрта баҳорда тахминан 1м² келадиган майдон бегона ўтлардан тозаланади ва тупроққа минерал ўғит ва бир оз суяк уни солинади.



3. Кўчат ёғоч тиргакдан 5 см. масофада бўлиши керак. Чуқурчани тупроқ билан тўлдириб, кўчат ёғоч тиргакка боғлаб қўйилади.

Мевали дарахтлар. Беҳи.

ариқ ёки бирон-бир сув ҳавзаси бўйига экилгани маъқул.

Беҳи дарахти қинғир-қийшиқ ўсиши боис танаси юғонлашгунга қадар унга тир-гак қўйиш зарур. Қўчат кеч кузда ёки эрта баҳорда экилади. Бундан олдин тупроқ юм-шатилиши ва кўп йиллик бегона ўтлардан тозаланиши керак. Бундан ташқари, туп-роқнинг минерал ўғит ёки суяк уни би-лан озиклантирилиши ҳам қўчатнинг яхши ривожланишига ёрдам беради.

Беҳи дарахтига қандай шакл бериш лозим?

Беҳи дарахти, боя таъкидланганидек, қий-шиқ-қинғир ўсиши сабабли дастлабки парва-риши бир оз қийин кечиши мумкин. Дастлаб-ки уч-тўрт йил мобайнида дарахтнинг шу йили ҳосил бўлган новдаларининг ярми ташқари томон ривожланаётган қуртак устидан қирқ-илади. Асосий новданинг ўсишига ҳалақит бе-радиган барча ёнлама шоҳлар икки-уч курта-гигача қисқартирилади. Бундан ташқари, да-рахт танаси ортиқча новдалар ҳамда илдизо-


сти шоҳ-шаббалар ҳам тўлиқ қирқиб ташла-ниши даркор. Бешинчи йилдан бошлаб да-рахт танасининг тиғизлашувига сабаб бўла-ётган илдизости ва ортиқча новдаларнинг қир-қилишини ҳисобга олмас.

Беҳи дарахти қандай касалликларга чалиниши мумкин?

Олма, нок сингари мевали дарахтлар-га катта зарар етказадиган ўсимлик бнги, мева ва барг қурти беҳи учун ҳам хавфли ҳисобланади. Шундай экан уларга қарши курашиш усули ҳам бир хил (қаранг. бет).


Айрим ҳолларда *Entomosporium macilatum* замбуруғи келтириб чиқаради-ган беҳи баргларининг оқчипор касалли-ги ҳамда мева ириши ҳолларига дуч ке-лиш мумкин. Ўсимликнинг бундай касал-ликларга чалинмаслигини олдини олиш мақсадида дарахт гуллай бошлаши билан ва яна икки-уч ҳафтадан кейин унга бор моддаси билан тўйинган суюқлик сепиш тафсия этилади.

Биринчи йили



4. Ўсимликнинг асосий новдалари учдан бирига қисқартирилади. Заиф ва ноқулай жойлашган новдалар икки-учта куртагигача қирқилади.


Иккинчи ва ундан кейинги йиллар




5. Баҳорда шу йилги новдаларнинг яна учдан бир қисми, заиф ва ноқулай жойлашган шоҳ-лар икки-учта куртагигача қисқартирилади.

Мевали ўсимликлар парвариши


Цитрус ўсимликлар меваси




Апельсин



Лайм



Грейпфрут



Мандарин

Апельсин, лимон, лайма, мандарин, грейпфрут сингари цитрус ўсимликлар рутадошлар оиласига мансуб бўлиб, асосан мўътадил иқлим шароитида, Ўзбекистонда эса иссиқхоналарда ўстирилади.

Апельсин — асл ватани Бирма ва Жанубий Ғарбий Хитой. Таркибида инсон саломатлиги учун зарур қанд, лимон кислотаси, эфир мойи ҳамда А,В,С витаминлари бор. Пўстлоғидан олинадиган эфир мойи озиқ-овқат ва парфюмерия саноатида ишлатилади.

Лимон — асл ватани Жануби-Шарқий Осиё. Америка, Осиё, Оврупо ва Африканинг мўътадил иқлимда жойлашган кўплаб мамлакатларида ўстирилади. Лимон ҳўллигича истеъмол қилинади. У турли ширинлик, шарбат ва эфир мойи олишда ишлатилади.



1. Икки-уч йиллик кўчат чириган гўнг солинган тувакка ёки ёғоч қўтига экилади.

Мевали дарахтлар. Цитрус ўсимликлари.

Грейпфрут — ватани Ҳиндистон. Меваси ҳўллигича истеъмол қилинади. Шарбати озиқ-овқат саноатида кенг ишлатилади.

Мандарин — ватани Хитой. Меваси ясси думалоқ, тўқ сарғиш, хушбўй. Мандарин асосан ҳўллигича истеъмол қилинади. Шарбати озиқ-овқат, айниқса, кондитер саноатида кенг ишлатилади.

Мўътадил иқлим шароитида цитрус ўсимликларини очиқ майдонга экиш мумкинми?

Бундай шароитида цитрус ўсимликлари иссиқхонада ёки уларнинг карлик навлари ёғоч ёки сопол идишда ўстирилиши даркор. Ёзда ўсимликни

идиши билан ташқарига чиқариб қўйиш ҳам мумкин. Аммо Ўрта ер денгизи, Испаниянинг жануби, Ҳиндистон ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг айрим ҳудудларида цитрус ўсимликлар очиқ майдонларда ўстирилади.

Цитруслар доим яшил ўсимликлар оиласига мансуб бўлгани боис ўта нозик, совуққа чидамсиз бўлади. Масалан, 2° совуқда лимоннинг гулкуртак ва меваси нобуд бўлади. Умуман олганда, цитрус ўсимликлари учун мўътадил ҳарорат қуёш нурига қараганда кўпроқ аҳамият касб этади. Ўсимлик гуллаганидан кейин у камида олти ой мобайнида тунги ҳарорат 13-16°C паст бўлмаган шароитда сақланиши керак. Ҳарорат узоқ вақт 18°C пастроқ сақланиб турса, масалан,



2. Баҳордан кузгача ҳар 10-14 оралатиб ўсимлик суюқ ўғит билан озиқлантириб турилади. Қуёшли кунлар иссиқхонани шамоллатиб турши лозим.



3. Илк вегетация мавсуми давомида ўсимлик танасининг қуйи қисмида жойлашган ва унинг ташқи кўринишини бузиб турган новдалар қирқиб ташланади.

Мевали ўсимликлар парвариши

мндарин ва апельсин меваси умуман
пишмай қолиши ҳам мумкин.

Цитрус ўсимликлар йилнинг қайси фаслида гуллайди?

Цитрус ўсимликлари баҳор фас-
лида гулласа-да, куртаклари турли
вақтда очилиши боис дарахтда бир
вақтнинг ўзида гулни ҳам, амевани
ҳам кузатиш мумкин. Масалан, грей-
пфрут меваси ўн етти ойда тўлиқ
пишиб етилади. Шунинг учун дарах-
тнинг баъзи шоҳлари гуллаган, бо-
шқасида мева тўлиқ пишиб етилган,
яна бирида эндигина мева туккан
бўлиши мумкин.

Цитрус ўсимликларни парвариш этиш



4. Ўсимликнинг ёнлама шоҳларида тиккасига
жадал ривожланаётган ҳамда дарахт танаси-
нинг ташқи кўринишини бузиб турган новдалар
ҳам қирқиб олиниши керак.

Цитрус ўсимликлари қандай усул ёрдамида кўпайтирилгани маъқул?

Цитрус ўсимликлари одатда икки
усулда — ёзда қирқиб олинган қалам-
ча ва уруғ ёрдамида кўпайтирилади.

Уруғ ёрдамида кўпайтирилган ўсим-
лик кўпинча кутилган самара бермай-
ди. Чунки уруғ ёрдамида кўпайтирил-
ган ўсимлик саккиз йил деганда гулга
киради, мевасининг сифати ҳам та-
лабга жавоб бермайди.

Яхшиси кўчатхонадан ўзига мос
пайвандтагга уланган ҳамда идишда
ўстириш учун мўлжалланган икки-уч
йиллик кўчатни олиб парвариш этган
маъқул.



5. Дастлабки бир неча йил мобайнида, ўсимлик
тўлиқ кучга киргунга қадар унда фақат уч-
тўртта мева қолдириб, ортиқча тугунча ва
уруғдонлар узиб ташланади.

Мевали дарахтлар. Цитрус ўсимликлари.

Гултувак ёки ёғоч идишда ўстирилаётган ўсимликни парвариш этиш жараёнида ҳар йили баҳор фаслида идиш юзасидаги тупроқ қатлами (илдизларга жароҳат етказмасдан) тўлиқ алмаштирилиши шарт. Қолаверса, айтиш мумкин, даврада руҳ микроэлементи бўй минерал ўғит, куз фаслида эса чириган гўнг ёки компост солиниши керак.

Мева солган ўсимликни қирқиш мумкинми?

Цитрус ўсимликлари фақат уларнинг ўсиш даврида, яъни ҳосилга киргунга қадар қирқилиши мумкин. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган ўсимлик ҳаддан ташқари шоҳлаб кетади ва кўримсиз дарахтга айланиб қолади. Шу боис,

дастлабки икки-уч йил мобайнида пайванд қилинган жойдан тепароқ ва пастроқда ўсиб чиққан ҳамда ўсимликнинг ташқи кўринишини бузиб турган новдалар ўз вақтида қирқиб борилиши шарт. Дарахт ҳосилга кириши билан уни имкон қадар қирқмасликка ҳаракат қилиш керак.

Цитрус ўсимликлар зараркунандалари

Цитрус қурти (червец) ўсимлик бити, оққанот ва қалқонсимон бит цитрус дарахтининг ривожига ҳамда ҳосилдорлигига жиддий зарар етказадиган зараркунандалардан ҳисобланади. Буларнинг пайдо бўлиши заҳоти ўсимликка карбофос моддаси билан камида икки марта ишлов бериш даркор.

Иккинчи ва ундан кейинги йиллар



6. Пишиб етилган мева пўстлогига жароҳат етказмай, гулқайчи ёрдамида авайлаб қирқиб олиниши даркор.



7. Дарахт тўлиқ вояга етгунга қадар ҳар йили баҳорда у олдингисидан каттароқ идишга олиб экилиши лозим. Айтиш мумкин, идиш юзасидаги тупроқ қатлами ҳам алмаштирилиши керак.


Илдизни қирқиш ва ҳалқалаш усули

Дарахтни ҳалқалаш ва илдизларини қирқиш усули қандай вазиятларда қўлланилади?

Илдизларни қирқиш усули. Кейинги вақтда бу усул боғдорчилик амалиётида кам қўлланиши боис, илдизни қирқиш масаласи тўғрисида сўз кетганда, кўпчилик, ҳатто айрим тажрибали боғбонлар ҳам елка қисиб қўя қолади. Аслида илдиз қирқиш усули ўсимликка шакл бериш ҳамда олхўри ва анжир сингари тез ўсадиган дарахтлар ривожини секинлаштиришда қўл келадиган энг қадимий усуллардан ҳисобланади. Демак, бу усулдан ўсимлик ривожини бир оз бўлса-да, чеклаш зарурати туғилганда фойдаланилади. Агарда тез ривожланаётган дарахт нисбатан ёш, дейлик 5 ёшгача бўлса, яхшиси уни бошқа, ўзига мос жойга кўчириб эккан маъқул. Агарда дарахт 5 ёшдан каттароқ бўлса, унда ўсимлик танасидан 1,5 м. масофада айланасига таги қазилади. Қазиш жараёнида дарахтнинг майда илдизларини қолдириб, юғон томирлари арралаб ташланади. Натижада ўсимлик ривожи сезиларли даражада секинлашади.


Ҳалқалаш усули. Юқорида баён этилган натижага ўсимлик физиологияси ҳақида яхши маълумотга эга, хусусан, ҳалқалаш усулини билган ҳар қандай одам ҳам эришиши мумкин. Унинг моҳияти шундаки, агар май ойида дарахт танасида эни 1 см. келадиган ҳалқа қирқиб олиш йўли билан ўсимлик баргларида ҳосил бўладиган озиқ моддаларининг дарахт илдизига томон ҳаракатини вақтинча тўхтатиб қўйиш мумкин. Бу ўз навбатида илдизлар ривожини секинлаштиради.

Илдизларни қирқиш усули




1. Баҳор фаслида дарахт танасидан 1,5 м. масофада айланасига таги қазиб чиқилади.


Ҳалқалаш усули




1. Май ойида дарахт танасида эни 1 см. келадиган ҳалқа белгилаб олинади.




2. Майда илдизларни қолдириб, дарахтнинг югон томирларини аралаб ташлаш керак.



3. Майда илдизларни чуқурчага жойлаб, тупроқ билан қўмиб қўйилади.



2. Ўткир пичоқ ёрдамида ҳалқанинг 2-3 см. қисмини қолдириб, қирқиб олинади.



3. Қирқилган жой икки қават лейкопластир билан ўраб қўйилади.

Апикал устунлик — ўсимликнинг ёнлама куртаклари ривожини секинлаштирувчи учкуртакнинг жадал ривожланиши.

Асосий новда — дарахт учида куртакдан ҳосил бўлган ҳамда тез ўсиш хусусиятига эга шоҳ.

Асосий новдасиз дарахт танаси — асосий новдага эга бўлмаган ўсимлик танаси.

Барг қўйни — барг ва новда ўртасидаги бурчак. Ана шу оралиқда ҳосил бўлган куртак ва новда **қўйин куртак** ҳамда **қўйин новда** деб юритилади.

Гербицидлар — ёввойи ўтларга қарши қўлланиладиган кимёвий дориворлар.

Гибрид — бир ёки бир неча новдаларнинг четдан чанглатилиши натижасида олинган уруғ ёрдамида ўсимлик кўпайтириш усули.

Гипокотиль — кўчатнинг илдиз бўйнидан уруғпалласигача бўлган қисми.

Гулкуртак — ўсимликнинг даставвал гул, кейин мева ҳосил бўладиган йирик, айланасимон куртаги.

Ёнбош шоҳ — ўсимлик танасининг бош поясидаги ёнлама ўсадиган новда.

Ёшартирувчи қирқиш усули — дарахтнинг қариб қолган шоҳларини кесиш йўли билан ёш новдаларни шакллантириш усули.

Иккиланган новда — дарахтнинг бир-бири билан рақобатлашувчи новдалари.

Илдиз бўйин — ўсимлик поясининг илдизга ўтиш қисми.

Илдизости новда — дарахт танасининг туби ёки илдизининг ер юзасидаги қисмида ҳосил бўлган новда.

Инсектицид — зараркунандаларга қарши қўлланиладиган пестицидлар гуруҳига мансуб кимёвий доривор.

Ишком — ўсимликни боғлаш учун мўлжалланган сим ва қозиқлардан иборат тиргак қурилма.

Каллюс — ўсимликнинг жароҳатланган жойида мавжуд бўлган ва унинг битиб кетишига хизмат қиладиган ҳимоя тўқимаси.

Камбий — ўсимлик пўстлоғидаги бириктирувчи (масалан, пайванд қилинган ўсимликларни) тўқима.

Компост — ўсимлик қолдиқлари ва чиқиндиларнинг чириши оқибатида ҳосил бўладиган органик ўғит тури.

Кордон — ўсимликнинг бир ёки бир неча асосий шоҳлардан иборат (бир, икки ва кўп елкали кордон) сунъий шакли.

Куртакни (шоҳни) яганалаш — эндигина ривожлана бошлаган ортиқча (кераксиз) куртакнинг (шоҳнинг) қирқиб ташланиши.

Куртакпайванд — пайвандтагга бошқа маданий нав куртагини (кўзини) улаш усули. Бу усул гулчилик ва узумчилик соҳасида айниқса кенг қўлланилади.

Кўз — дарахтнинг куртакпайванд учун мос қисми; ток ва атиргулнинг қиш-ки уйқуга кетган ўсиш куртаги ҳам кўз деб юритилади.

Кўрновда — дарахтнинг учкуртаги нобуд бўлган, яхши ривожланмаган новдаси.

Манзарали ўсимликлар — кўкаламлаштириш ҳамда уй-жойларни безаш учун кўпайтириладиган маданийлашган ва ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар.

Минерал ўғитлар — таркибида ўсимлик озиқланиши учун зарур бўлган моддаларга эга минерал(қазилма ноорганик модда) ўғит. Минерал ўғитлар таркибига кўра азотли, фосфорли, калийли ўғитлар ҳамда микроўғитларга бўлинади. Боғдорчилик амалиётида минерал ўғитлар кўпинча органик ўғитлар билан биргаликда қўлланилади.

Мувофиқлик — икки ўсимлик (пайвандтаг ва пайвандуст) тўқималарининг бир-бирига улашиб кетиши хоссаси.

Мульчилаш — ўсимлик атрофидаги тупроқни гўнг, чиринди, хас-хашак билан беркитиш агротехник усули. Бу ердаги ҳароратнинг мўътадиллиги баробарида нам ва сувнинг буғланиб кетишига тўсқинлик қилади.

Органик ўғит — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги чиқитлар ҳамда ўсимлик учун керакли озиқа моддалари бўлган айрим табиий моддалар. Гўнг, ҳайвон ва қушларнинг ахлати, компост, торф шулар жумласидандир. Улар баъзан маҳаллий ўғит деб ҳам юритилади.

Пайванд — поянинг қисми (қаламчаси) ёки куртагини (кўзини) бошқа ўсимликка улаш жараёни.

Пайвандуст — 1) пайвандтагга пайванд қилинадиган бошқа ўсимлик қаламчаси ёки куртаги; 2) пайванд қилинган қаламча ёки куртақдан ҳосил бўлган ўсимлик.

Пайвандтаг — бошқа ўсимлик куртаги ёки қаламчаси пайванд қилинадиган ўсимлик.

Пальметта — асосий новдаси тик, ёнлама шоҳлари эса қаватма-қават ўстирилган дарахт танасининг сунъий шакли.

Пастдан иситиш усули — тупроқ аралашмасига экилган қаламчаларнинг ўсишини жадаллаштиришга қаратилган идишнинг тагидан сунъий иситиш усули.

Пестицид — ёввойи ўт (гербицид), зараркунанда (инсектицид) ҳамда касалликларга (фунгицид) қарши қўлланиладиган заҳарли кимёвий моддаларнинг умумий номи.

Санитар муолажа — ўсимликнинг сўлиган, касалланган, жароҳатланган, қуриган ва бир-бирига чирмашиб кетган шоҳларини қирқиб ташланиши.

Скарификация — уруғ ўсишини тезлаштириш учун унинг қаттиқ пўстлоғини атайлаб жароҳатлаш усули.

Столон — шакли ўзгартирилган пояларнинг умумий номи. Улар ер остида, унинг юзасида ҳамда ёнламасига ўсиши мумкин.

Сув етишмовчилиги — ўсимлик сув сарфиётининг ошиб кетиши ҳолати. Бу ҳол ўсимликнинг қуриб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Тугун — ўсимлик поясида барг шаклланадиган қисми. Барг қўйнида (у тугуннинг устида жойлашган) куртак ҳосил бўлади.

Тугунора — ўсимлик поясининг икки тугуни орасидаги масофа.

Токновда — токнинг қотиб қолган асосий новдаси.

Тупгул — ўсимликнинг гулчечак ҳамда барглардан иборат бир йиллик новдасининг қисми.

Тупроқнинг ишқорланиши — тупроқ аралашмасининг водород ионлари фаолияти билан боғлиқ хоссаси.

Тўнкача — нотўғри кесилиши оқибатида ҳосил бўлган дарахт шоҳининг бўлаги.

Уйқу даври — ўсимлик ўсиши ва ундаги модда алмашиш жараёнининг секинлашуви.

Уйқудаги куртак — яхши шаклланган, лекин вақтинча ривожланмаётган ўсиш куртаги; ўсимликни нотўғри қирқилиши ёки совуқ уриши оқибатида у бир қанча йилдан кейингина уйғониши ва ривожланиши мумкин.

Уруғ бўртиши — сувнинг сингиши оқибатида уруғнинг бўртиши хоссаси.

Уруғланиш — гулнинг чангланиши туфайли ўсимликнинг уруғланиш хоссаси.

Урчуқсимон шакл — девор ёки ишком симига боғлаб ўстириладиган ўсимлик сунъий шаклларнинг тури.

Учкуртак — шоҳнинг тепа қисмидаги жонли куртак

Фотосинтез — хлорофилл орқали олинадиган ёруғлик энергияси ёрдамида ноорганик моддалардан органик моддаларни тўплаш жараёни.

Фунгицид — турли касалликларни келтириб чиқарувчи замбуруғларга қарши қўлланиладиган пестицидлар гуруҳига мансуб кимёвий дориворлар.

Чилпиш, чимтиш — ўсимлик новдасининг учини узиб ташлаш (чимтиш) йўли билан новда ўсишини тўхтатиш, ёғочлашиш жараёнини тезлатиш ёки бошқа новдалар ўсишини кучайтириш усули.

Штамб — дарахтнинг илдизбўйнидан танасидаги биринчи шоҳгача бўлган қисми.

Эндосперма — ўсимлик куртагининг шаклланиши учун зарур озиқа моддалари тўпланадиган уруғнинг махсус заҳира тўқимаси.

Этиоляция — ўсимликни ёруғликдан ҳимоя қилиниши оқибатида хлорофилл ва яшил рангнинг йўқолиши хоссаси. Ундан кўпинча ўсимлик шоҳларининг ўсишини жадаллаштириш мақсадида фойдаланилади.

Яганалаш — дарахт новларининг биртекис жойлашуви, ўсимлик танасига қуёш тушиши ва ҳаво айланишини яхшилаш учун шоҳларнинг сийраклаштирилиши.

Ўзак — қаттиқ пўстлоқ билан қопланган новданинг юмшоқ, ички қисми.

Ўсимликларнинг номувофиқлиги — бир ўсимликдан иккинчисига кўчирилган тўқималарнинг номувофиқлиги билан боғлиқ ирсий ўзига хослик хоссаси.

Ўсимлик танаси — дарахтнинг ердан юқоридаги шоҳлаган қисми.

Ўсиш омиллари — ўсимлик ривожини, илдизлашув жараёнини тезлаштирадиган ёки аксинча, секинлаштирадиган физиологик жиҳатдан актив кимёвий аралашма.

Қайта гуллаш — ўсимликнинг бир мавсум давомида бир неча маротаба гуллаш хусусияти.

Қайта тиклаш — ёш новдаларнинг узлуксиз шаклланиши ҳамда дарахтнинг жадал гуллашини таъмин этиш учун қўлланиладиган шакл бериш усули.

Қайта тиклайдиган шакл бериш — дарахтнинг (айниқса, манзарали бутанинг) тубдан қайта тикланиши ҳамда жадал ривожланишига хизмат қиладиган кесиш усули.

Қаламча — 1) янги ўсимлик ўстириш учун поя, барг ёки илдизнинг қисми; 2) ўсимлик поясидан пайванд қилиш учун олинган куртак.

Қалқонча — қаламча пайвандда қўлланиладиган ўсимлик пўстлоғидаги думчали куртак.

Қўйин — ўсимлик пояси ва барги оралиғидаги куртак ҳосил бўладиган қисми.

Қўйин куртак — ўсимлик қўйнида жойлашган куртак.

Ҳаво намлиги — сув парининг ҳаводаги миқдори. Иссиқ ҳавода намлик миқдори совуқ ҳавога қараганда баланд бўлади.

Ҳалқалаш — ўсимликнинг шоҳлаб кетишини олдини олиш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш мақсадида дарахт пўстлоғини ҳалқасимон тарзда кесиб олиш усули.

Тақризчилар

Мақсуд Мирзаев, техника фанлари номзоди, Р.Р. Шредер
номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий
тадқиқот институтининг бош директори

Карим Бойматов, қишлоқ хўжалик фанлари доктори,
профессор, Ўсимшunosлик илмий тадқиқот институтининг
резавор мева ва узумчилик бўлими мудири

Масъул муҳаррир
Бадий муҳаррир

Баҳодир Зокир
Ольга Жолдасова

Босмахонага 1.03.2002. топширилди. 20.03.2002. босишга рухсат этилди.
Бичими 70x100 ¹/₁₆. «Times» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобоғи 15, 21.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 18.0. Адади 5000 нусха. Буюртма №3186
Баҳоси келишув асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси.
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.



- Мевали ва манзарали дарахтни кўпайтириш
- Боғдорчиликда қўлланиладиган асбоб-ускуна
- Ўсимлик зараркунадалари
- Дарахтни пайванд қилиш усуллари
- Ўсимликка шакл бериш ва парвариш этиш тартиби